

Муҳаммадҷон Холбеков

СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК

РИСОЛА

Тошкент – 2014

УДК
ББК

Холбеков М. Структур адабиётшунослик: Рисола. – Тошкент: “Фан”, 2014. 136 бет.

Мазкур монографияда XX аср Ғарбий Европа адабиётшунослигида етакчи ўрин тутган структурализм ва структур адабиётшунослик назарияси тамойиллари хусусида фикр юритилади.

Рисола адабиёт назарияси ва ғарб адабиётшунослигидаги оқимлар концепцияси билан шуғулланувчи олимлар, филология факультетларининг бакалавриат ва магистратура йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Сувон Мели, филология фанлари номзоди

Тақризчилар: Бекмурод Йўлдошов, филология фанлари доктори
Улуғбек Ҳамдам, филология фанлари номзоди

Монография Жиззах Давлат педогогика институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди.

© “Фан” нашриёти, 2014

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари Ғарбий Европа адабий жараёнида кечган муросасиз ғоявий курашларда структурализм назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Структурализм назариясининг юзага келиши нафақат адабиётни чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ этувчи структур тамойилларга асосланган таҳлил услублари тарафдорларининг илмий дастурлари билан изоҳланади, балки бу йўналишга мансуб олимлар фаолиятининг илм-фан соҳасида кўтарган шов-шувлари, аниқроғи, олдинги қарашларга барҳам берувчи янги ғоя ва фикрларнинг илгари сурилиши бўлди, десак тўғрироқ бўлади. Қолаверса, бу йўналишга асос солган олимларнинг структурализмни услуб эмас, методология дея эълон қилганлари қатор фанлар доирасида тадқиқотларнинг авж олишига сабаб бўлди. Масалан, Францияда структурализм ғояларини қарор топтириш, унинг назарий тамойилларини ишлаб чиқиш борасида астойдил ҳаракат қилган адабиётшуносларнинг илмий изланишлари тез орада жаҳон илм аҳлининг назарига тушди. Улар томонидан таклиф қилинган бадиий асарнинг структур таҳлил усуллари ҳамда ушбу тадқиқотларнинг натижалари матбуот саҳифаларида кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Натижада структурализм руҳидаги таҳлил тамойилларини қўллаб-қувватловчи фикр ва қарашлар Франция ижодий интеллигенцияси доирасида илғор илмий ва эстетик позицияни эгаллашнинг асосий омили тарзида қабул қилинди.

“Структур адабиётшунослик” тушунчаси маълум даражада шартлидир. Сабаби, ушбу тушунча, унинг мазмуни ва маъноси нафақат француз ёки инглиз тилида, балки бошқа тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам муқобил атамага эга эмас, ундан фақат таҳлил жараёнида фойдаланилади холос. “Адабиётшунослик” атамаси бу ерда адабиётни ўрганишга доир тўғри маъно англатса, “структурализм” сўзи – шартли маъно касб этади.

Дастлаб Францияда пайдо бўлиб, кўпгина тарафдорларини орттирган, илм ва ижоднинг қатор соҳаларига кириб борган, энг муҳими, мукаммал шаклга эга бўлган структур адабиётшунослик ягона мактаб ёки оқим сифатида намоён бўлгани йўқ. “Структурализм фалсафий-методологик негизини алоҳида

ажратишнинг мураккаблиги шундаки, – деб ёзади Н.С. Автономова, – у сўзнинг том маъносида аниқ белгиланган ўз назарий ва фалсафий дастурига эга “мактаб” эмас, унинг аниқ дастури йўқ, бўлганида ҳам нафакат рақиблар, балки тарафдорлар ҳам уни тўлиқлигича қабул қилолмасдилар. Энг аввало, структурализм ижтимоий ва гуманитар билимнинг турли, яъни лингвистика, адабиётшунослик, этнография, психология, тарих каби соҳаларида етакчи мавқега эга илмий-ижтимоий қарашларнинг мажмуи сифатида намоён бўлди”¹.

Гуманитар билим соҳаларидан бири – адабиётшунослик – муфасссал кўриб чиқилганда, биринчи навбатда, мазкур соҳада умумий, яъни бадий асарни тадқиқ қилишда структур тилшунослик тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Лекин баъзи адабиётшунослар бадий адабиёт, поэтика, адабиёт назарияси, таржимашунослик каби фанларнинг айрим муаммоларини мустақил тарзда, структурализмга нисбат бермай ишлаб чиққанларига ҳам гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, матнни ҳар тарафлама ўрганишда аслида тилшуносликка оид усул ва қолиплардан фойдаланиш маълум даражада олимларнинг шахсий ташаббусидек намоён бўлади. Шу сабабдан, Ролан Барт, Алгирдас Греймас, Цветан Тодоров, Юлия Кристева каби олимларни битта “мактаб” вакиллари деб ҳисоблаганда, аввало, уларни бирлаштирган эмас, балки уларни бир-биридан фарқловчи хусусиятлар ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек филология илмига “структур тилшунослик” истилоҳи бирмунча илгари кириб келиб, илмий маъно касб этишга улгурган бўлса²да, сўнгги ўн йил ичида А. Расулов (“Структура ва структурализм”), С. Мели (“Структурализм ва структур таҳлил”), Қ. Қаҳрамонов (“Адабий танқидда модерн асар талқини”) сингари мунаққидларнинг мақолаларида “структур адабиётшунослик” ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Ушбу рисоламизда биз ғарб филология илмида “структур адабиётшунослик” назарияси хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтишни мақсад қилиб қўйдик.

¹ Автономова Н.С. Философские проблемы структурного анализа в гуманитарных науках: Критический очерк концепций французского структурализма. – М., 1977. с. 9.

² Қаранг: Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент, 2009. – 160 б.

I БОБ. СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК: ТАДРИЖ ВА ТАЛҚИН

Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда структурализм ғояси ва концепцияси 1960 йиллар Францияда, яъни Р. Барт, Ц. Тодоров, Ж. Женетт, Ж. Лакан, Ж.-Ф. Лиотар, М. Фуко, Ж. Деррида, А. Греймас каби олимларнинг тадқиқотларида кўтариб чиқилди. Структурализм тамойилларига асосланган адабиётшунослик дастлаб француз илмий мактабларида узоқ йиллар қўлланиб келинган тарихий ва биографик адабиётшуносликка қарши реакция сифатида майдонга келди. 1950 йилларда АҚШ ва Англия адабиётшунослигида юзага келган “янги танқид” каби структурализм ҳам, биринчи навбатда, матнга “қайтиш”, унга жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, матн тузилиши, унинг таркибий қисмларини муайян назария ёхуд методологик услубсиз аниқлашнинг имкони йўқ дегувчи фикрга ҳам таянди. Айни пайтда, “янги танқидчилик”да ҳар қандай адабий асар ўзигагина хос бўлган қоидаларга мос равишда, ҳеч қандай “дастлабки концепция”сиз ўқилиши талаб қилинарди. Структурализм тарафдорлари эса бадийий дискурс³ ва талқинда жорий этилган тамойилларга нисбатан таснифий ёндашиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Француз адабиётшуноси Ролан Барт ўзининг “Танқид ва ҳақиқат” (*Critique et vérité*, 1966) рисоласида бадийий асарни муайян контекстга солиб, унга муайян маъно-мазмунга доир нисбат беришга ҳаракат қилган адабий танқид ҳамда маъно-мазмуннинг шартлари, расмона қабул қилинган тузилиш, бадийий матнни ташкил қилувчи концепция ва ушбу матнни талқин қилиш қўламини аниқловчи поэтика, ёки адабиёт ҳақидаги фан ўртасида катта фарқ ўрнатди.

Адабиётни структурализм нуқтаи назаридан ўрганишнинг тўртта жиҳатини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) Р.Якобсон, А.Греймас каби олимлар томонидан адабиётни, аниқроғи бадийий асар матнини тилшунослик нуқтаи назаридан тавсифу таърифлашга бўлган ҳаракат; 2) нарратология ёки матннинг

³ **дискурс** – (лотин. *discursus* – фикр-мулоҳаза) – “сезгига, ҳис-туйғуга асосланган, бевосита, тўғридан-тўғри, интуицияга асосланган, ички ҳис орқали” каби тушунчалардан фарқли ўлароқ, “ақл-идрокка (фаҳм-фаросат ёки эс-хушга) оид, ҳис-туйғуга эмас, балки мулоҳазага асосланган, мулоҳаза билан қилинадиган, кўнгилга эмас, ақлга қараб қилинадиган”; “билвосита ифодаланган”; “мантикий”; “намоишкорона; кўрсатмали; аёний, чалғитувчи, алайно-ошкор” тушунчаларни англатади.

асосий таркибий қисм (структура) ларини, уларнинг жой эгаллаши ва алмашиши, ўзаро уйғун бирикма ҳосил қилиши, “қурама шакл”га кириш қоидаларини тавсифловчи ҳамда бадиий матн негизини ташкил қилувчи турли баён услубларини ўзида сақлаган “ҳикоя қилиш” илмини ривожлантириш; 3) олдинги адабиётга хос бўлган турли концепция ҳамда мумтоз асарлар орқали яратилган турли код (ушбу кодлар сабаб бадиий асар ўзига хос мазмун-маъно касб этади – М.Х.) ларни тадқиқ қилиш; 4) бадиий асар ўз маъно-мазмунига эга бўлишига ўқувчининг муносабати, шунингдек, ўқувчи кутаётган натижага, унинг ижобий ёки салбий тахминларига қарши чиққани, бинобарин, ўқувчи талабини қондирганини тадқиқ қилиш.

Хуллас, структур адабиётшуносликнинг ижобий жиҳати шундаки, структурализм ғоялари адабий танқидчиликда замонавий адабиётга нисбатан ўзига хос реакция сифатида намоён бўларкан, таъсир кўламини, бадиий асар яратиш жараёнида ўз аҳамиятини аниқлашга, шу билан бирга, бадиий асар тилидан амалда фойдаланиш, бадиий образни қуриш амалиётидаги қоида бузилишларни намоён қилишга ҳаракат қилди. Салбий жиҳати эса – структурализм ўзининг асосий диққат-эътиборини таркибий қисмлар ва кодларга қаратганлиги билан “адабиёт – бу дунёга тақлид” дегувчи тушунчани рад этди ва, аксинча, уни тил ва маданий кодлар билан тажриба ўтказишдек кўриб чиқди. Структурализм тамойилларига асослаган ғоя ва қарашлар негизида адабиёт муҳим бир жиҳати учун қадрланадики, унга кўра биз дунёни англашга ва муайян тартибга солишга ёрдам берувчи таркибий қисм (структура) лар, асосий ташкилий материал ва жараёнлар айнан адабиётда жиддий синовдан ўтказилади. Аниқроқ қилиб айтганда, дунё, объектив воқелик айнан адабиётда ўз аксини топади, демак бизнинг ижтимоий дунёимиз муайян концепция замирида ривожланиши муқаррардир.

Тарихга назар ташлайлик. Собиқ иттифоқ даврида адабиётшунослик соҳасида структурализм, бошқача қилиб айтганда, структур адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-йилларида шакллана бошлади. Унда икки оқим бир-бирига қарама-қарши чиқди. Масалан, формализм оқими яъни назарияни амалиётдан,

шаклни мазмундан ажратишга интилувчи идеалистик йўналиш тарафдорлари бадий матнни нарса (артефакт) га тенглаштириб, дастлабки назарий атама сифатида “материал” ва “усул” тушунчаларини илгари сурган бўлсалар, адабиётшунослик соҳасида структурализм тамойилларини жорий қилишга интилган олимлар матн (текст) ва унинг тузилиши (структура) ни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилдилар. Уларнинг фикрича, айнан матнда сюжетнинг намоён бўлиши, сюжет негизини ташкил қилувчи қисмлар ўртасидаги муносабатларнинг матн орқали ифодаланиши “ўзгармас қолип”га ўхшайди. “Структур адабиётшунослик” атамасини Ю.Н. Тинянов (1894-1943) илк бор истеъмолга киритаркан, соф технология ўрнига функционал нуктаи назардан, яъни бадий яхлитликка боғлиқ ҳолда бадий асарнинг (хоҳ у шеърӣ, хоҳ прозаик бўлсин – М.Х.) “конструктив элемент”ларини тадқиқ қилишни тақозо этувчи дастурни тақдим этган эди⁴.

Структур адабиётшуносликка оид ғоя ва қарашларнинг кейинги ривожини Прага лингвистик мактаби вакиллари фаолияти билан боғлиқ. Улар бадий ижодни ўзига хос коммуникатив жараён сифатида кўриб чиқарканлар, “бадий белги” муаммосини кўндаланг қўйишади. Бу ерда матнга нисбатан функционал ёндашиш ғояси кўлам жиҳатидан анча кенгроқ бўлган семиотик ёндашиш ғоясига мос келади. Таъкидлаш жоизки, семиотика кейинчалик структур адабиётшуносликка сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Бу борада матнни структуравий таҳлилдан ўтказиш жараёни, шунингдек, адабий асарни ташкил қилишда “қатнашувчи” таркибий қисмларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи “бинар оппозиция” (икки нарсани қарама-қарши қўйиш) назарияси муҳим аҳамият касб этди.

1960-йиллардан бошлаб Собиқ иттифоқ илм-фанида структурализм, бошқа мамлакатлардаги каби, структур тилшунослик, математик мантиқ, информация назарияси сингари тушунча ва услубларга сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади. Адабиётшунослик соҳасида бадий таҳлилнинг

⁴ Қаранг.: Тинянов Ю. Н., Якобсон Р. О.. Проблемы изучения литературы и языка // Тинянов Ю. Н. Поэтика. История литературы. Кино. - М., 1977. - С. 282-283.

асосий вазифаларидан бири деб адабий асарнинг структуравий сатҳларини аниқлашга қаратилди. Аниқроқ қилиб айтганда, матн иерархик кўринишда, яъни куйи элементларнинг юқори элементларга босқичма-босқич бўйсунishi, бир-бирини тақозо этиши, шу тариқа яхлит ҳолда намоён бўлишига эътибор берилди. Бундай системада юқори босқичдаги бирликлар куйи турувчи бирликлардан ҳосил бўлади. Кейинчалик ҳар бир босқичда оддий элементлар аниқланади, алоҳида ажратилади ва уларнинг бирга қўшила (боғлана, қўллана) олиши ҳамда бирлик ҳосил қилиш (синтагматика) ва синфларга бирлашиши (парадигматика) қоидалари имкон қадар қатъий руйхатга олинади. Шу тариқа адабий асар (объект) да барча коммуникация шакллари учун умумий бўлган белгилар намоён бўлади. Айни пайтда биринчи қатор системалардан фарқли ўлароқ (уларга табиий тил мансубдир – М.Х.), бадиий асарнинг мазмуни (асарнинг ичида сақланган информация – М.Х.) “иккиламчи модел система” сифатида намоён бўлади. Кўринишидан қатъий назар, хоҳ у илмий, хоҳ публицистик, хоҳ расмий, хоҳ бадиий бўлсин, матнни объектлаштириш (муҳассамлантириш, гавдалантириш, ифодалаш)га бўлган ҳаракат тадқиқотчиларнинг асосий кучини муайян тизим (структура) ни ташкил этувчи таркибий қисм (элемент) ларни матн ичида маҳкам боғлаб турган алоқа (синтактика) ларни аниқлашга йўналтиради. Шундай қилиб, структур адабиётшунослик тамойиллари асосан алоҳида олинган матн (одатга кўра, шеърӣ) лар таҳлилига, бадиий тилнинг сатҳларини кўриб чиқишга, таржима назарияси ва амалиётига қаратилди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, оғзаки ижод семантикасига (синтактика билан таққослаганда), аниқ методларнинг, биринчи навбатда, структуранинг матндан ташқаридаги воқелик билан муносабати (матн – маданият) ни аниқлашда, жорий этилиши қийин кечади. Бу йўналишда изланишлар энди бошланмоқда. Бу ўринда структур адабиётшуносликнинг асосий мақсади – ўзига хос “дунё модели”ни тадқиқ қилишдир. Мазкур “дунё модели” адабий асар ёхуд асарлар туркумида яратилган экан, бинобарин, алоҳида олинган

муаллиф ижодида, муайян жанрга оид тизим ёки бадиий йўналишда мужассамланади.

Бадиий матнга структуравий ёндашишнинг учинчи жиҳати – прагматика, яъни структура ва муаллиф, структура ва бадиий асар ўқувчиси ўртасидаги ўзвий алоқадорлик муаммоси бўлиб, бугунги кунда ҳам бу масала етарлича ёритилмаган.

Дарҳақиқат, XX аср лингвистика фанининг “отаси” дея эътироф қилинган швейцариялик тилшунос Фердинад де Соссюрнинг “Умумий тилшунослик курси” (*Cours de linguistique générale*, 1916) номли асари таъсирида Р.Барт, А.Греймас, Ц.Тодоров каби олимларнинг изланишлари туфайли структурализм тамойиллари адабиётшунослик соҳасида ҳам кенг ёйилиб, равнақ топди. АҚШда ушбу йўналишнинг юксалиши дескриптив тилшунослик мактаби вакиллари ҳамда Ч.С. Пирс ва Ч.У. Моррисларнинг семиотикага оид ғоя ва қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Структур адабиётшунослик тамойилларининг кенг майдон бўйлаб ривожланишида бир-бири билан рақобат олиб борган тенденциялар ўртасида чегара ўрнатишнинг ҳозирча имкони йўқ. Лекин бугунги кунда структуравий методнинг хилма-хиллиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу метод турлича талқин қилинмоқда. Улар орасида психоанализ (Ж. Лакан) ва социология (Л. Голдманн) ғояларига асослаган талқинлар эндиликда етакчи ўринга кўтарилди.

Кенг маънода – *адабий ҳодиса*, тор маънода – *адабий асар*ни фақат тилга оид структурага олиб бориб тақашга бўлган ҳаракатлар билан бир қаторда, структурализм XX аср охирида семиотик (ёхуд семиологик) ёндашувга қарама-қарши қўйилди. Аниқроқ қилиб айтганда, милoddан аввал, милoddан кейин мавжуд бўлган мафкуралар тарихини тадқиқ қилишда семиотик таҳлилдан (Ю. Кристева) кенг фойдаланила бошланди.

Адабиётшунослик илмига структурализм тамойилларининг кириб келиши масаласи бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Бу масала атрофида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Танқидий фикрлар, асосан, “формал услуб”ларга қайтиш, аксарият ҳолларда матнларнинг ўзига хос

жиҳатларини аниқлаш ўрнига бадиий асар элементлари орасидаги мавҳум алоқаларга эътибор қаратиш, асарнинг кадр-қимматини тарихий-маданий жиҳатдан баҳолашда асосий мезонларнинг йўқлиги масаласи атрофида баҳс олиб борилмоқда. Ушбу танқидий фикрларга жавобан структурализм тарафдорлари матннинг мазмун-маъносини аниқлашда семиотик таҳлил воситаларининг мавжудлиги, бадиий асарни чуқур ва кенг кўламда ўрганиш муаммосини ҳал этишда структуравий таҳлил самараси, умуман олганда, структур адабиётшунослик адабиётдаги классик метод ва методологияни инкор этмасдан, балки уни тўлдиради деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Шу билан бирга, илмий тавсиф ва таърифлашнинг статик (синхрон) моделларининг тарихий (диахрон) моделлардан устунлиги структур адабиётшуносликнинг заиф томони бўлиб қолмоқда. Фольклор, медиєвистика, синтактика каби турғун, кам ўзгарувчан бадиий системаларни ўрганишда ўзининг самарадорлигини оқлаган синхрон ёндашув семантика ва прагматика, айниқса уларнинг ҳозирги адабиётга тегишли жиҳатларини тадқиқ этишда етарли эмаслигини кўрсатди. Бугунги кунда структур адабиётшунослик ўзининг тадқиқот доирасига диахрон муаммони кўшганлигига қарамасдан, узлуксиз кечаётган тарихий-адабий жараён кўп ҳолларда “узук-юлук парчалар кетма-кетлигида” намоён бўлмоқда. Модомики, бадиий системаларнинг статик ҳолати уларнинг тадрижий ривожланиш суръатини кўрсатган бўлса, бадиий системаларнинг махсус диахрон концепцияларини яратиш ҳозирги адабиётшунослик талабларига тўлиқ жавоб беради деб айтиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, тилшунослик ва адабиётшуносликда структурализм тамойиллари Ф. де Соссюрнинг “Умумий тилшунослик курси”да ўз ифодасини топган концепцияларга асосланади. Бироқ структурализмнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш биринчи навбатда Р.О. Якобсоннинг тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан семиотика муаммоларига бағишланган илмий ишлари билан боғлиқдир.

АҚШда яшаган йирик рус тилшуноси Р.О. Якобсон (*Roman Jakobson*, 1896–1982) ўзининг новаторлик руҳидаги ғоялари ҳамда ташкилотчилик

фаолияти билан гуманитар фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшди. Олим қаламига мансуб рус тили грамматикаси, рус адабиёти, поэтика, психолингвистика, семиотика, тилнинг умумий назарияси каби йўналишларга бағишланган тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, филологик тадқиқотларнинг методологик асосини ташкил этиб келмоқда.

Ф. де Соссюр ўз маърузаларида тилни XIX аср тарихий тилшунослигига қарама-қарши қўяркан, уни “илмий” нуқтаи назардан тадқиқ қилишни уқтиради. Дарвоқе, XIX аср тарихий тилшунослигининг тадқиқот доирасига тилга оид муаммолар киритилган экан, янги концепция тилшуносликка тегишли хилма-хил ҳодисаларни “муносабатлар системаси”га жамлаб, у ерда тилнинг таркибий қисмлари, уларнинг маъноси, мазмун-моҳияти ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик жиҳати асосида аниқланади.

Бундан келиб чиқадики, структур тилшунослик нутқ жараёнини эмас, балки ўзига хос система, “структуравий яхлитлик”ни ўрганади. Р.О. Якобсон ишларида тилга оид элементлар фақат улар бажараётган функция жиҳатидан ўрганилиши мумкин дегувчи ғоя ўз аксини топди.

Формализм мактаби (айниқса Р. Якобсон, В.Шкловский, Б. Эйхенбаум) дастурларини, структур тилшунослик тамойиларини ҳамда Прага лингвистик мактаби вакиллари илгари сурган ғояларни бадиий матн таҳлилига татбиқ этиб, структурализм тарафдорлари адабиётни яратиш ва идрок этишнинг универсал тамойил ва қонунларини топишга, таъбир жоиз бўлса, “адабиёт морфологияси”ни илмий жиҳатдан тасаввур қилишга, қолаверса, батафсил таърифлаб беришга ҳаракат қилдилар десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, бирмунча вақт мобайнида бадиий матнларни тадқиқ қилиш методологиясига аслида тилшуносликка оид, хусусан, Прага лингвистик мактаби вакиллари кўтариб чиққан оппозиция назарияси, Якобсоннинг морфологик оппозициялар назарияси, Матезиуснинг актуал бўлиниш назарияси, Чомскийнинг генератив тилшунослик назарияси, тил ва услуб функциялари ҳақидаги таълимот, шифрланган ёки номаълум ҳарфлар билан

ёзилган матнни ўқиш, дистрибутив метод, трансформацион метод, семантик таҳлил каби тамойиллар киритилган эди.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида структурализм Францияда етакчи илмий йўналишга айланди дейилганда, энг аввало шуни назарда тутиш керакки, айнан шу даврда табиий ва аниқ фанлар соҳасида атомнинг парчаланиши, элементар зарралар назарияси, кибернетика, структуравий таҳлил каби қатор муҳим кашфиётлар илм-фан хусусидаги тасаввурларимизни тубдан ўзгартирди. Структура тушунчаси умумилмий аҳамият касб эта бошлади.

Дарҳақиқат, структурализмнинг гуманитар фанлар соҳасига кириб келишига француз этнографи ва маданиятшуноси Клод Леви-Стросс (*Claude Lévi-Strauss*, 1908-2009)нинг ҳиссаси бекиёс. У маданиятлар мифология, тилларнинг қардошлик системаси каби ҳодисларни ўрганишда Ф. де Соссюрнинг лингвистик моделини татбиқ этиб, катта натижаларга эришди. Леви-Стросс олиб борган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, билимнинг турли соҳаларида лингвистик назариядан фойдаланиш ўз самарасини албатта беражагини ёрқин мисоллар асосида намоён эта олди. Леви-Стросс қўлга киритган ютуқлари билан структурализмнинг асосий ғоясига эътибор қаратиб: *“белгилар системас, қайси маданиятга тегишли бўлганлигидан қатъий назар, ягона тамойилларга бўйсунди”*, деган тезисни илгари сурди.

Юқорида таъкидланганимиздек, структурализм филология илмида мустақил йўналиш сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди, илм-фаннинг кўпгина соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ структурализм руҳидаги методология (ўзининг асосий тамойиллари жиҳатидан – М.Х.) Ғарбий Европа, Россия ва қисман АҚШда кенг татбиқ этилди, холос. Р. Барт, К. Леви-Стросс, А. Греймас, Ж. Женетт, Р. Якобсон, Н.С. Трубецкой, Ц. Тодоров, Ю. Кристева, Ю. Лотман каби файласуф, адабиётшунос, тилшунос ва антрополог олимлар структурализмнинг ёрқин намояндаларига айландилар. Структурализмнинг фанлараро эгаллаган мавқеи, ҳаётнинг турли соҳаларида изланишлар олиб борган олимларнинг қизиқиш

доирасига структурализмга оид ғоя ва тамойилларнинг жорий этилиши структур тадқиқотлар учун умумий ҳисобланмиш ягона лингвистик (семиотика) методология мавжудлиги билан изоҳланди.

Принципиал жиҳатдан муҳими шундаки, структурализм мустақил йўналиш сифатида тилшунослик назарияси ва семиотика асосида ривожланди. Адабиётшуносликка тегишли жиҳатдан эса – структурализм даставвал бадиий матнни *иккиламчи йўсиндаги система* (курсив – М.Х.) сифатида кўриб чикди, шунга мос равишда, адабиёт тил, яъни *бирламчи йўсиндаги система* (курсив – М.Х.) дан фойдаланади. Шундай экан, бадиий матнни структур адабиётшунослик жиҳатидан кенг ва чуқур тадқиқотга бўйсунувчи модел тарзида тақдим этиш мумкин.

Дарҳақиқат, яширин кодларни аниқлаб, адабиёт расм-русумлари исканжасидан кутулиб чикқан интеллектуал ўқувчи қай тарзда матнни англашини атрофлича тушунтириб бериш структурализм тамойилларига асосланиб изланишлар олиб борган мутахассисларнинг бирдан-бир мақсадига айланди. Шу тариқа, структурализм ғоя ва тамойилларига асосланиш – бу таомилга кўра биз онгсиз равишда қилаётган ҳаракатимиз устидан онгли равишда теран фикр-мулоҳаза юритиш тарзидир.

Структур адабиётшуносликнинг асосий мақсади – лингвистика фани негизи ҳисобланмиш семиотика назариясига асосланиб, матн шакли, қолаверса мазмун-моҳиятини бошқарган грамматика, яъни қатъий қоида ва яширин кодлар системасини икки хил тушунишга йўл қўймовчи тарзда ифодалаш, ёрқин мисоллар асосида тушунарли қилиб изоҳлаб беришдан иборатдир. Структурализм назариётчиси Ж. Каллер (*Jonathan Culler*, 1944 туғ.) “тил тилшунослик негизини қандай ташкил қилган бўлса, худди шундай адабиёт негизини ташкил этувчи поэтикани куриб чиқиш – асосий вазифамиздир”⁵, деган бўлса, унга ҳамоҳанг тарзда Ц. Тодоров: “... ҳар бир конкрет матн

⁵ Culler, J. *Structuralist Poetics: Structuralism, Linguistics, and the Study of Literature* London. Ithaca: Cornell University Press, 1975. Бундан буён инглиз, француз ва русча манбалардан келтирилган ихтибослар муаллиф таржимасида берилади. – М.Х.

бадийлик сифатини, адабий тил меъёрларига мослигини таърифлаб беришга имкон яратувчи мисолга айланади”⁶, деган фикрни олдинга суради.

Бу борада “код” структур адабиётшуносликнинг муҳим атамасига айланганлигига эътибор қаратишимиз лозим. Код – бу муайян белгилар системасида коммуникацияни таъминлаб берувчи қоидалар мажмуидир. Бундан структуравий таҳлилнинг асосий тамойили келиб чиқади. Масалан, “нодир” бадий образлар (ҳозирча ғайришуурий, англомаган адабий тил), чуқур ва кенг кўламдаги структуравий таҳлилдан ўтказиларкан, структурализм руҳидаги “илмий код” тилига ўгирилади.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда структурализм тамойилларига асосланган методологияни тилни синхроник тарзда “моделлаштирувчи” дейиш ҳам мумкин.

Эндиликда структурализмнинг дастуруламали ҳисобланган, муҳим аҳамият касб этувчи тамойиллар хусусида фикр юритадиган бўлсак, уларни қуйидагича тақдим этиш мумкин: 1) инсон дунёни тил орқали идрок қилади, яъни дунё унинг онги ва тафаккурида тил тарафидан муайян структурага солинади; 2) инсон онги аввал бошдан структурага солинган, яъни инсон онги тил воситасида вужудга келади; 3) “дунё ҳар доим аллақачон ёзилиб бўлган шаклда кўз ўнгимизда намоён бўлади” (Р. Барт).

Бу тамойилларга батафсил тўхтайлик. Биринчидан, структурализм ва семиотик таҳлил негизида ётган муҳим тамойил шундаки, тилсиз англаниши мумкин бўлган “реаллик” мавжуд эмас. Шубҳасиз, мавҳум тушунчалар ҳам, конкрет нарсалар ҳам ҳиссий ва моддий жиҳатдан англаниши мумкин. Бироқ улар, биринчи навбатда, тил орқали ифода этилганидагина ўз маъно ва мазмунига эга бўлади. Мазкур фикр тилни анъанавий тарзда тушунилишини ўзгартириб юборади, ваҳоланки, тил – бу “реаллик”ни акс эттиришнинг “шаффоф ойна”дек воситасидир. Структурализм нуқтаи назаридан олиб қараганда, аксинча, тил “хира ойна” каби тушунарсиз, ноаниқдир. Биз соддаларча “тилни назорат қилаяпмиз” деб ўйлашимиз мумкин, аслида эса, тил

⁶ Todorov, Tz. Poétique // Qu'est-ce que le structuralisme? Paris: Seuil, 1968.

бизни назорат қилади. Шундай экан, “структура” тушунчаси бадиий матнда асосий ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан структуранинг ҳам функционал, ҳам ғайришуурий хусусияти муҳим аҳамиятга эга.

Ғайришуурий (англанмайдиган) структура – бу ўзига хос “шакл тузувчи” механизм, у инсоннинг ижтимоий (нутқ, феъл-атвор, хатти-ҳаракат, қариндошлик муносабатлари, урф-одат ва расм-русум), иқтисодий, маънавий-ахлоқий, ижодий ва ҳоказо фаолиятларининг ҳосиласини вужудга келтиради. Хуллас, бу ҳар қандай мазмун-моҳиятни тартибга солувчи мезонлардан “тўқилган” мато. Шу тариқа, тилга оид структуралар – тафаккур структуралари, қолаверса, инсон онгидаги дунёни тузиш тамойилларига айнан ўхшатилади.

Юқорида айтиб ўтилган бинар оппозиция (икки элемент қарама-қаршилиги) лар хусусида фикр юритганимизда таъкидлаш лозимки, бу структурализм учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган тушунчадир. Бинар оппозициялар дейилганда, аввало, объектив воқеликдаги ҳодисаларни ғайришуурий равишда муайян структурага солишни тушуниш лозим. Улар ҳақида илк бор рус тилшуноси Н.С. Трубецкойнинг фонология масалаларига бағишланган тадқиқотларида сўз юритилади. Фонологик оппозиция ҳодисаси Н.С. Трубецкой тадқиқотларида атрофлича кўриб чиқилиб, амалда ўзининг асослигини намоён қилаолди. Бу тамойил кейинчалик гуманитар фанларнинг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетди десак янглишмаган бўламиз. Масалан, К. Леви-Стросс ибтидоий жамиятлар томонидан *ҳаёт – ўлим; меҳнат – уруш; хом овқат – пишган овқат; оқ – қора; хўл – қуруқ* каби онгсиз равишда ўзлаштириб олинган бинар оппозицияларни шу аснода аниқлайди. Р. Барт ўзининг “Мифология” (*Mythologies*, 1957) рисоласида кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган кўпириб ювувчи воситалар рекламаси таъсири, самарадорлиги хусусида сўз юритаркан, унингча, рекламада *чуқурлик – юза қисм; кукун – гел* оппозицияси келтирилиши харидор онгида “бундай “ажойиб восита” албатта кир ёки доғ тушган жойнинг ич-ичига кириб, тоза қилиб ювиб ташлайди” дегувчи тушунчани ҳосил қилиши муқаррар. Барт мантиғига қараганда,

харидор онгсиз, ўзи билмаган тарзда “чуқурлик”ни “танлаб” олади⁷. Шунингдек, Р.О. Якобсон ва Ю.М. Лотман ишларида ҳам бинар оппозициялардан фойдаланишнинг ёрқин мисолларини учратишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, адабиётшуноснинг: “Наҳотки муаллиф бундай мураккаб йўл тутган бўлса?” деган саволига, тилшунос иккиланмасдан: “Ҳа” деган жавобни беради. Ва охирида: “Албатта англамаган ҳолда. Муаллиф ўрнига тил “гапиради”, деб қўшиб қўяди. Иккови ҳам структурализм тарафдорлари эканлигини унутмайлик.

Иккинчидан, ҳар қандай тарихий-маданий ҳодисани муайян белгилар системаси воситасида англаш мумкин. Белгилар системаси эса – тил.

Адабиёт ҳам, коммуникациянинг бошқа кўринишлари каби, – белгилар системасидир. Маъно ва мазмун, ўз ўрнида, реляция (таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати), яъни мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабат натижасидек намоён бўлади. Тадқиқот методининг тўлиқлигича структуравий таҳлилга асосланганлиги ўрганилаётган объектдаги маъно ва мазмун таркибий қисмларининг жойлашувига боғлиқ эканлигини англатади. Бу ерда Р. Якобсон, Р. Барт, М. Серр каби олимлар илгари сурган “модел – намуна – тақдимот” тамойилига эътибор қаратиш лозим. Масалан, Р. Якобсон: “... асосий вазифа системанинг ички қонуниятларини аниқлашда ётибди”⁸, деб таъкидлайди.

Ролан Барт фикрича, “... адабиётшунослик бадий асарда айнан қайси маънони ахтаришни кўрсатишга мўлжалланган дегувчи фикр билан хайрлашиш лозим: у бадий асарга ҳеч қандай маъно “бағишламайди”, унда маъно аниқлашгача бормайди ҳам. Аксинча, у ҳар қандай маъноларни вужудга келтириш мантиғини таърифлайди. Ўз ўрнида, таърифланган мантиқ, худди французча ибора ва сўзлар французларнинг тилига қандай мувофиқ келса, инсоннинг рамзий мантиғига ҳам худди шундай тўғри келади”⁹.

⁷ Barthes, R. Mythologies. Paris: Seuil, 1957.

⁸ Ю. Н. Тынянов, Р. О. Якобсон. «Проблема изучения литературы и язык», М., «Новый Леф», 1928, № 12, с. 36-37

⁹ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 360.

Француз файласуфи ва ёзувчиси М. Серр (*Michel Serres*, 1930-2004) структурализм хусусида ўз фикрини билдираркан, жумладан шундай ёзади: “Муайян тарихий-маданий мазмунга нисбатан, хоҳ у шахс, хоҳ нарсa бўлсин, ўтказилаётган таҳлил ушбу мазмунни намуна сифатида юзага чиқарса, демак, у структуравий таҳлил бўлади”¹⁰.

Ва, ниҳоят, учинчидан, структур адабиётшуносликнинг яна бир муҳим жиҳати – матн концепциясидир. Анъанага кўра, асар деб номланувчи ҳодиса тасвирланадиган реаллик (мимесис) ва муаллифнинг яширин ва ошкора интенция (ижодий концепция, ижодий индивидуаллик, психологизм ва ҳоказо) лари билан ўзаро муносабатда бўлади. Интенция (лот. *intentio* – “интилиш”, “ният”) – инсон онги, тафаккурининг муайян предметга қаратилганлигини англатаркан, аслида унинг замирида хоҳиш, олдиндан ўйлаб қўйилган режа ётади.

Структурализм тарафдорларининг тасаввурида, “асар” атамаси МАТНга, аниқроқ қилиб айтганда, адабий шарт ва кодларга мувофиқ муайян структуранинг таркибий элементлар ўртасидаги алоқаларга асосланган ёзув усулига алмаштирилади. Ушбу элементлар тасвирланаётган нарсa ёки ҳодисанинг ҳаққоний чиқишига даъво қилмасдан, фақат реаллик иллюзияси (яъни, воқеликни нотўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган тушунча, тасаввур) ни яратади. Бундан имманентлик (бирор предмет, ҳодиса ёки жараённинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган қонуният) ва функционаллик (муайян муносабатлар системасида объект хусусиятларининг ташқи намоён бўлиши, бажараётган вазифаси) тамойиллари келиб чиқади. Тушунча, тасаввур, идрокимиз тадқиқот объекти (бадий асар – М.Х.) хусусиятларини нотўғри талқин қилмайди, бузиб кўрсатмайди, балки матнга хос бўлган категория, унинг ички тузилиши билан айнан тўғри келади, унга мос тушади. Муҳими шундаки, матн таҳлили унинг генезиси (келиб чиқиши) ва унинг рецепция (лот. *receptio* – тор маънода: қабул қилиш, тушуниш; кенг маънода – идрок қилиш) сини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

¹⁰ Serres, M. *Hermes*. Vol. I. La Communication. Paris: Seuil, 1968

Ролан Барт фикрича, “Имманент, дохийий тадқиқотнинг мақсади – муайян объектда тузилиш, алоқа ва ўзаро муносабат структурасини қай тарзда ташкил топишини ўрганишдан иборатдир. Бунинг натижасида асар бир бутун яхлит ҳолда, ўзига хос система, тузилма сифатида намоён бўлади”¹¹. Шу тариқа, илмий метод воситасида асарнинг яхлитлиги ва ўзига хос система сифатида намоён бўлишини аниқлаш пировардида унинг нисбатан тўғри эканлигини намоён қилади.

Структурализм тарафдорлари матнни ўзига хос “ёпик система” сифатида кўриб чиқарканлар, унда асосий ўринни ташқи дунёни акс эттириш эмас, балки структура, яъни таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати, мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирини тақозо этишлари эгаллайди. Шундай экан, тадқиқотчилар асосли равишда барча тилшунос ва адабиётшунослар қўллаган “*ичида / ташқарида*”; “*бор бўлмоқ / йўқ бўлмоқ*”; “*ижобий қаҳрамон / салбий қаҳрамон*”; “*эркакларга хос / аёлларга хос*”; “*устки қисм / пастки қисм*”; “*мутассил / муваққат*”; “*оқ / қора*”; “*ёруғлик / қоронғилик*” каби “бинар оппозиция”, ёки бошқача қилиб айтганда, қарама-қарши жуфтликларга мурожаат қилишади.

Бу ерда структурализмнинг пойдеворини ташкил қилувчи “Муаллиф ўлими” концепцияси хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир. Аслида, “Муаллиф ўлими” (*La mort de l'auteur*) Р. Бартнинг 1967 йилда нашр қилинган эссесининг номидир¹². Унда муаллиф анъанавий танқидчиликка қарши фикр билдиради. Аниқроқ қилиб айтганда, анъанавий танқидчиликда муаллифнинг ижодий нияти ва биографияси матн талқинига қўшилишини танқид остига олиб, Барт ёзилган нарс ва ёзувчи ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас, уларнинг ўртасида муносабат йўқ, деган фикрни илгари суради. 1968 йил “Manteia” журналининг 5-сониди қайта эълон қилинган ушбу эссе адабиётшунослик ва танқидчиликда катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди¹³. Р. Барт ушбу

¹¹ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 360.

¹² Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 384-391.

¹³ Barthes, R. La mort de l'auteur // Manteia, 1968. № 5.

эссесида таниқли адабиётшунослар, бадий асарни таҳлил қилишда асосий диққат-эътиборни муаллиф шахсиятига қаратишган Гюстав Лансон (*Gustave Lanson*, 1857–1934) ва Шарл Огюстен де Сен-Бёв (*Charles Augustin de Sainte-Beuve*, 1804–1869) ларнинг назарий қарашларига қарши чиқиб, улар билан баҳсга киришади.

Ролан Барт, бадий асарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муаллифнинг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, этник мансублиги, психологияси, таржимаи ҳоли ва шахсий хислатлари каби жиҳатларга таянган танқидий методни қораларкан, асосий эътиборни матнни “тушунтириб бериш”да муаллифнинг тажрибаси ва қизиқишлари ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини ёқлаб чиқади. Барт фикрича, ушбу метод аниқ ва қўлай, бироқ амалда ишончсиз ва талай камчиликларга эга: “Матнни муаллиф ёзди” деб уни шунга мос равишда талқин қилиш “матнга чеклов қўйиш” демакдир. Матнни тўғри талқин қилиш мақсадида ўқувчилар бадий асарни муаллифга эътибор бермаган ҳолда ўқиб чиқишлари лозим”¹⁴.

Шубҳасиз, ҳар бир матн бир нечта қатлам ва маънолардан иборат. “Матн – шахсий тажрибадан эмас, балки беҳад кўп маданиятлардан олинган сўзлардан тўқилган мато”, деб Барт матн ва мато ўртасида ўхшашлик жиҳатларни аниқлайди¹⁵. Матннинг асосий маъно-мазмунни ёзувчининг “иштиёқ”и ёки “таъб”ига эмас, ўқувчилар таассуротига боғлиқдир.

Асосий ижодий таъсир ўтказмайдиган муаллиф, Барт талқинида, шунчаки *ёзувчи* (ингл. *scriptor*) дир. Аниқроқ қилиб айтганда, “муаллиф” (ингл. *author*) ва “муаллифлик” (*authority*) атамалари ўртасида анъанавий изчилликни йўқотиш учун Барт *scriptor* сўзидан фойдаланади. Унинг фикрича, “ёзувчининг вазифаси ишни “изоҳлаш”да эмас, “бажариш”дан иборат. Ёзувчи матн билан бир вақтда “туғилади”; у ёзиш чоғида ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч нарсага эгалик қилмайди; айна замонда, предикат (ингл. *predicate* - кесим) сифатида субъект (ингл. *subject* – эга) ҳам эмасдир. Ҳар бир китоб “шу ерда ва ҳозир ёзилган”, ҳар

¹⁴ Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. - с. 386.

¹⁵ Ўша манба, 385 бет.

бир янги ўқилишда янгитдан яратилади, чунки маъно манбаи фақат тилнинг ўзида ва ўқувчининг таассуротида ётибди”¹⁶.

Барт, ўз фикрини давом эттираркан, адабиётга нисбатан анъанавий танқидий ёндашув мураккаб бир муаммони кўтарганлигини таъкидлайди: ёзувчи матнга бағишлаган, унга сингдирган маънони биз англай олармиканмиз? Барт йўқ деб ҳисоблайди. Ёзиш, қайд қилиш, “хар қандай товушнинг парчаланиб кетиши” ягона талқин қилиш ёки, ҳеч бўлмаганда, тахмин қилишга йўл қўймайди. (Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу муаммо доимо Бартнинг диққат марказида бўлган; бу муаммога у бошқа тадқиқотларида, масалан, “S/Z” китобида яна қайтади ва батафсил кўриб чиқади –М.Х.)

Бу муаммо XIX аср охири – XX аср бошида адабиётшунос ва мунаққидлар ишларида у ёки бу даражада ўрганилганлигини тан олиб, Барт ўз эссесида француз шоири, символизм шеърляти дарғаси Стефан Малларме (*Stéphane Mallarmé*, 1842-1898) нинг: “... тилнинг ўзи гапиради” деган машҳур иборасини келтиради. Барт, шунингдек, XX асрнинг машҳур ёзувчиларидан бири, “Йўқотилган вақтни ахтариб” номли романлар туркуми муаллифи, француз адиби Марсел Пруст (*Marcel Proust*; 1871–1922) ижоди ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг назарида, “Пруст доимо ёзувчи ва у яратган рамзий маънолар ўртасидаги алоқанинг муқаррар равишда “емирилиши” масаласида ташвишланарди”¹⁷.

Хуллас, “муаллиф” ва “муаллифлик” атамалари ўртасидаги тафовутни аниқлаш – “Муаллиф ўлими” эссесининг асосий ғоясини ташкил қилганди. Барт бу ғояни илгари суриб: “Матннинг ягона маъносини кашф этиш ўрнига ўқувчилар ёзилган нарсани “кўп ўлчовли макон”дек қабул қилади, уни “ўқиб” бўлмайди, у фақат “ойдинлаштирилиши” мумкин холос”, дегувчи хулосага келади

Демак, структурализм нуқтаи назаридан олиб қараганда, асар муаллифи, хоҳ у насрнавис, хоҳ шоир бўлсин, ўзининг ижодий дастури, ижодий

¹⁶ Ўша манба, 388-389 бет.

¹⁷ Ўша манба, 389 бет.

индивидуаллиги, психологияси, қолаверса дунёқараши, имон-этикоди, феъл-атвори каби хислатлар жиҳатидан ном-нишонсиз “ўчирилади”. Майдонга тил, матн, код, структура чиқади. Яъни, “сунъий қолипга солиш”, тайёр қолиплар асосида тасвирий-ифодавий воситаларни яратиш ва уларни амалда қўллаш, инвариант (лот. *invariabilis* – ўзгармайдиган) структураларни ахтариш, “бутун борлиқни қамраб олувчи объективлик” каби тушунчалар билан боғлиқ бўлган тил, матн, код, структура – буларнинг ҳаммаси структурализм тамойилларига асосланган тадқиқотнинг диққат марказида туради.

Бундан ташқари, матн шахсга боғлиқ бўлмаган ўзига хос конструкция, тилга оид система фаолиятининг махсули сифатида намоён бўлади. Муаллифнинг иродаси, ижодий нияти ва бошқа “инсонпарвалик” руҳидаги интенциялар ўрнига матн маконида “лисоний ғайришуурийлик” ҳаракат қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, муаллиф ўрнига матн гапирди, бироқ тил муаллифнинг тили эмас, балки кодлар тилига айланади. Шу нуқтаи назардан, “муаллиф ўлган”, чунки унинг онги, тафаккури, қолаверса, “Мен” – инсоннинг ўз-ўзини англаши, унинг руҳий маркази иккиламчи даражага тушиб кетади.

Таъкидлаш жоизки, структурализмнинг бир қатор муҳим ғояларини ўзида мужассам этган “Муаллиф ўлими” эссеси Ғарбий Европа филология илмига, хусусан Ж.Женнет, Ц.Тодоров, Ю.Кристева, Ж.Бодрийяр, А.Компаньон, Ж.Деррида, М.Фуко каби структурализм ва постструктурализм тарафдорларига, шубҳасиз, сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Шунга қарамасдан, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг тадрижий ривожига етакчи рол ўйнаган структурализмнинг ашаддий рақиблари ҳам бўлган. Улар фаолиятига батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, чунки бу унчалик муҳим эмас. Аммо уларнинг структурализм ғояларига зид баъзи бир методологик қарашларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Биринчидан, структурализм тарафдорларининг дунёни англаш ва идрок қилишда тилнинг муҳим аҳамияти хусусидаги асосий концепцияси бадиий матнга бўлган мимесис (ижодкорнинг ҳаётга эркин тақлид қилиши) нуқтаи назаридан ёндашув (маданий-тарихий, психологик ва ҳоказо) ларга қарама-қарши

қўйилади. Иккинчидан, адабий ҳодиса (матн – М.Х.) ларга қатъий равишда синхрон ёндашиш туфайли, структуралистлар тадқиқот доирасидан адабиёт тарихи, адабиёт социологияси, маданий-тарихий шароит, муаллифлик интенцияси, матнни яратиш тарихи каби муҳим жиҳатларни чиқариб ташлайдилар. Бу эса тадқиқотнинг бир ёқлама олиб борилишини таъминлайди. Учинчидан, шахснинг биографияси ва психологияси, психоанализ (З.Фрейд, К.Юнг), феноменология (Э.Гуссерль), экзистенциализм (М.Хайдеггер, Ж.-П. Сартр) нуктаи назаридан танқид бадиий асарни бевосита муаллиф билан боғлашга ҳаракат қилувчи адабиётшунослар “муаллиф ўлими” концепциясини илгари сурган структуралистларнинг “ғоявий рақиб”ларига айланишди. Тўртинчидан, рецепция, аниқроғи, четдан таъсирсиз, эркин идрок қилиш, бевосита англашга барҳам берилади, чунки структуралистларнинг тадқиқот доирасини асослаб берувчи назарий қарашлари рецепциянинг “модел”ини ҳам тайёр ҳолда тақдим этади. Масалан, америкалик адабиётшунос Ж.Каллер ўзининг “Структурализм руҳидаги поэтика” асарида, Н.Чомский ва А.Греймас кетидан, “адабий компетенция” (кенг маънода – адабиёт; тор маънода –бадиий асардан яхши хабардор бўлиш – М.Х.) концепциясини ишлаб чиқди. Унга кўра, ўқувчининг адабий тил қонунларини яхши билиши гўёки олдиндан “матнга ёзилган” (inscribed reader) бўлади. Бу нуктаи назардан, структурализм бадиий эстетика ва ўқувчиларнинг бадиий асар юзасидан билдирган танқидига қарши туради. Ва, ниҳоят, бешинчидан, структурализмнинг кенг маънода эстетикага қарши қўйилганлигидир. Структурализм нуктаи назаридан олиб қараганда, бадиий асар маълум кодлардан ташкил топган. Агарда код моҳиятан ва мазмунан бошқа кодга ўтказилиши, кўчирилиши мумкин бўлса, бадиий асарни осонлик билан математика формулалари кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу ерда бадиий асарнинг эстетика жиҳатдан ноёблиги ўз аҳамиятини йўқотади.

Хуллас, танганинг иккинчи томони ҳам бор дейилганидек, анъанавий адабиётшунослик ва структур адабиётшунослик ўртасида ҳам ўхшаш, ҳам фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуддир. Муҳими шундаки, анъанавий адабиётшунослик доирасига кирувчи, унинг негизини ташкил қилувчи методология ва таҳлил

воситалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кенг қўлланилмоқда. Структур адабиётшунослик доирасига кирувчи методология ва таҳлил воситалари эса эндиликда махсус тадқиқотларгагина хизмат қилади, десак янглишмаган бўламиз.

Шунга қарамасдан, структурализм тамойилларига асосланган методологиядан фойдаланиш асосан икки соҳада, яъни маданий ҳодиса (адабий асар – М.Х.) ларни семиотика нуқтаи назаридан таҳлил қилишда ҳамда муайян жанр (роман, трагедия, қисса ва ҳоказо) ларда сюжет негизини ташкил қилган комбинация (ўзаро уйғун бирикма) ва вариация (ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш) лардан иборат структураларни таҳлил қилишда олиб борилаяпти. Шу билан бирга, структур поэтика концепциясининг равнақ топишида, нарратология (ингл. *naratology* – ҳикоя қилиш назарияси) соҳасида тадқиқотлар олиб боришда ҳам структурализмнинг аҳамияти каттадир.

Таъкидлаш жоизки, ўзининг афзаллик ва камчилик жиҳатларига қарамасдан, структурализм кўп ҳолларда асосли равишда танқидга учраган. Дарвоқе, илмий метод сифатида эътироф этилган структурализмнинг танқидига келганда, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

1) XX асрнинг 70-йилларида, структурализмнинг фалсафий-лингвистик негизи танқиди (Ж.Деррида, Р.Барт, Ж.Делёз, Ж.-Ф. Лиотар ва бошқ.) да асос топган постмодернизм ғоялари тараққий этиши билан боғлиқ равишда, структуралистларнинг таҳлил воситалари кўлами, кўлга киритилган натижаларнинг аниқ ва қатъийлиги, илмий-назарий ва амалий асосларнинг бир маънода ўқилишига даъво қилиши, “ёки / ёки” дегувчи бинар оппозицияларнинг қатъиян тақдим этилиши илм аҳли томонидан “интеллектуал таҳдид” деб баҳоланди;

2) Илм аҳлига манзур кўринган, йирик адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таҳсинларига сазовор бўлган назарий ишларнинг структурализм тараққиётига қўшган ҳиссасига қарамасдан, у ёки бу бадиий матн материалида структуравий таҳлилнинг аниқ натижалари нуқтаи назаридан, меъёридан ортик формал, яъни шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратиш, математик

методларни татбиқ этиш, “чизма адабиётшунослик”ка интилиш, муаллиф дунёқарашини, унинг ўзига хос услубини формулаларга олиб бориб тақаш, бадиий асарни матрицага ўхшатиш, “энг охирги структура”ни кашф этишга бўлган тенденциялар яққол кўрина бошлади.

3) Структурализм ғоя ва тамойиларига асосланган тадқиқотлар эстетиканинг асосий, яъни асарга нисбатан эстетик ва бадиий қадрият нуқтаи назардан ёндашиш муаммосини ҳал эта олмади. Асарни бир ёклама таҳлил қилиш, яъни унинг технологик (структура, тузилиш) томонини кўриб чиқишда, асарнинг манбаси, яратилиш тарихи, эстетик таъсири ва бадиий аҳамияти, маънавий-ахлоқий қадрияти каби жиҳатлар инобатга олинмаслиги асарни жозибадорлик, тароват, ҳиссий таъсирчанликдан маҳрум этади.

II БОБ. БАДИЙ МАТННИНГ СТРУКТУР-СЕМИОТИК ТАДҚИҚИ

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Францияда бир қатор олимлар ўз тадқиқотлари билан филология фанида илғор позицияларни эгаллай бошлади, қолаверса бу соҳада оламшумул шухратга ҳам эришдилар. Бевосита улар томонидан структур-семиотик тадқиқотлар доирасига кирувчи таҳлил методлари ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилди. Айниқса К.Леви-Стросс, А.Греймас, Ж.Лакан каби олимларнинг тадқиқотлари қизғин баҳс-мунозаралар кўтарилишга сабаб бўлди, гуманитар фанларнинг асосий йўналишларида йирик мактаблар пайдо бўлишига замин яратди, десак муболаға бўлмайди.

Гуманитар фанлар, хусусан адабиётшуносликда олиб борилаётган тадқиқотларда ўзининг айрим методларини самарали қўллаган структур лингвистиканинг бошқа соҳаларда ҳам тилга оид моделларини татбиқ қилишдан мақсади нима эди? Бу мураккаб вазифа нечоғлик амалга ошди? Унинг натижалари қанчалик аниқ чиқди? Структур адабиётшунослик ютуқларини таърифлаганимизда ҳамда холисона баҳолаганимизда бу саволларнинг пайдо бўлиши ажабланарли ҳол эмас.

Аслида тилшуносликка оид методларни гуманитар фанларнинг бошқа соҳаларига ёйиш ва татбиқ қилишнинг асосий мақсади олимларнинг гуманитар фанларни физика ёки математикага бўлмаса ҳам, лоақал табиий фанларга тенглаштиришга имкон берадиган тадқиқотнинг аниқ методларини яратиш борасидаги ҳаракатлари билан изоҳланади. Бундай татбиқ қилиш тарафдорларининг фикрича, Европа мамлакатларида жадал суръатларда ривожланаётган гуманитар фанларда ҳукм сурган интуитивизм (борлиқни тажрибадан ташқари бевосита мантикий фикр-мулоҳаза йўли билан билиш мумкин деган ақидага асосланган “англаш”) ва субъективизм (моддий дунё мавжудлигини инкор этиб, улар фақат одамларнинг онгидагина мавжуд деб қарайдиган идеалистик фалсафий оқим) га барҳам берилган бўларди. Аслида, структурализм – шак-шубҳасиз экзистенциализм фалсафасига қарши ўлароқ майдонга чиққан илмий-филологик йўналиш – рационализм (тафаккурни

ҳиссий тажрибадан ажратадиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий оқим) ни тиклашга бўлган тенденция, қолаверса Европа мамлакатларида ижтимоий, илмий ва фалсафий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган тенденциялар замирида пайдо бўлди¹⁸.

А. Греймас структур лингвистика хусусида шундай ёзади: “Гуманитар фанлар учун тақдим қилинган методларнинг аҳамиятини табиий фанлар соҳасидаги алгебрик методларга қиёсласа бўлади; фикримизча, айнан шунда структур лингвистиканинг интуитив ёндашишдан устунлиги намоён бўлади. Беназир ақл-заковат, ички ҳис-туйғуга асосланган ёндашиш кўп ҳолларда мураккаб муаммо ечимнинг ягона воситасига айланади, бироқ уни гуманитар фанларнинг бошқа соҳаларида батафсил текшириб (*vérification*) бўлмайди”¹⁹.

Ўзига хос ташкил этилган тил сифатида қабул қилинган ва идрок этилган адабиётга семиотика нуқтаи назаридан ёндашишнинг бирдан-бир мақсади – гуманитар фанларни қайтадан қуриш учун асосий модел сифатида лингвистикани танлаб олиш, табиий тилларни ўрганиш методикаларини инсон ақлий фаолиятининг асосий, энг аввало, ижодий соҳаларида татбиқ қилишдан иборатдир. Шу ва шунга ўхшаш фикрлар – XX асрнинг 60-йилларида Ғарб мамлакатларида гуманитар фанлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Дарвоқе, нафақат Ғарбда: 1960-йилларда санъат ва адабиёт семиотики собиқ иттифоқда ҳам кенг майдон бўйлаб тараққий этди. Афсуски, ўша даврда бу соҳада сермахсул фаолият кўрсатган Ю.М. Лотман, В.В. Иванов, Б.У. Успенский, Н.И. Балашов, Ю.С. Степанов ва бошқа олимларнинг қарашларига батафсил тўхталиб ўтиш алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Мақсадга кўчадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, Р. Барт, француз семиотики босиб ўтган йўлни муносиб баҳолаб, жумладан шундай ёзади: “Агар Ф. де Соссюр учун лингвистика белгилар ҳақидаги умумий фаннинг бир қисми бўлган бўлса, ҳозирги тадқиқотчиларга лингвистика ва семиотика

¹⁸ Автономова Н.С. Философские проблемы структурного анализа в гуманитарных науках: Критический очерк концепций французского структурализма. М., 1977. с. 31.

¹⁹ Greimas A.J. *Sémantique structurale*. Paris: Seuil, 1966. p. 60.

ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши кўринади, яъни коммуникациянинг лисоний ва нолисоний системаларини ўрганиш “ҳар қандай семиологик система тил билан боғлиқ” дегувчи қатъий фикрга олиб келади. Бу эса семиотикани лингвистиканинг бир қисми деб ҳисоблашга асос бўлади”²⁰.

А. Греймас ҳам шунга ўхшаш фикрни билдиради: “Кейинги пайтларда баъзи бир илмий доираларда қандайдир лингвистик монополия ҳақида сўзлар янграмоқда. Кимлардир уни гуманитар фанлар ривожини учун таҳдид, бошқалар эса – уларнинг келгусида тараққий этиши учун замин деб баҳоламоқдалар”²¹. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, “лингвистика – кўплаб бошқа семиотик структуралар орасида устун турувчи, кашфиётга танҳо ҳуқуқи мавжуд фан”²² эканлигига Греймаснинг ишончи комил. Шу билан бирга, олим ўтган асрнинг 60-йиллари Францияда структурализмни “эпистемиологик тезлаштирувчи ёхуд секинлаштирувчи омил” деб баҳолашларига шубҳа билан қараган эди.

Француз маданияти ва тарихи назариётчиси М. Фуко (*Michel Foucault*, 1926-1984) истёъмолга киритган “эпистема” атамасидан фойдалансак, “бу дунёни тасаввур қилиш ёки кўз олдига келтириш усулини аниқлаб берувчи муайян билимлар структураси” дегувчи таърифга кўзимиз тушади. Бизнингча эса, эпистема (лотин. *episteme*) – бу ҳар қандай тарихий даврда фикр-мулоҳаза, назария ёки таълимотлар мавжудлигининг шарт-шароитларини белгилаб берадиган тарихан ўзгарувчан структурадир. Аслида тилшунос бўлсада, структур лингвистика асосчиси сифатида эътироф қилинган Ф. де Соссюрни йирик тарих файласуфи қиёфасида кўрсатиш ёки фалсафада тарихий моддиюнчилиқни, сиёсатда эса – синфий кураш назариясини асослаб берган К. Маркс (*Karl Marx*, 1818-1883) қиёфасида замонавий структурализм истиқболини белгилаб берган олимни кўришга бўлган интилишларни Греймас структурализм тамойилларининг инсон ақлий фаолиятининг барча соҳаларига ёйилиши ва татбиқ этилиши билан изоҳлайди. Греймас ўз вақтида пайқаган ва қисман кўриб чиққан бундай тенденция “Тель Кель” (*Tel Quel*) журналида

²⁰ Barthes, R. *Le Degré zéro de l'écriture, suivi de Éléments de sémiologie*, Editions du Seuil: Paris, 1965.

²¹ Greimas, A.J. *Du Sens: essais sémiotiques*. Paris: Seuil, 1970. p. 117.

²² Ўша манба, 118 бет.

фаолият олиб борган бир гуруҳ адабиётшунос ва танқидчилар, биринчи навбатда, семиотик олима Юлия Кристева (*Julia Kristeva*, 1941 туғ.) ишларида яққол кўринади.

Ю. Кристева учун тадқиқотнинг структур-семиотик методларини тан олиш ёки олмаслик – ғоявий масаладир. Бу ҳақда унинг семантик таҳлилга бағишланган “Сематаҳлил соҳасида изланишлар” (*“Recherches pour une sémanalyse”* 1969) номли рисоласидан билиб олиш мумкин: “Илм-фанимиздаги ҳозирги вазиятда, – деб ёзади у, – адабий семиотиканинг ёрқин намунасини таклиф этиш – юксак даражада ғоявий ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш демакдир; ваҳоланки, адабий фаолиятнинг айнан ушбу ғоявий мазмуни хусусида оғиз очмаслик ёки ўйламасликни афзал кўришади”²³.

“Семиотик таҳлилда, – давом этади Ю.Кристева, – тилшунослик, мантик ёки математик моделларга мурожаат қилинаркан, у ўзига хос нейтрал билимни мужассам этаяпти деб ўйламасдан, аксинча, ҳар сафар янги модел ва концепцияларни топиш лозим. Ўшанда ҳам эски, тарихан шаклланиб келган билимнинг умумий хусусиятларини намоён қилиб эмас, балки шу пайтгача очилмаган қирраларни, масалан, умумий нутқ, жамоавий иллюзия, устун турган анъана ва урф-одатларнинг асосий эпистемасини ташкил қиладиган матрицани яратиш лозимдир. Айнан танқидий детерминизм (нарс ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги таълимот – М.Х.), яъни муайян маъно англатувчи системанинг эпистемиологик, бинобарин тарихий жиҳатдан фарқлаш – семиотикани танқидий фан сифатида тартибга солади, айти пайтда адабиётшунослик ва тилшунослик фанларининг танқидига айлантиради, бошқача қилиб айтганда, уни асосан фарз ва методлар таҳлилига қаратиб, танланган илмий йўналиш тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатади”²⁴.

Ю. Кристеванинг ушбу, бир қарашда, тушунилиши бир оз қийин сўзларида, семиотикани “илмлар илми”га айлантиришга бўлган ҳаракатни пайқаб олиш мумкин. Тадқиқотчининг ўйлашича, семиотика мустақил илмий

²³ Kristeva, J. Semeiotike: Recherches pour une sémanalyse. Paris: Seuil, 1969.

²⁴ Kristeva, J. Sémanalyse et production de sens // Essais de sémiotique poétique. Paris, Seuil, 1972. p. 208

йўналиш сифатида фалсафанинг ғоявий тахминийлиги ва илмнинг чекланганлигидан эркинроқ бўлади²⁵.

Олима, семиотикада билиш (объектив дунё қонуниятларини англаш) нинг принципал тарзда янги методини кўраркан, аслини олганда, уни диалектик материализмга асосланган билиш назариясига алмаштиришга ҳаракат қилади. Унинг сўзларига қараганда, “семиотика соҳаси – бу материалистик гносеология²⁶нинг асосий муаммолари қўйиладиган соҳа, яъни муносабат: материя – маъно; кўп маъно англатувчи амалиётларда битта маъно пайдо бўлиши; ҳар хил маъно англатувчи амалиётларнинг ҳаракат қилиши қонуниятларини ўрганиш; ижтимоий тарих ичида ушбу амалиётларнинг ўзига хос тарихини ўрганиш ва ҳоказо”²⁷.

Ю. Кристеванинг гуманитар фанларни қайта қуриш ва асослаб бериш жараёнида семиотиканинг роли ва аҳамиятига бўлган қарашида кескин чоратадбирларни амалга ошириш ҳаракати сезилмоқда. Кези келганда айтиш керакки, вақт ўтиб бундай нуқтаи назар “Янги танқид” журналида салбий баҳоланди: “Адабиётни тадқиқ қилиш соҳасида семиотика истиқболи порлоқ йўналишларни очиб берса ажаб эмас. Бироқ, академик М. Храпченко тўғри таъкидлаганидек, семиотикани бугунги кун гносеологияси сифатида кўриб чиқмаслик ва диалектик материализмга асосланган билиш назариясига айлантирмаслик лозим”²⁸.

Шунга қарамасдан, нафақат Франция, балки Ғарбий Европа мамлакатлари филология илмида ҳам структур-семиотик тадқиқотларнинг роли ва аҳамиятини мутлақлаштириш тенденцияси кузатилган эди. А. Греймас фикрича, айнан структур-семиотик тадқиқотлар юнон-рум анъанасига асосланган Европада гуманитар фанлар, хусусан, санъат ва адабиётни барбод қилишга қодир²⁹. “Тель Кель” журналида фаолият кўрсатган олимларнинг

²⁵ Бу ҳақда: Kristeva, J. Distance et antireprésentation // Tel Quel, 1968, № 32, p. 49.

²⁶ **ГНОСЕОЛОГИЯ** - *фалс.* билиш назарияси: борликни, дунёни билиш, унинг аниқлиги, манбаи ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот.

²⁷ Kristeva, J. Entretien sur la littérature, sémiotique, marxisme // La Nouvelle critique, 1970, № 38, p. 34.

²⁸ Prévvost, C. Littérature et idéologies. Propositions pour une réflexion théorique // La Nouvelle critique, 1972, № 57, p. 17.

²⁹ Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 38.

илмий-публицистик мақолаларида ҳам структур-семиотик тадқиқотларнинг ижтимоий жиҳати алоҳида таъкидланади.

Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси соф назарий муаммодек англашилган филологик тадқиқотнинг структур-семиотик методларини амалда қўллаш имконияти ва чегараси хусусидаги баҳсларнинг асослигини нафақат намоён қилади, балки уларни кўриб чиқиш ва ҳал этишига ижтимоий жиҳатни ҳам киритади. Жамият ҳаётида структур-семиотик тадқиқотларнинг роли ва аҳамиятини кенгрок талкин қилиш ўтган аср давомида нафақат Франция, балки бутун Европада илм-фаннинг юксалиш даражаси ҳақидаги тасаввуримизни чуқур ва атрофлича шакллантириш учун бу масалага тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётнинг асосий ва ягона воситаси сўз эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Адабиёт табиятан объект сифатида намоён бўлган. Табиий тил ва адабий тил ўртасидаги тафовут муаммоси структурализм пайдо бўлганиданок кўтарилганлигига қарамасдан, лингвистик таҳлил учун энг қулай, қолаверса намунали объект сифатида айнан адабиёт (бадий матнни) тан олинди. Бу ерда қизиқарли бир тафсилот диққат-эътиборимизни ўзига қаратади: бадий матнни ўрганишда лингвистика қонуниятларини татбиқ қилиш борасида адабиётшунослардан кўра тилшунослар эҳтиёкорона иш тутган эдилар. Сабаби, тилшунослар бадий асар таҳлилида тилга оид моделларни ягона йўл ва самарали восита деб ҳисоблайдилар.

Ўтган асрнинг охирларида бир қатор тилшунос, хусусан семиотик олимлар адабиёт, тўғриси айтганда, тил эмас, аслида нутқ эканлиги, бинобарин, адабиёт таҳлилида тилга оид моделларни эмас, балки янги фан – нутқ лингвистикасини яратиш лозимлиги хусусида фикр билдирдилар. Бу йўсинда фарқ ўрнатиш хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритиш, қолаверса филология илмида янги соҳа зарурми, йўқми дегувчи масалада бош қотириш турли йўналишда фаолият кўрсатган олимларнинг ишларида учратамиз.

Масалан, машҳур тилшунос олим Эмиль Бенвенист (*Émile Benveniste*, 1902-1976) ўзининг “Умумий тилшунослик муаммолари” (1966) китобида

шундай ёзади: “Тил ва нутқ – битта реалликни қамраб олганликларига қарамасдан, аслида, бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки олам, уларга йўллари турли нуқталарда кесишиб ўтадиган иккита ҳар хил лингвистика мосдир. Бир томондан, тахминий эмас, аниқ; мавҳум эмас, қатъий жараёнлар воситасида муайян структура ва системаларга ажратиладиган шаклан ва мазмунан бир хил белгилар мажмуи сифатида намоён бўлувчи тил; иккинчидан – жонли мулоқотда пайдо бўлувчи тил (нутқ) мавжуддир”³⁰.

Ҳақиқатдан ҳам, турли олимлар ушбу соҳаларнинг ҳар бири ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар юзасидан ҳар хил таърифу тавсифлар келтиришади. Э. Бенвенист учун бу – семиотика ва семантиканинг ўзаро муносабати, чунки у нутқ ҳар доим референт алоқалар билан шартланган, бевосита уларга боғлиқ, тил эса – йўқ, деб ҳисоблайди³¹.


Тилшуносликда “референт”, “референт алоқа” тушунчалари хусусида “мулоқот пайтида билдириладиган муайян фикр таркибидаги лисоний белги англашиладиган конкрет предмет”³² дегувчи таъриф мавжуд.

Унга тўхталиб ўтайлик. Референт (лот. *referens* – хабар берувчи, етказувчи, қиёсловчи) – муайян нутқ парча (жумла) си эгаси назарда тутган тилдан ташқари (нолисоний) даги воқеликнинг объектидир; референция эса унинг предмети ҳисобланади. Шу билан бирга, алоҳида олинган нутқ парча (жумла) си эгаси нафақат реал воқеликка, балки тасаввурдаги (фаразий) воқеликка тааллуқли, масалан, бадий асар персонажи бўлиши мумкин.

³⁰ Benveniste, É. Problèmes de linguistique générale. Paris: Seuil, 1966.

³¹ Ўша манба, 127 бет.

³² Лингвистический энциклопедический словарь. / Гл. ред. В.Н. Ярцева. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – 683 с.



Семиотикадаги белгилар системасининг таркибий қисмлари

Дарвоқе, “референт” атамаси тилшуносликда ном ёки белгига нисбатан фақат тушунча орқали боғланган объектнинг билвосита муносабатини аниқлаш мақсадида инглиз тилшунослари Ч.К. Огден (*Charles Kay Ogden*, 1889-1957) ва А.А. Ричардс (*Ivor Armstrong Richards*, 1893-1979) томонидан уларнинг “Маънонинг маъноси” (*The Meaning of Meaning*, 1923) китобида илк бор қўлланилди³³.

Ҳозирги тилшунослик (шу жумладан, мантиқ ва фалсафа) да мазкур атама бошқа маънода ишлатилади: референция ҳодисаси, одатга кўра, объектни ва унга ишора қилувчи ном ёки белгини бевосита бир-бирига боғлайди. Шундай қилиб, референция – бу коммуникация жараёнида белгининг нолисоний воқелик объектлари билан ўзаро муносабатидир. Тилшуносликда ушбу атама кенг ва тор маънода талқин қилинади. Кенг маънода гап (фикр) даги ҳар бир сўз ўз референт (объект) ига эга; тор маънода эса – сўзнинг референт (объект) ларнинг бир қисми билан ўзаро муносабати, яъни референт (объект) лар бирор бир синфга тааллуқли бўлиб, уларни сўзлашувчилар суҳбат жараёнида ўз онгида алоҳида белгилайдилар.

Хуллас, Э. Бенвенист ана шундай нозик жиҳатларга эътибор қаратиб, адабиёт негизини ташкил қилувчи тил ва нутқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлайди.

³³ Ogden, C.K., Richards, I.A. *The Meaning of Meaning: A Study of the Influence of Language upon Thought and of the Science of Symbolism*. Magdalene College, University of Cambridge, 1923.

Француз файласуфи ва адабиётшуноси Жак Деррида (*Jacques Derrida*, 1930-2004) ва “Approaches to Semiotics” тўплами (бугунги кунда унинг юздан зиёд жилди нашрдан чиққан.) яратилишида қатнашган Ю. Кристева бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар учун тил ва нутқ – бу маъно (моҳият) ва ҳаёт (борлиқ) нинг ўзаро муносабатидир, деган ақидага таянилади. Шу сабабдан улар айнан моҳият шаклланиш жараёни (ҳаракат, ўзгариш) ни тадқиқ қилишга интилдилар.

Р. Барт эса нутқни унинг ижтимоий амалиёт билан ўзаро таъсири, ҳаракати, муносабатидан ажратган ҳолда тадқиқ қилишни тасаввур қилолмайди ва нутқ семиотикаси бошқа филологик фанлар билан бирлашиши лозим деб ҳисоблайди.

А. Греймас аксинча, Э. Бенвенистга қарши чиқиб, тил ва нутқ ўртасида қатъий чегара ўтказиш самара бермайди, деган фикрни олдинга суради. Унингча, дискурсив структуралар, аслини олганда, тилшунослик объекти эмас, балки матн – тил ва нутқнинг намоён бўлиш шаклларида бири, уларни синтагматик семиотика доирасида тадқиқ қилиш лозим. Фикрини давом эттираркан, тадқиқот доирасида фақат жумла билан чекланган тилшунослик нутқни ўрганишга ҳали тайёр эмас, дея таъкидлайди. А. Греймас ушбу муаммога ўз муносабатини қуйидагича билдиради: “Равон нутқнинг изотопияси, яъни синтагматик боғланганлиги (*coherence*) хусусида мантиқий фикр юритиш учун нутқни тугал маъно касб этувчи жумла (гап) ларнинг бирикуви (*d'énoncés*) сифатида тасаввур қилиш етарли эмас. Битта жумланинг бутун бошли гапни ҳосил қилувчи грамматикаси ҳақида эмас, балки мустақил нутқ ҳақида фикр юритишга мажбур қилувчи лисоний қонуниятларни тан олиш ўз-ўзидан нутқда ортиқча маъно-мазмун мавжудлигини (*redondance significative*) тан олишдир”³⁴.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, тилшунослик илмининг тадрижий ривожланиши адабиётшуносликда структурализм ғоя ва тамойилларининг равнақ топишида ҳам акс этади. Адабиётшунослик илми ўз тараққиёти

³⁴ Greimas, A.J. Pour une théorie du discours poétique. // Essais de sémiotique poétique. Paris: Seuil, 1972. p. 8.

давомида гуркираб ривожланиш пайтларини ҳам, инқироз даврларини ҳам бошидан кечирди. Адабиёт – ўзига хос тил ва нутқ тажассуми дегувчи бир ёқлама фикрлар пайдо бўлишига қарамасдан ҳам, изчил ҳаракатдан ҳеч қачон тўхтамаган. Баъзида тадқиқот вазифалари муайян мақсадга мосланиб “тил таҳлили вазифалари” деб белгиланганлигига қарамасдан, ушбу тадқиқот доираси, қоидага кўра, бир ёқлама ва самарасиз чиққан, қолаверса бадиий асарнинг таҳлили бундай чекланган доирага ҳеч қачон сиғмаган. Мисол тариқасида Р. Бартнинг француз адиби Оноре де Бальзак қаламига мансуб “Сарацин” (*Sarrasine*, 1830) новелласини эгаси маълум, кесимини топиш қолган битта улкан жумладек таҳлил қилишга бўлган ҳаракатини³⁵ ёки Ц. Тодоровнинг новелла жанрига хос мураккаб сюжет чизиғи грамматикасини яратиш бўйича тажрибасини³⁶ кўрсатиш мумкин.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида структур адабиётшунослик гўё ўз қобиғига ўралашиб қолгандек туюлганда, унинг ривожига тилшуносликда устунлик қила бошлаган кенг қамровли жараёнлар жиддий таъсир кўрсатди. Уларни умумлаштириб, лисоний системанинг қуйи сатҳи (унинг максимал бирлиги сифатида тугал маъно касб этувчи жумлалардан таркиб топган гап бўлган, яъни микросистема –М.Х.) таҳлилидан макроструктуралар, яъни матн таҳлилига ўтиш жараёни, деб тавсифлашимиз мумкин. Рус тилшуноси Т.М. Николаева таъкидлаганидек, “ушбу жараён XX асрнинг 60-йиллари иккинчи ярми ва 70-йилларни тўла қамраб олган матн лингвистикасининг жадал суръатда ривожланиши билан алоҳида ажралиб туради”³⁷.

Умуман олганда, тилшуносликда тилни белгилар системаси сифатида кўриб чиқиб, унинг таркибий компонентлари бўлмиш фонетик, грамматик, лексик birlikлар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни тадқиқ қилувчи оқимдек намоён бўлган структурализм адабиётшунослик соҳасида ҳам структуралистик йўналишга асос солди.

³⁵ Barthes, R. *S/Z*. Paris: Seuil, 1970.

³⁶ Todorov, Tz. *Grammaire du Décameron*. The Hague. Paris: Seuil, 1969.

³⁷ Николаева Т.М. Лингвистика текста. Современное состояние и перспективы. // Новое в зарубежной лингвистике. М., 1978. Вып. VIII. с.5.

Структурализм тамойилларига асосланган адабиётшуносликнинг кейинги ривожига, унинг такомиллашувига матн лингвистикасининг таъсири сезиларли даражада бўлган. Буни, кўп жиҳатдан, адабиётшуносликнинг ички ривожланиш қонуниятлари билан ҳам изоҳласа бўлади. Анъанавий адабиётшунослик доирасида “ёпиқ структура”лар таҳлили ёки асарни ёпиқ структура сифатида чуқур таҳлил қилишда мавжуд воситалар етарли эмаслиги ўтган асрнинг 70-йилларида олиб борилган тадқиқотларда яққол кўрина бошлади. Чунончи, адабиётшунослик билан яқиндан шуғулланган Р. Барт бу соҳада рўй бераётган ўзгаришларни, юзага келган мураккаб вазиятни ўз вақтида пайқаб, чиқишларининг бирида, жумладан, шундай фикр билдирганди: “Матн негизини унинг объектив тарзда тадқиқ қилиниши мумкин бўлган ёпиқ структураси ташкил қилади. Матннинг бошқа матн, бошқа код, бошқа белгиларга ҳавола қилиши; бошқача қилиб айтганда, матн мазмун-моҳиятига теран назар ташлаш, матнни “очиқ бериш”, аслида, матнда эмас, балки унинг матнлараро хусусиятида ётади. Илмий тадқиқотлар амалиётида ўзоқ вақт мобайнида бири-бирини инкор этувчи деб ҳисобланган икки ғояни, худди назарияни амалиёт билан бирлаштиргандек, структура ғояси ва комбинацион (вариацион) чексизлик ғоясини бирлаштириш лозим”³⁸.

Бундай фикрларни нафақат структурализм доирасида содир бўлаётган жараён ҳамда социолингвистика, неогерменевтика ва рецептив эстетика равнақ топишида мужассамланган жараёнларнинг аксидек қабул қилиш мумкин, балки уларни структурализмнинг ички ривожланиши, такомиллашуви жиҳатидан ҳам кўриб чиқиш зарур. Ўтган асрнинг 70-йилларида структурализм тарафдорлари ўзлари эгаллаган асосий позицияларнинг замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, таҳлилий метод ва мавжуд тасвирий-ифодавий воситаларнинг етарли эмаслигини чуқурроқ сеза бошладилар.

Бадиий асар таҳлилининг асосий қуроли сифатида олинган лингвистик воситаларнинг кўлами чекланганлиги хусусидаги фикр рус адабиётшуноси М.М. Бахтиннинг 1970-йиллар охирида нашр қилинган роман жанри

³⁸ Barthes, R. La Chambre claire. Note sur la photographie. Paris: Seuil, 1980. p. 34.

муаммоларига бағишланган ишларида батафсил ўз ифодасини топди. Таъкидлаш жоизки, М.М. Бахтин (1895-1975) асосий диққат-эътиборини ҳикоя қилишнинг эпик шакли ва роман жанри муаммоларига қаратган эди. Унинг бадий асардаги драматик полифонизм (кўп овозлилиқ) концепцияси адабиётни ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Машҳур француз адиби Франсуа Рабле (*François Rabelais*, 1494-1553) “Гаргантюа ва Пантагрюэль” (*La vie très horrifique du grand Gargantua, père de Pantagruel*, 1532) романининг бадий хусусиятларини атрофлича ўрганиб, М.М. Бахтин ҳар қандай миллий маданиятга хос бўлган адабий шакл назариясини ишлаб чиқди. М.М. Бахтин, бадий асарни санъат ходисаси сифатида кўриб чиқаркан, асар таҳлили натижалари ўлароқ, адабиётшуносликка полифонизм, хронотоп, карнаваллаштириш, мениппея каби тушунчаларни киритди. Илмий фаолиятда фақат адабиёт билан чекланиб қолмасдан, Бахтин тилшуносликнинг умумназарий масалалари, стилистика ва нутқ жанри назариясига бағишланган бир қатор тадқиқотларни яратди. Замондошлари томонидан деярли унутиб юборилган Бахтин адабиётшунослиқ илмига 1960-йиллар шогирдлари В.В. Кожинов, С.Г. Бочаров, Г.Д. Гачев, В.Н. Турбин ва бошқалар томонидан фанга қайтарилди. Шогирдлари кўмагида у Франсуа Рабле ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотини нашр қилишга, Ф.М. Достоевский ижодига бағишланган китобини қайта нашрдан чиқаришга, адабиёт назариясига доир мақолалар тўпламини чоп этишга муваффақ бўлди. М.М. Бахтиннинг асосий ишлари тез орада хорижий тилларга таржима қилиниб, Ғарбий Европа адабиётшунослигида юксак баҳоланди. Олимнинг назарияси айниқса Францияда Ц. Тодоров ва Ю. Кристеваларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ катта шухрат қозонган эди.

Биз М.М. Бахтин ишларига батафсил тўхталиб ўтишни мақсад қилиб қўймаган бўлсакда, олимнинг 1960-йилларда билдирган қуйидаги фикрини келтириб ўтишни лозим топдик: “Масалани бир оз соддалаштирайлик: соф лингвистик муносабатлар (яъни лингвистика предмети) – бу муайян белгининг бошқа белгига ҳамда тил системаси ёки матн доирасидаги мавжуд белгиларга бўлган муносабати (яъни белгилар ўртасидаги системали ёхуд чизиқли

муносабат) дир. Баён қилинган фикр-мулоҳазанинг реал воқеликка, реал тарзда гапираётган субъектга ва бошқа реал фикр-мулоҳазаларга бўлган муносабати, шунингдек муайян фикр-мулоҳазани илк дафъа ҳақиқий ёки ёлғон, гўзал ёки бемаъни ва ҳоказо қилувчи муносабатлар, ҳеч қачон лингвистиканинг предмети бўлаолмайди. Сабаби, алоҳида белгилар, тил системалари ёки белгилардан таркиб топган матн ҳеч бир вақт на ҳақиқий, на ёлғон, на гўзал, на бемаъни бўлмайди”³⁹.

Адолат юзасидан айтиш керакки, 1960-йиллар охирига келиб Р. Барт матнни ўрганишни юқори илмий савияга кўтариш қанчалик муҳим, шу билан бирга, қанчалик сермашаққат эканлигини яхши тушунган. Унинг фикрича, “матнни чуқур ва кенг қамровли тадқиқ қилиш жараёнида уни ижтимоий амалиёт билан чамбарчас боғлаш лозим, ўшандагина матнни ўрганиш даражаси сифат ва миқдор жиҳатидан анча мукаммал кўриниш ҳосил қилган бўларди. Матн таҳлилини тилшунослик доирасидан чиқариб, тарих, психология ва эстетика каби экстрасемиотик фанлар билан ўзаро таъсир, ўзаро ҳаракатга, бир сўз билан айтганда, шу фанлар билан бирлаштиришга интилиш лозим”⁴⁰. Афсуски, Бартнинг шу ва шу каби фикрлари фақат декларация, яъни тантанали равишда эълон қилинган дастур мазмунидаги расмий ҳужжат шаклида қолди ёки қуруқ сафсатага айланган баёнотга ўхшаб, унинг сермазмун тадқиқотлари нимага бағишлангани ва нимани очиб берганини ифодалаб бера олмади.

Структурализм тарафдорлари тил ва нутқни ўзаро фарқлашга жиддий аҳамият бериб, шеърини нутқнинг коммуникатив нутқдан қандай фарқи бор, яъни структур адабиётшуносликда объектнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборатлиги масаласини кўндаланг кўядилар. Ўйиборга молик жиҳати шундаки, лингвистик моделларни амалда қўллаш, натижада, тилшунослик ва адабиётшуносликни фан сифатида бирлаштиришга эмас, балки алоҳида ажратишга олиб келди. Мустақил фан сифатида намоён бўлган адабиётшуносликнинг объекти ва вазифаларини структурализм ғоя ва

³⁹ Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М., 1965. с. 303.

⁴⁰ Barthes, R. Leçon inaugurale de la chaire de sémiologie littéraire du Collège de France, prononcée le 7 janvier 1977. Paris, 1978. pp. 446, 449.

тамоийиллари асосида англаш моҳиятан ва мазмунан структур адабиётшунослик доирасида айнан лингвистикадан ажратган ҳолда амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, бадиий адабиёт спецификаси муаммоси барча структуралистлар учун бирдек қизиқарли бўлмаган. Ҳақиқатдан ҳам, адабиётни тадқиқ қилишда структур тилшуносликка хос методларни қўллаш аслида адабиёт ҳақида ҳақиқий фанни яратишга бўлган интилиш билан изоҳланади. Ҳолбуки бу фан ўз объективлиги, мезонларининг аниқлиги билан ҳар қандай субъективизмга ҳамда бадиий асарни импрессионизм руҳида, яъни ижодкорнинг ўз субъектив мушоҳадаси, ҳис-туйғу ва таассуротларини бевосита акс эттириш асносида баҳолашга барҳам беради. Лекин ҳар қайси фан, шубҳасиз, ўз предметини аниқ белгилаши лозим. Илмий ва ижодий фаолиятини структурализм билан чамбарчас боғлаган олимлар асосан семиотика билан шуғулланиб, адабиётни бошқа белгилар системалари қаторида оддий коммуникатив система сифатида кўриб чиқишни афзал кўришади. Масалан, ўз илмий ишларида адабиётни комплекс тадқиқ қилишнинг бутун бошли йўналишига асос солган А. Греймас: “Адабиёт автоном нутқ сифатида ўзигагина хос бўлган қонуният ва ўзининг ички спецификасига эгадир. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда у деярли бир овоздан рад этилмоқда, адабиёт негизида ётган “адабийлик” концепцияси эса – макон ва замонга қараб ўзгарувчан социокультурологик коннотация деб осонликча талқин қилинмоқда”⁴¹, дея таъкидлайди.

Ю. Кристева эса, иккиланмасдан: “Семиотика учун минбаъд адабиёт йўқдир”⁴², деган таърифни келтиради.

Шу ерда “социокультурологик коннотация” тушунчасига тўхталиб ўтмоқ лозим, деб ўйлаймиз. Социокультурологик коннотация дейилганда, энг аввало, сўзнинг қўшимча маънолари назарда тутилади, уларни маданият (маданий коннотация) ва ижтимоий ҳаёт (ғоявий, сиёсий коннотация) нинг ўзига хос хусусиятлари юзага келтиради.

⁴¹ Greimas A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 6.

⁴² Kristeva, J. Sémiotique, sciences critique et critique de science // Théorie d'ensemble. Paris: Seuil, 1968. p. 63.

Социокультурология фанининг асосий мақсади – муайян шароитда муайян жамиятда маданиятнинг ҳаракат қилиши, ўз вазифаларини қай даражада бажаришини тадқиқ этишдан иборатдир. Социокультурологик ёндашувнинг методология жиҳатидан моҳияти шундаки, у жамиятни инсон фаолияти натижаси ўлароқ ҳосил бўладиган (яратиладиган) ва қайта тузиладиган (тубдан ўзгарадиган) маданият (маданий жиҳат) ва жамият (ижтимоий жиҳат) бирлиги сифатида ўрганади. Ушбу маданий ва ижтимоий бирлик, системали ёндашиш принципларига биноан, метиндек мустаҳкам бутунликни ҳосил қилиб, ўзигагина хос бўлган хусусиятларни алоҳида олинган таркибий қисмлардан чиқаришга имкон бермайди. Ҳаттоки шахсга социокультурологик жиҳатдан ёндашилганда ҳам уни жамият билан диний, ижтимоий, сиёсий, тарихий, маънавий-ахлоқий, шу жумладан, маданий муносабатлар ҳамда умуминсоний қадрият ва мезонлар билан чамбарчас боғланган тарзда кўриб чиқади.

Коннотация (лот. *connotatio* < *con* – бирга, айни пайтда ва *noto* – белгилайман, қайд қиламан) – асосан фалсафа ва мантиқда: маъно (коннотат) ва ном ёки номлар мажмуи ўртасидаги муносабатни ифодаловчи мураккаб атама бўлиб, коннотат денотатнинг ўзига хос (бошқалардан фарқ қиладиган) хусусиятини кўрсатади, яъни ном (исм, от) да объектни белгилаш жараёнида аниқланадиган предметли маънони яққол намоён қилади. Денотациясиз намоён бўлувчи коннотация идеал объектни белгилайди, ушбу объект реал воқеликда тенг маъноли сўз ёки тушунчага эга бўлмаса ҳам, унинг номи маънодан ҳоли эмас.

“Коннотация” атамаси тилшуносликда ҳам кенг қўлланилади, бироқ у ерда бошқа, яъни лисоний бирликнинг маъносига ҳамроҳ бўлувчи қўшимча маъно касб этган ҳолда, у асосан фикр-мулоҳаза (тугал маъно касб этувчи гап, ибора, жумла) нинг экспрессив (ҳис-ҳаяжон) ва эмоционал (ҳис-туйғу) жиҳатларини ифодалаш учун хизмат қилади⁴³.

⁴³ Ревзина О.Г. О понятии коннотации // Языковая система и её развитие во времени и пространстве: Сбор. науч. ст. – М.: Изд-во МГУ, 2001. – с. 436–446.

Семиотикада коннотация – бу маънонинг тўғридан-тўғри бўлмаган модуси (кўриниши, тури) бўлиб, сўзнинг тўғридан-тўғри денотатив маъноси устидан “яна бир қават қўшиладиган” иккиламчи маъно, ифода сатҳидир. Сўзнинг қўшимча маъноларини аниқлаб белгилашга турли-туман омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, адабий жанрга оид омил: “оташ”, “аланга” сўзлари бадиий ибора сифатида ишқий муносабат, оташин муҳаббат, эҳтиросни ифодалаш билан бирга қўшимча тарзда “фожиа тили”, “классик ҳиссиёт” каби маъноларга ҳам эга бўлади. Бундан ташқари, идрок қилиш стереотипи, стилистик хусусиятларга қараб ҳам коннотацияларни аниқлаш мумкин. Коннотация – хилма-хил маъновий (ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи, баҳоловчи, услубни аниқловчи, тасаввур орқали ўхшашликни кўрсатувчи ва ҳоказо) элементлар мажмуи тарзида – сўзнинг луғавий маъносига қўшимча ҳамроҳ маъно сифатида бириктириларкан, сўзловчининг нутқ предметига бўлган муносабатини аниқлайди⁴⁴.

Таъкидлаш лозимки, замонавий структур тилшуносликда коннотация атамаси кенг ва тор маънода қўлланилмоқда. Кенг маънода мазкур тушунча остида муайян тилда акс эттириладиган ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, этнографик, маданий, диний каби ассоциация (тасаввур, ҳис-туйғу, фикр-мулоҳаза ва ҳоказоларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши) ларнинг деярли чегараланмаган доираси тушунилади. Тор маънода эса мазкур тушунча “сўзнинг қўшимча маъноси”, “бирга (айни бир вақтда) бўла оладиган, бирга қўшилиши мумкин бўлган, бир-бирига тўғри (мос) келадиган тушунча” маъносида англашилади. Масалан, “шуҳратпараст” сўзи “шуҳрат ортидан қувиш” маъносида; “мансабпараст” сўзи “мансабга интилиш”, “мансаб, хизмат поғоналаридан кўтарилиш”, “мартабанинг юқорилашуви” маъносида; “манфаатпараст” сўзи “шахсий манфаатини кўзлаш” маъносида ишлатилади ва кўпинча маъқулланмайди, яъни салбий коннотацияга эга бўлади. Одатда, тил соҳиблари онгида ўзига хос меъёрдек мустаҳкам ўрнашиб олган сўзлар, аниқроғи меъёрига нисбатан етишмовчилиги ёки ортиқчалиги билан ажралиб

⁴⁴ Шаховский В.И. К типологии коннотации // Аспекты лексического значения. Воронеж, 1982. с. 98.

турадиган хатти-харакат ёки хусусиятларни ифодалайдиган сўзлар коннотацияга эга бўлади. Таққослайлик: “судралиб бормоқ”, “имиллаб юрмоқ” – ҳаммадан орқада қолиб кетмоқ; “вайсамоқ”, “бидирламоқ” – сергап, тез ва кўп гапирмоқ; “ориқ”, “озғин” – нимжон ўсимлик, ориқ киши, унумсиз ер, ёғсиз гўшт маъноларида ишлатилади. Кўп ҳолларда баҳоловчи хусусиятга эга сўзлар метафорали (мажозий) шаклда ифодаланади, таққослайлик: “латта” – мато парчаси, лахтак; шунингдек, латтачайнар, бўш, лапашанг одам маъносида; “кунда” – ёғочдан ясалган буюм, нарса; тегана, сулов; шунингдек семиз, шалвираган одам маъносида; “аччик” – мажозий маънода ғамгин, маъюс кўринишдаги одам; тўғри маънода эса – аччик дори, аччик ҳақиқат, аччик олма, чойни аччик дамламоқ, аччик шамол; аччик танбех, тили аччик одам, аччик кулмоқ ва ҳоказо маъносида ишлатилади⁴⁵.

Яна мисолларга мурожаат қилайлик. Аслида “бўрон” сўзи қор аралаш қаттиқ шамолни ифодалайди, лекин “гулхандан учқунлар осмонга бўрондек кўтарилди”, “бўронли йиллар” каби сўз бирикмаларида коннотация ҳолида хизмат қилиши мумкин. “Тулки” сўзи “маккорлик”, “айёр киши”; “хўроз” сўзи “уришқоқ, жанжалкаш, гажир одам”, “ўт қўймоқ” ва “авжга чиққанда ашулани бузиб қўймоқ” маъноларидаги коннотацияга эга. “Арраламоқ” сўзи “арра билан ёғоч кесмоқ (қирқмоқ)” маъносини англатади, шу билан бирга “жонга (ғашга) тегмоқ, безор қилмоқ” коннотацияси ҳам мавжуддир. “Шамол” сўзи “мусоид шамол”, яъни бир томонга эсаётган (йўлдош) шамол; “мухолиф шамол”, яъни қарши эсаётган шамол; “вазиятга қараб иш тутмоқ”; “қайси шамол учирди?”; “шамол эккан, бўрон ўради”; “чўнтак куп-куруқ” каби коннотацияларига ҳам эгадир. Хуллас, буларнинг ҳаммаси сўзнинг коннотатив мазмунидир.

Ролан Барт, коннотацияга бағишланган тадқиқотида, унинг куйидаги хусусиятларига эътибор қаратади: а) коннотатив маъно лисоний денотатив маъно устидан ҳам, оғзаки бўлмаган белгилар (яъни сўз ишлатмасдан, артикуляция (талаффуз, оҳангни ўзгартириш), жестикуляция (имо-ишора), пантомимика, мулоқот мизансценасини ўзгартириш ва ҳоказо) воситасида

⁴⁵ Апресян Ю.Д. Коннотации как часть прагматики слова. // Ю.Д.Апресян. Избранные труды, т. 2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1995. 766 с.

қурилиши мумкин; б) моддий предметларнинг амалдаги номлари устидан қурилиши мумкин; сўзларнинг коннотатив маънолари яширин, сиртдан билинмайди, нисбий, яъни қиёслаб аниқланади, шу билан бирга кўчма, яъни ўрнини тезда алмашади, серҳаракатдир. Р.Барт коннотатив маънонинг муайян ғоявий жиҳатини, яъни ғоявий таъсир шакли сифатида сўзнинг асосий маъно ўрнини босиш қобилиятини унинг энг муҳим хусусияти деб ҳисоблайди⁴⁶.

Коннотация тил соҳиблари онгида асосий маъно билан чамбарчас боғланган қўшимча (маънони тўлдирувчи) семантик ва стилистик элементларни ўзида сақларкан, энг аввало, гап (ибора, жумла) нинг ҳис-туйғу ифодаловчи ва баҳоловчи мазмунни билдиришга мўлжалланади, шунингдек жамиятнинг маданий анъаналарини ўзида акс эттиради. Аниқроқ қилиб айтганда, коннотация – бу предмет ёки ҳодисаларни эмас, балки уларга бўлган муайян муносабатни ифодаловчи прагматизм руҳидаги ахборотнинг бир туридир.

Юқорида таъкидланганидек, коннотация тушунчаси дастлаб мантиқда пайдо бўлган эди. Кейинчалик, тадқиқотлар доираси кенгайгач, бошқа гуманитар фанларда ҳам қўллана бошланди. Хусусан семиотикага коннотация тушунчасини даниялик тилшунос Л. Т. Ельмслев (*Louis Trolle Hjelmslev*, 1899-1965) ўзининг “Тил назариясига бўлган қарашлар” (*Prolegomena to a Theory of Language*, 1953) китобида киритди. Шу тариқа коннотация Л. Ельмслев ишлаб чиққан “коннотатив семиология”да системали таҳлилнинг объектига айланди. Таъкидлаш жоизки, Л. Ельмслев ўзининг илмий изланишлари билан лингвистика фанини янги босқичга кўтарибгина қолмасдан, балки структурализм тамойилларига асосланган тил назариясида глоссематика деб номланган соҳани ҳам атрофлича асослаб берди. Глоссематика, математика, мантиқ ва семиотика асосида қурилган структура бўлиб, тилни семиотик системаларнинг жузъий ҳодисаси сифатида ўрганади; бу борада математика муҳим аҳамият касб этиши табиий. Бир сўз билан айтганда, глоссематика – бу тилни математикалаштириш (моделлаштириш)нинг бир кўринишидир. Тил –

⁴⁶ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. с. 143.

“билиш воситаси”, шунга кўра, тадқиқотчи учун дастлабки манба бўлиб матн хизмат қилиши лозим. Демак, тилшунослик назариясининг асосий мақсади “ўзгаришлар замирида ётган ўзгармас (турғун) нарсани топиш”дан иборатдир деган фикрларга асосланган Л. Ельмслев келажакдаги “интерматн” тадқиқотлар учун замин яратган бўлса ажаб эмас. Лекин Л. Ельмслевнинг лингвистика олдидаги таҳсинга сазовор хизмати шундаки, у коннотация ва денотация тушунчаларини мантиқ доирасидан чиқараолди, айти пайтда – тил соҳасида – тор маънода ва бир ёклама тушунилишидан халос этди. Тўғри, Л. Ельмслев китобида том маънодаги коннотация ва денотация ҳодисаларини кўриб чиқиш учун кам ўрин ажратилган, лекин унда денотатив ва коннотатив семиотика ҳар томонлама тадқиқ қилинган⁴⁷.


Коннотация ҳодисаси хусусида гапирилганда, табиийки, денотация ҳақида ҳам фикр юритиш лозим бўлади. Коннотацияга қарши ўлароқ, денотация (лот. *de* – бўлак, алоҳида ва *noto* – белгилайман, қайд қиламан) – бу сўзнинг тўғридан-тўғри (аниқ) маъноси, сўзнинг лексик мазмунидир. Матнда кўп учровчи денотация ҳодисаси полисемия (кўп маънолилиқ) деб ҳам аталади. Илман айтганда, муайян тушунчани ифодаловчи сўзнинг белгиланадиган объектга нисбатан муносабати, нутқда реал ёки тасаввурдаги объектларни тавсиф (таъриф) лаш ёки уларга кўрсатиш учун сўзлардан фойдаланишдир⁴⁸.

Белгиланадиган (ёки яққол кўриниб турган) предметни ўзида мужассам этган денотат (сўз) турли маънода ишлатилиши мумкин. Биринчидан, қуйидаги схемада кўрсатилганидек, денотат референт шаклида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Референт тушунчаси

⁴⁷ Ельмслев, Л.Т. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. 1. М., 1960. с. 369.

⁴⁸ Говердовский В.И. Диалектика коннотации и денотации: (Взаимодействие эмоционального и рационального в лексике) // Вопросы языкознания, 1985. № 2. с. 35-42.



“семиотик учбурчак”: сўз – тушунча, фикр – нарса

Юқорида номлари зикр этилган инглиз тилшунослари Ч.К. Огден ва А.А. Ричардсларнинг “Маънонинг маъноси” китобида келтирилган таърифга кўра, муайян нутқ (гап, жумла) парчасининг денотати – бу референт, яъни белги тушунчасини схематик тарзда кўрсатиш мақсадида намуна учун тақдим этилган семиотик учбурчакнинг “учи”ларидан бири: сўз (*symbol*) – тушунча (*thought of reference*) – нарса (*referent*)⁴⁹.

Иккинчидан, воқеликнинг сон-саноксиз объектлари муайян тил абстракт (одатда – лексик) бирлигининг денотати сифатида намоён бўлиб, ушбу объектлар мазкур тил бирлигининг тилдаги маъно-мазмунига мувофиқ тарзда номланиши мумкин. Айрим ҳолларда денотат конкрет нарса (хусусият, вазият, ҳаракат, предмет, ҳодиса ва ҳоказо) ларнинг чекланган ёки чекланмаган сонига эга. Масалан, Евроосиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, Антарктида “қитъа” сўзининг денотати ҳисобланади.

Учинчидан, денотат – бу муайян тилда турдош номлар билан белгиланадиган предмет ёки предметлар синфининг ифодаланиши, яъни константа деб аталаши ҳам мумкин.

Ва, ниҳоят, тўртинчидан, денотат баъзи ҳолларда денотатив маъно, яъни маъно-мазмуннинг ўзаги, хилма-хил ва ранг-баранг маъно ва оҳанглардан фаркли ўлароқ аниқ семантик компонент сифатида қўлланилиши мумкин. Масалан, “ота” ва “дада” сўзларининг денотатив маъноси маълум, бироқ “ота” сўзининг маъноси кенгайтирилган (абстракт) тарзда “туққан ота”, “ўғай ота”,

⁴⁹ Ogden, C. K., Richards, I. A. The Meaning of Meaning subtitled A Study of the Influence of Language upon Thought and of the Science of Symbolism. Magdalene College, University of Cambridge, 1923. p. 11.

“ота мерос”, “ота касб”, “ота-оналар”, “ота-бобо (аждод) лар” маъно (коннотация) ларида ҳам тушунилади. “Дада” сўзи эса ягона маънога эга бўлиб, асосан сўзлашув тилига хосдир⁵⁰.

Таъкидлаш лозимки, адабиётда тил ва нутқни алоҳида ажратишга ҳаракат қилган структуралистлар ўзлари эгаллаган позицияни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсата олмадилар. Сабаби, уларнинг ҳар бири ўз фикрида мустаҳкам туриб олган эди. Бундан ташқари, инсоннинг маънавий фаолиятига тааллуқли бўлган барча системалар мазмунан ва моҳиятан белгилардан иборат бўлганлигини тан олиш “Ғарб жамияти анъанага кўра ўзигагина мансуб деб ўйлаган ва инсонпарвалик ғоялари остида ушбу жамиятнинг эксплицит (ингл. *explicit* – аниқ, очиқ ифодаланган) дан фарқли ўлароқ, имплицит (ингл. *implicit* – англашиладиган, аниқ ифодаланмаган) негизини ташкил қилган маданий қадриятлар мажмуини шубҳа остига қўйди”⁵¹.

⁵⁰ Фреге Г. Смысл и денотат // Семиотика и информатика. Opera selecta: Сб. науч. статей. – М., 1997. № 35. – с. 352-379.

⁵¹ Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 36-37.

III БОБ. РОЛАН БАРТНИНГ СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

Структурализм тамойилларига асосланган адабиётшуносликнинг тадрижий ривож, ушбу йўналиш ичида чуқур инқирозга учраган ва уни бардош билан енгиб ўтишга бўлган уринишлардан далолат берувчи тенденцияларнинг пайдо бўлиши француз олими Ролан Барт тадқиқотларида ўз аксини топди.

Ролан Барт (*Roland Barthes*, 1915-1980) француз адабиётшунослигида структурализм негизида ташкил топган оқимнинг йирик намояндаси ҳисобланади. Франция илм-фанида катта шуҳрат қозонган Барт замондошлари томонидан “структур адабиётшуносликнинг яловбардори” дея кўкларга кўтарилди. Умуман олганда, бунга етарлича асос ҳам бор эди. Чунки, бошқа олим эмас, балки айнан у “янги танқидчилик” (*nouvelle critique*) нинг содиқ тарафдорлари ва мурасасиз рақиблари олиб борган кураш ўртасида туриб, бошига ёғилган танқидларга бардош ва матонат билан чидади. Етакчилик учун шиддатли кураш олиб борган адабиётшунос ва тилшунос олимлар гуруҳи Бартнинг илмий асарларида адабий танқидчиликнинг миллий анъаналари негизини бузишга қаратилган фикрларни кўриб, бу билан олим миллий адабиётшуносликка катта путур етказди деб ҳисоблаган эдилар.

Хуллас, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ролан Барт Ғарбий Европа адабиётшунослигида ўзига хос “йўлчи юлдуз”га айланди. Унинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи мақола ва монографиялар чоп этилди. Бартнинг йирик тадқиқот ва илмий ишлари матбуот назаридан четда қолмади. Даврий матбуотда олим фаолиятига бағишлаб чоп этилган ҳасадли памфлет ва ҳаддан ортиқ мақтовли мақолалар, жиддий мавзуга оид интервью ва фотосуратлар ҳеч бир муболағасиз унинг машҳурлигидан далолат бериб турарди.

Бошқа бир олим эмас, айнан Ролан Барт – француз структурализмнинг изчил тарафдорлари орасида мустақил позициясига эга бўлган ягона олим – структурализмнинг ягона байроқдорига айланганлиги 1960-70-йиллар Франция

интеллектуал ҳаётига хос бўлган парадокслардан бири эди десак муболаға бўлмайди. Унинг ижодий йўли эса, фикримизча, француз адабиётшунослиги, умуман олганда, бадиий тафаккури ривожининг ибратли тарихига айланган бўлса ажаб эмас.

Бадиий публицистика соҳасида фаолият олиб борган журналистлар адабиётшунослик ва танқидчилик доирасида “Барт даври”нинг бошланишини, одата, 1953 йилдан ҳисоблайдилар. Сабаби, шу йили Бартнинг “Ёзувнинг ноль даражаси” (*Degré zero de l'écriture*, 1953) деб номланган дастлабки йирик тадқиқоти дунё юзини кўрганди. Унда “ёзув” (*écriture*) махсус атама тарзида илк бор истеъмолга киритилганини кузатамиз. Адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасига бевосита тааллуқли бўлган ушбу атама Францияда оммалашиб, энг аввало, тарих ва жамият билан чамбарчас боғланган ҳолда *ёзув, услуб ва тил*га нисбатан қабул қилинган эди. Замонавий француз адабиётини холисона тавсифловчи ушбу тадқиқот Бартнинг мустақил фикрга эгалиги, ўткир нигоҳи ва бетакрор ақл-идроки, қолаверса, замонавий адабиётда кечаётган глобал жараёнларга бўлган жиддий диққатини намоён қилди десак янглишмаган бўламиз. Бу китоб бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятни йўқотмаган.

Шундай қилиб, деярли чорак асрдан кўпроқ олиб борилган сермашаққат илмий фаолият, йигирмага яқин китоб, юзга яқин очерк ва мақолалар – буларнинг ҳаммаси Ролан Барт ижодий йўлининг негизини ташкил қилади. Таъкидлаш лозимки, дастлаб у француз миллий адабий анъаналарини бузувчи, француз адабиётининг асрлар оша мисқоллаб йиғилган шон-шуҳратини пастга тушурувчи “инқилобчи” сифатида тан олинган эди. Ҳаётининг охирида эса Барт нафақат Франция, балки Европа университетлари илм аҳли томонидан ҳам расман эътироф этилди. Илмий фаолияти самараси ўлароқ, олим 1977 йил Франциянинг йирик илм масканларидан бири Коллеж де Франс (*Collège de France*) да ташкил этилган “Адабиёт семиологияси” кафедрасини бошқарди.

Бартнинг “Люцид камераси. Фотография ҳақида қайдлар” (*La Chambre claire, Note sur la photographie*, 1980) деб номланган сўнгги, ўлимидан сал олдин чоп этилган илмий ишига адабий танқидчиликда алоҳида аҳамият бериб

келинади. Бу асарда муаллиф ўзи ҳақида шундай ёзади: “... Мен ҳар доим икки – экспрессив (ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи) ва танқидий (тахлилий ва тадқиқий) тил ўртасида иккиланганимдан ўзимни ноқулай ҳис этардим. Танқидий тил, яъни нутқнинг бир нечта тур (*entre plusieurs discours*) лари: социология, семиология ва психоанализга доир нутқ намуналари орасида эса унданда ўнғайсиз аҳволга тушардим. Бироқ мен уларнинг ҳар бирида ҳис этган қаноатсизлигим, қоникмаганлигим мендаги мавжуд ягона ҳислатни бот-бот намоён қилишга, собитқадамлик билан тасдиқлашга, қатъий бир фикр ҳосил қилишга ундайди. Бу ҳар қандай чекловчи тартиб-қоида, қўл-оёқни боғлаб қўювчи, эркин ҳаракатга монелик кўрсатувчи (редукция) тизимга таптортмай қаршилиқ кўрсатишдир”⁵². Эҳтимол, ўзидан бўлак ҳеч ким Бартни шу қадар аниқ тавсифлай ололмасди.

Ролан Барт фаолиятини икки қисмга бўлиб ўрганиш, бунда 1973 йилни ўзига хос хронологик чегара деб қабул қилиш мумкин. Сабаби, шу йили унинг “Матндан роҳатланиш” (*Le plaisir du texte*) деб номланган эссеси дунё юзини кўрди. Унгача Барт, агар унинг таъбири билан айтадиган бўлсак, “танқидий тил” билан иш кўрганди. Айнан ўша пайти унга “структурализм дарғаси” шуҳратини келтирган асосий ишлари ёзилди. “Матндан роҳатланиш” номли эссесида матнни идрок этишнинг янгича ёндашувлари ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилади, энг муҳими, матнни эстетика нуқтаи назаридан баҳолаш хусусида сўз юритилиб, “ҳиссий идрок” тамойили илгари сурилади. Бу эссе Барт ижодида янги босқични белгилаб берди. Бу ерда муаллиф “экспрессив тилга” кўпроқ мурожаат қилишнинг афзал томонларини ёрқин мисоллар орқали кўрсатиб, “ҳис-ҳаяжонга тўла тил ғояси”ни тарғиб қилади.

Барт ўзининг кейинги – “Ролан Барт Ролан Барт ҳақида” (*Roland Barthes par Roland Barthes*, 1975), “Ошиқлар нутқидан парчалар” (*Fragments d'un discours amoureux*, 1977), “Люцид камераси” (*La Chambre claire, Note sur la photographie*, 1980) каби янги, субъективликка йўғрилган, ҳис-ҳаяжонга тўла,

⁵² Барт Р. Camera lucida. Комментарий к фотографии / пер. с фр., послесл. и коммент. М.К. Рыклина. – М.: Ad Marginem, 1997. с. 17.

ҳаттоки биров шоирона услубда ёзилган асарларида ҳам ўзи ҳақида сўзлашга, ўзининг дунёкараши, адабиётни идрок этиши хусусида теран фикр–мулоҳаза юритишга ҳаракат қилганини кузатамиз. Францияда яшаётган болгариялик файласуф, семиотика соҳасида танилган олим ва структурализм назариётчиси Цветан Тодоров (*Tzvetan Todorov*, 1939 туғ.) фикрича, Бартнинг охириги ишлари марказида муаллиф тураркан, демак улар универсал хусусиятга эга бўлиб, тор ижтимоий қатламга эмас, балки кенг китобхон оммасига мўлжаллангандир⁵³.

Шундай бўлсин ҳам дейлик. Лекин, муайян ижтимоий қатлам қандай бўлишидан қатъий назар – хоҳ у тор мутахассис, хоҳ у кенг билимга эга заковатли одам бўлсин – бундай социал гуруҳга алоҳида қаратилганлик хусусида фикрни эҳтиёткорона юритиш лозим. Сабаби, Бартнинг ҳар қандай чекловчи хусусиятга эга қонидани, эркин ижодга монелик кўрсатувчи тизимни қабул қилолмаслиги ҳақидаги фикрини эслаш кифоя. Бу сўзлар фаразий эмас, аниқ бўлиб, муаллиф позициясини икки алпозда тушунишга йўл қўймайди. Ҳақиқатдан ҳам, Бартнинг қарашларини ҳар қандай қатъий чизилган доирага, олдиндан тайёр қолипга сиғдириш, қолаверса, бирорта бадий–эстетик йўналишга таваккалига “ёпиштириб” қўйиш нотўғри бўлар эди.

Барт қаламига мансуб асарлар орасида фақат “Семиология асослари” (*Éléments de sémiologie*, 1965) ҳамда “Бадий матннинг структуравий таҳлилига кириш” (*Introduction à l'analyse structurale des récits*, 1966) каби асарлари изчил тартибда яратилган деб қабул қилиш мумкин. Бу асарларда муаллиф бадий матннинг структуравий ва семиотик таҳлили тамойилларига ўзига хос “кириш”ни тақдим этади. Шунингдек, Барт структур тилшунослик асосчиси Ф. де Соссюрнинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасига оид атамалар мажмуи билан таништиради.

Таъкидлаш жоизки, Ф. де Соссюрнинг ғоялари унинг “Умумий тилшунослик курси” номли китобида мукамал ифодасини топган бўлиб, умуман олганда, XX аср ижтимоий тафаккурига сезиларли даражада таъсир

⁵³ Todorov, T. *Poétique de la prose*, Paris: Seuil, 1971. p. 326.

кўрсатди, энг муҳими, структурализмнинг пайдо бўлишига ва равнақ топишига замин яратди⁵⁴.

Ролан Барт юқорида номи зикр этилган асарларида бадиий адабиётни ўрганиш жараёнида структур лингвистика услубларини татбиқ этиш имкониятини асослаб бериш билан чекланибгина қолмасдан, “адабий тадқиқотларнинг замонавий босқичида бадиий матнни структуравий таҳлил этишнинг асосий модели сифатида лингвистикани қабул қилиш энг мақбул йўлдир”⁵⁵, дегувчи фикрни илгари суради.

Бироқ, Бартнинг на “Расин ҳақида” (*Sur Racine*, 1963) китоби, на “С/З” (*S/Z*, 1970) эссеси, ҳаттоки кескин танқидий руҳда ёзилган “Танқид ва ҳақиқат” (*Critique et vérité*, 1966) рисоласи ҳам структурализм тамойилларига асосланган тадқиқотларга мос келмайди. XVII аср француз адабиётининг йирик намояндаси, машҳур драматург Жан Расин (*Jean Racine*, 1639-1699) ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китобида Барт ўша даврда адабиётшунослик соҳасида кенг тарқалган позитивистик, яъни ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет (эмпирик) фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган ғояга асосланган субъектив оқим руҳидаги фикрларга қарши чиқиб, “асар-белги”га қарши “асар-маҳсулот”ни қўяди. Барт мазкур китобида Жан Расин трагедияларининг сюжети ва композициясини таҳлил қилишда структурализм тамойилларига асосланган бинар (иккили) қарама-қаршилик қолипидан фойдаланишга уринаркан, бу қолипни З.Фрейднинг психоанализ концепциялари билан асослаб беради.

Ролан Бартнинг машҳур “S/Z” эссеси – интерматнлик назариясининг дастлабки дастури ва бадиий асарни постструктурализм руҳида кўриб чиқишнинг дастлабки амалий тажрибасидир. XIX аср француз адиби Оноре де Бальзак (*Honoré de Balzac*, 1799–1850) нинг “Сарацин” (*Sarrasine*, 1830) номли новелласини чуқур таҳлил қиларкан, Барт асар Матнини, яъни унда “исканжага

⁵⁴ Соссюр, Ф. де. Курс общей лингвистики. / Пер. с фр. А.М. Сухотина, под ред. Р.И. Шор. Серия: Лингвистическое наследие XX века. М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.

⁵⁵ Барт Р. Фрагменты речи влюбленного / Пер. с фр. В. Лапицкого. – М., 1999. с. 10.

олинган бепоеён маданий тарих”ни “озодликка чиқаради” ва Матнни “сўзлашга мажбур қилади”. “Ҳар бир матн – бу интерматн” – “истеъмолда бўлган парчалардан тўқилган янги матодир”, деган фикрга келади. Матн асар ичида, унинг қаърисиди яширинган бўлиб, “ўқилиб чиқилган, кўз билан кўрилган, ҳаётда бўлиб ўтган, бошдан кечирилган” нарсаларни ўзида сақлайди; бу стереофоник макондир, бу ерда сон-саноксиз “товуш”лар – ғоя, мафкура, социолект, дискурс, жанр ва услубга оид топослар янграйди ва ўзаро чигаллашиб кетади.

Бу ерда топос хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу атамага Барт алоҳида аҳамият берган эди. Топос (юнон. *topos* – жой, атроф; лот. *locus communis* – умумий жой) – адабиётшуносликда кўчма маънода ишлатилиб, умумий майдонни, тор маънода эса адабий қолип, риторик савол, умумэътироф этилган фикр, турғун сўз бирикмасини, нутқий ифодани ифодалайди⁵⁶. Топос (нем. *Toposforschung*) атамаси адабиётшуносликка немис филологи Э. Курциус (*Ernst Curtius*, 1886-1956) томонидан киритилган бўлиб, XIX аср адабиётшунослигига хос риторик анъанага кўра топос ёки умумий майдон йўналиши жаҳон адабиётини такрорланадиган мавзу (масалан, “Олтин давр”, “Табиат китоби”) воситасида ўрганади.

Антик адабиётда, Аристотельнинг “Поэтика”сига асосан, топос тушунчаси нотиклар ўз маърузаларида ишлатадиган тайёр элементларни, яъни “умумий жой” (топоним)ни англатар эди. XX асрга келиб Э. Курциуснинг “Европа адабиёти ва лотин ўрта асри” (1948) китоби шарофати билан бу атама янги маъно касб эта бошлади. Э. Курциус фикрича, топос ҳеч кимга тегишли эмас, уни ҳеч ким кашф этмаган. У ижодкор қаламидан ўзига хос адабий реминсценция шаклида қоғозга кўчади. Шунингдек, у муайян бадиий макон ва замонда намоён бўлади. Э. Курциус ёрқин мисоллар орқали муаллифнинг мустақил равишда ишланган, унгагина тегишли кашфиёти, аслида, кўп ҳолларда иллюзияга айланишини исботлаб берди. Э. Курциус издошлари топос тушунчасининг қўлланиш соҳасини янада кенгайтирдилар. Масалан, XIX аср

⁵⁶ Комлев Н.Г. Словарь иностранных слов. М., 2006. с. 248.

адабиётида топос масаласини романтизм насри ва назмидаги халқчиллик, реализм адабиётидаги образлилик, модернизм адабиётидаги мифологик сюжет, оммавий маданият топонимикаси сифатида кўндаланг қўйишган эди.

Хуллас, Матн ўзининг бекиёс, ўлчаб бўлмас текстура (таркибий тузилиш, қисмларининг жойлашиш хусусияти) си билан Асарга қарама-қарши туради.

“S/Z” эссесидан бошлаб Барт актёр, янги шаклдаги ижодкор қиёфасига киради, аниқроғи, бир вақтнинг ўзида Аристотельнинг “мимесис” ва немис драматурги Б. Брехт (*Bertolt Brecht*, 1898–1956) нинг “бегоналашиб кетиш” техникасидан фойдаланади. Бироқ соддаларча янги шаклга кирибгина эмас, балки сўзнинг том маъносида ўзга, бир-бирига ёт товуш, овоз, садолар полифониясини янги қиёфада қойилмақом ижро этиш йўлини ҳам асослаб беради. Бундай ўзига хос “ўйин” олиб боришнинг калити “Ролан Барт Ролан Барт ҳақида” рисоласи муқовасидаги: “Бу ерда айтилганни романтик персонаж ёки бир нечта персонаж гапирган сўзлардек қабул қилиш лозим” дегувчи жумлада намоён бўлган бўлса ажаб эмас.

Р. Бартнинг “S/Z” эссесини шартли равишда структурализм руҳидаги асар деб қабул қилиш мумкин, чунки Бальзак новелласининг сюжет чизиғи жумлалар конструкциясига тенглаштирилади ва шу куйда ўрганишга тортилади. Айни пайтда, матннинг конкрет таҳлили кўпроқ психоанализ тенденциялари билан турфа рангга бурканган талқин ёки шарҳни эслатади.

Р. Бартнинг дастуруламал деб эълон қилинган танқидий руҳдаги “Танқид ва ҳақиқат” (*Critique et vérité*, 1966) эссеси ҳам адабиётга нисбатан фақатгина структурализм нуқтаи назаридан ёндашишни эмас, балки анъанавий адабиётшуносликнинг асосий тамойилларини рад этишдек ўқилади. Унда адабиётга нисбатан француз “янги танқид”ига ҳос бўлган ёндашишни, асарга нисбатан эса мустақил ва мукаммал феноменга бўлган қизиқишни кузатиш мумкин.

Ролан Барт ижодининг ушбу хусусиятлари, яъни изчиллик йўқлиги, мантиқсизлик, адабиётга бўлган янги ёндашувларни ахтариш ва уларни таҳлил қилиш зарурлиги масалаларига Барт ҳақида ёзган кўп тадқиқотчилар эътибор

қаратишган. Масалан, Серж Дубровский (Serge Dubrovskiy) нинг иқроор бўлишича, Барт эгаллаган жойни, унинг тутган мавқеини аниқ кўрсатишнинг иложи йўқ. Унинг тасаввурида Барт – “бу таснифлаш мушкул бўлган классикдир”⁵⁷.

Барт хақида исёнчи, тиниб-тинчимас тажрибадор, жасур ва парадоксал тадқиқотчи, кутилмаган жойда ҳозир нозир ижодкор, деб ёздилар. У “адабиётга янгича ёндашиш, янги нуқтаи назарларни ахтарувчи” олимдир. Унинг яна бир хислати – ҳаммага маълум бўлган нарсага янгича қарашга ҳаракат қилишдир. Доимий изланиш, етишган мақсаддан, эришилган натижадан, қўлга киритилган муваффақиятдан коникмаслик – Барт феъл-атворининг негизидир. У анъаналарни бузувчи, ўзини намоёнишкорона тутувчи, доим баҳс-мунозарага тайёр олим бўлган.

“Поэтик” (“Poétique”) журнали бош муҳаррири Мишель Шарль (*Michelle Charles*) га Бартнинг ушбу ноёб хислатлари манзур кўринаркан, у шундай ёзади: “Ролан Барт бизларга кашфиёт муайян илмий концепциядан узоқлашганданок бошланади деб ўргатади. У ташаббускор. Нашриётдан эндигина чиққан китоблар унинг диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Янги фараз, тахминлар комбинацияларини таклиф этаоладиган, янги объектни ўйлаб чиқараоладиган, нарсага янгича қарашга ҳаракат қиладиган бундай бошқа инсон топилмаса керак. Бироқ “плацдарм” ёки таянч нуқтани белгилагани заҳотиёқ Ролан Барт уни ташлаб кетади ва олдинга қараб, ўз йўлини яна давом эттиради... Олдида янги объект пайдо бўлган заҳоти Барт қайтадан бошловчи ролини ижро этишга шошилади”⁵⁸.

Дарҳақиқат, тадқиқотчи Бартнинг ўзига хос хусусиятлари юқоридаги тавсифда аниқ пайқаб олинганлигига қарамасдан, ижодий услубининг ушбу қирраларини бўрттириб кўрсатиш нотўғри деб ўйлаймиз. Ц. Тодоров “Poétique” журналининг Барт хотирасига бағишланган сониди: “Эндиликда ҳеч ким Бартни семиотик, социолог, лингвист деб жиддий қабул қилиши шарт эмас,

⁵⁷ Dubrovskiy, Serge. *Parcours critique II (1959-1991)* / Texte établi par Isabelle Grell. – Grenoble: ELLUG, 2006. p. 54.

⁵⁸ Ржевская Н.Ф. Литературоведение и критика в современной Франции: Основные направления. Методология и тенденции / Отв. ред. Т.В. Балашова. – М.: Наука. 1985. с. 205.

гарчи уларнинг овози билан навбатма-навбат гапирганлигига қарамасдан ҳам: айникса файласуф ёки “назариётчи” сифатида қабул қилиш нотўғри бўлур эди”⁵⁹, дея ошириб-тошириб ёзгани шундоққина кўриниб турибди. Тодоров ўз фикрини давом эттириб, Барт китобларида муайян ғоялар намоишини эмас, балки вербал хатти-ҳаракат (*action writing*) ни пайкаганини таъкидлайди. Айни пайтда, ушбу ғоялар мазмун-моҳияти уларни яратиш ҳаракатида ётибди дея хулоса қилади. Ц. Тодоровдек билимдон, нима ҳақида ёзаётганини яхши билган олимнинг фикр-мулоҳазаларини шубҳа остига олиш қийин бўлса ҳам, структурализм руҳидаги поэтика масаласида мазкур фикр-мулоҳазаларда Бартнинг “артистизм”ига, унинг ўз ролини моҳирона ижро этишига урғу берилганлиги сезилиб турибди. Фикримизча, Бартнинг йирик олим сифатидаги нуфузига, илмий ишларининг салоҳиятига кўпроқ эътибор қаратилганда фойдадан холи бўлмас эди.

Бугунги кунда Барт илмий меросини комплекс равишда ўрганиш долзарб муаммога айланган, лингвистика ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар марказида унинг ишлари сақланган, кўпгина тадқиқотларнинг методологик асосини Барт назарияси ташкил қилган бир пайтда, нафақат Францияда, балки бутун Европада Барт назариясига нисбатан билдирилган фикр, турли нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда муҳим саволга объектив жавоб беришимиз лозим: “Ролан Барт илмий меросини қандай ўрганмоқ лозим?”

1960-йилларда Барт семиотика билан шуғулланишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билган бир пайтда, “рамзий белгилардан фойдаланиш орқали ҳар томонлама таърифланиши мумкин бўлган замонавий ғарб одамини ўрганиш борасида айнан семиотика тадқиқотчи кўлига ажойиб қурол беради”⁶⁰, деб ҳисоблаган эди. Унинг сўзларига қараганда, “семиотика” атамасини у Ф. де Соссюр таърифида, семиология (сема – “белги”, логос – “таълимот, фан”) яъни рамзий белгилар ҳақидаги фандек қабул қилган. Устига устак, Бартни, биринчи навбатда, тилдан ташқари белгилар системасининг имманент (бирор

⁵⁹ Todorov, T. Mikail Bakhtine. Le principe dialogique, suivi de Écrits de Cercle de Bakhtine. Paris: Seuil, 1981. p. 141.

⁶⁰ Roland, B. “The Death of the Author”, in Image-Music-Text, essays selected and trans. Glasgow: William Collins Sons & Co. Ltd., 1979. pp. 8.

ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган) таҳлили қизиқтирган. Бу жиҳатдан Бартнинг “*Système de la mode*” (1967) ва “*L'Empire des signes*” (1970) каби ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ролан Барт бадиий адабиётни рамзий белгилар системасига иккиланмасдан, ортиқча изоҳларсиз қўшиб қўяркан, бу ҳақда “*Degré zero de l'écriture*” (1953) рисоласида атрофлича фикр юритади.

Семиотик олим сифатида Барт асосан бадиий матн полисемия (кўп маънолилиги) си муаммоси билан шуғулланган: “Танқид ва ҳақиқат” (*Critique et vérité*, 1966) эссесида бу муаммони асослаб бериш ва ишлаб чиқиш, аслини олганда, ушбу тадқиқотнинг асосий мавзуси ва предметини ташкил қилади; қолаверса, “S/Z” эссесида Барт классик бадиий матннинг кўп маънолилигини аниқ-равшан намоиш қилишга муваффақ бўлди.

Олимнинг структурализм тамойилларига асосланган ҳолда яратилган тадқиқоти деб маркиз де Сад, Фурье ва Игнатий Лойола ҳаёти ҳақидаги “*Sade, Fourier, Loyola*” (1971) номли китобини кўрсатиш мумкин. Аммо, бу тадқиқот кенг китобхон оммаси эътиборини қозона олмади. Ўзини такаббурона тутган муаллиф ушбу китобида учта, бир-биридан кескин фарқ қилувчи шахс – “лаънати ёзувчи (Сад), буюк ҳаёлпараст (Фурье) ва авлиё иезуит (Лойола) ни” бирлаштириб, ортиқча фасоҳатга берилиб кетади. “Халқ учун афюн бўлган дин ҳам, дунёни қайта қуришга қаратилган утопик лойиҳалар ҳам, одоб-ахлоқ ва маънавият бузилишига олиб келувчи шахватпарастлик ҳам” уни қизиқтирмаслигини маълум қиларкан, Барт юқорида номи зикр этилган тарихий шахслар ижодида бир-бирига яқин бўлган асосий омилни топади: унинг наздида уларнинг ҳар бири “янги тил кашфиётчилари” бўлган эди. Устига устак, бу тиллар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар лингвистик ҳам эмас, коммуникатив тил ҳам эмас. Уларнинг мақсади муайян маъно англатиш ёки маълумот етказишда ҳам эмас. Уларнинг бирдан-бир мақсади – билим олишдир. Улар мустақил бўлиб, бошқа белгилар системасига боғлиқ эмас. Омад ҳаммага ҳам кулиб боқавермайди: бундай мукамал тилни яратган шахслар тарихда камдан-кам учрайди. Барт бундай шахслар қаторига “ҳеч

нарсани айтмаслик...” мақсадида “иккинчи нолингвистик тил”ни яратган маркиз де Сад, Фурье ва Лойолани кўшиб қўяди: “... агарда бирор нарса айтмоқчи бўлганларида, уларга лингвистик тил, коммуникация ва фалсафа тили етарлича бўлиб, ўшандагина уларнинг нутқида хулоса ясаса бўларди, аслида эса бу ишнинг имкони йўқдир”⁶¹.

Назаримизда, ушбу фикр ўта мавҳум кўринади. Чуқур ўйлаб қараганда, бадий матнни идрок қилишда коннотатив белги ва муайян шахсга мансуб идиолект аллюзиялар муҳим аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда, Барт концепциясига кўра, бадий матн маданиятнинг “умумий матоси”га сержило заррин ипдек қўшилиб кетади, унинг асосий манбаси ва ўқилиш услуби мато яратилишидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Айнан шундай парадоксал шаклда, мантиққа зид равишда Барт ўзининг бадий адабиёт спецификасини тушунишини ифодалайди. Унинг сўзларига қараганда, у асарни эмас, матнни ўқийди; матнда мазмун-маъно эмас, балки “муваффақиятли чиққан ёзув”ни ахтаради. Унга дин, утопия, садизм (бировни қийнаб шахвоний ҳирсени қондириш, қийнаб лаззатланиш) каби одатга айланган сабаб ва оқибат ўзаро алоқадорликдан маркиз де Сад, Фурье ва Лойола каби шахсларни “суғуриб олиш” мумкин бўлиб кўринади: “Мен уларни бир-биридан ажратиб, жой-жойига қўйишга ёки уларнинг ҳар бири ҳақида ахлоқий ва маънавий мулоҳазалардан қочишга ҳаракат қиламан, – деб ёзади Барт, – уларга ўхшаб фақат тил устида ишлаб, матнни социализм, имон-этикод, ёвузлик каби кафолатлардан халос этишга интиламан”. Барт, дудмол фикрини давом эттираркан: “Мен ёзилган ахборотни эмас, балки ахборот “портлаш”ини эшитаман холос”⁶², деб ёзади.

Айнан шу, яъни, худди уруғни мағиздан ажратгандек, ахборотни англаш жараёнини унинг мазмунидан “узиб олиш”, матнни унинг маъносидан “халос этиш”га бўлган ҳаракат, Барт тасаввурида, гўё у кўриб чиқаётган ёзувчиларни тенглаштириш, улар ўртасида умумийликни топиш мумкин бўлгандек сохта

⁶¹ Барт Р. Сад, Фурье, Лойола / пер. с фр. Б. М. Скуратова. – М.: Праксис, 2006. с. 113.

⁶² Ўша манба, 15-16 бет.

тушунчани ҳосил қилади. Барт шундай бошлайди ҳам: “Агар Саддан Фурье томон юрилса – садизм аломатлари йўқолади; Лойоладан Сад томон юрилса – маъбуда билан гаплашиш ҳисси йўқолади. Қолгани эса – ўша-ўша ёзувлар: таснифлаштиришга бўлган иштиёқ, қисм (кўчма маънода: Исо Пайғамбар, қурбонлик тана аъзоларини ёхуд инсон қалбини) ларга ажратишга бўлган ўчлик, бирма-бир санаб чиқиш (гуноҳ, азоб, эҳтирос, қолаверса, санок ҳатоларини) савдосига йўлиқиш, бадийий образни тушуниш... ижтимоий, шахвоний ёки тасаввуф системасининг тузилишидир”⁶³.

Формализм, яъни мантиқ, санъат, адабиёт каби фанларда шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратишга интилувчи идеалистик йўналиш оқимида бадийий материални кўриб чиқиш Бартнинг асосий вазифасига айланди. Барт тажрибасининг асосий моҳияти шундаки, матн ўрганишда қанчалик олдинга силжиш мумкинлигини кўриш: “... фақат матннинг ёзилиши ҳақида гапирганда нимани тушуниш мумкин? Ўрганилаётган (тарихий, психологик, эстетик) нарсани қандай қилиб матндан ажратиш (*suspendre*) мумкин?”⁶⁴.

Такрорлаш зарурки, бу ерда ғоя тўлиқлигича структурализм тамойиллари, яъни муайян ахборотнинг мазмунини эмас, балки унинг тузилишини ўрганиш, муайян тил қонуниятини инсон фаолиятининг бошқа турларига экстраполяцияси, яъни нарса ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этишга асосланган.

Пуч хаёлларга берилиб кетиб, ҳаётдан анча узоқлашганини сезган Барт, ўзини оқлаш мақсадида: “... структурализмда асосий нарса – мазмун-моҳиятдан устун турувчи система, бироқ ушбу мазмун-моҳият ҳам шу система орқали онгимизга етказилади”, дегувчи фикрга алоҳида урғу беради. Мисол тариқасида Қадим Юнон афсоналаридан олинган сеҳрли қўйнинг олтин терисини излаб “Арго” кемасида Колхидага сафар қилган қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятга эътибор қаратади. Колхида соҳилларига етиб боргунча, аргонавтлар

⁶³ Ўша манба, 7 бет.

⁶⁴ Ўша манба, 12 бет.

аста-секин “Арго” кемасининг барча қисмларини бошқасига алмаштириб, фақат шакли ва исмини сақлаб қолдилар. Барт наздида, “Арго” ривояти – “...структурализмга юксак даражада оид иккита оддий – субституция (бирор кишининг, нарсанинг бошқа киши, нарса билан алмаштирилиши; лингвистика нуқтаи назаридан бирор товуш ўрнини бошқа товуш билан босиш) ва номлаш ҳодисаси ёрдамида яратилган объектнинг аллегория (мажозий маъно) сидир”⁶⁵.

Барт қарашларини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, “*Sade, Fourier, Loyola*” китобида бир-биридан фарқ қилувчи, бир-бирига сира ўхшамас ёзувчиларни бирлаштиргани, ижодининг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, уларни асоссиз тенглаштиргани учун муаллиф бошига ёғилган таъна-маломат тошлари момик пахтадек тегиб ўтган эди холос. Сабаби, Барт формализм ғоялари билан суғорилган боши-кети йўқ вазифани ҳал қилиш билан овора бўлиб, тан олиш керакки, ўзи билмаган ҳолда тушиб қолган мураккаб шароитда ушбу вазифани анча қизиқарли тарзда ечишга муваффақ бўлди. Аммо, мазкур вазифанинг қўйилиши, аниқ ифодаланиши бадиий адабиётни оддий қилиб “белгилар ўйини”га олиб бориш тарафдори бўлмаган ҳар бир кишида асосли эътирозни юзага келтиради. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Бартнинг “адабиёт ҳақида бизнинг тасаввуримизни белгилаб берувчи объектив воқелик “уйдирма сабаб ёхуд ёлғон-яшиқ” ролида намоён бўлиши” хусусидаги фикрига қўшилмаган кишининг қатъий қаршилигини туғдиради⁶⁶.

Шубҳасиз, бадиий асарнинг мавзуси ва объекти уни баҳолашнинг ягона мезони бўлаолмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Барт фикрича, ҳақиқий санъат асарини оддий ҳикоя қилиб бериш билан тугаллаб, асар мазмунини ўз сўзи билан ифодалаб бўлмайди; қолаверса, унинг аҳамиятини у ёки бу мавзуга олиб бориб тақаш тўғрилаб бўлмас ҳатога олиб келар эди. Бу фикрга қўшилмай иложимиз йўқ. Лекин адабиётни “мавзудан маҳрум этиш” ва ўзига хос тарзда ташкил этилган тилга айлантириш фикрига ҳам розилик билдириб бўлмайди. Аслида, 1960-йиллар Францияда бадиий адабиёт моҳияти хусусида кенг

⁶⁵ Ўша манба, 14 бет.

⁶⁶ Ўша манба, 114 бет.

тарқалган тасаввурларни амалда татбиқ этиш билан астойдил шуғулланган Барт, адабиётни мавзудан узоқлаштириб, уни ихтисослашган тилга айлантириш билан банд бўлиб, адабиётшуносликдаги анъанавий қарашларга қарама-қарши чиққан эди.

Бу ҳақда француз файласуфи Мишель Фуко (*Michel Foucault*, 1926-1984) ўзининг “Сўзлар ва нарсалар” (*Les mots et les choses. Une archéologie des sciences humaines*, 1966) асарида: “ифодалаши лозим бўлган нарсасидан халос бўлган адабиёт турли хурофот ва асоратлардан озод бўлган тил эканлиги ҳақида гапириш имконига эга бўлди”⁶⁷, деб ёзади.

Мишель Фуко Коллеж де Франс (*Collège de France*) илм даргоҳида “Психоанализ асослари” кафедрасига асос солиб, “Тафаккур системалари тарихи” кафедрасига мудирлик қилиш билан бирга ижтимоий фанлар, тиббиёт, хусусан инсон психологиясини ўрганиш йўналишида муттасил иш олиб борган эди. Айни пайтда, кўп масалаларда Р. Бартга ҳамфикр бўлиб, ўз илмий қарашлари, филология илмида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асарлари туфайли француз адабиётшунослигида катта обрўга эга олимлар қаторида муносиб ўрин эгаллади.

М. Фуконинг юқорида номи зикр этилган асарига тўхталарканмиз, унда эътиборга молик фикрлар билдирилганлигига гувоҳ бўламиз. “Сўзлар ва нарсалар” рисоласи француз файласуфининг тушунилиши ва бир маънода ўқилиши қийин бўлган тадқиқоти ҳисобланади. Бу китоб устида ишлаш жараёнида Фукода “Билим археологияси” (1969) китоби режаси тузилди⁶⁸. Шу боис асарнинг асосий мавзуси билан бирга археологик метод ҳам намоён бўлган эди. Фуконинг асосий вазифаси – Ғарбий Европа илму маърифат тарихида кучли силжишни юзага келтирган сабабларни ўрганишдан иборат бўлган. Бу силжиш тафаккурнинг замонавий шакли, яъни инсон ҳақидаги тафаккурнинг пайдо бўлишига олиб келди. Фуко фикрича, тафаккурнинг бу

⁶⁷ Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук / Пер. с фр. В. П. Визгина и Н. С. Автономовой. СПб. Academia, 1994. с. 212.

⁶⁸ Қаранг: Фуко М. Археология знания / пер. с фр. Е. М. Яковенко. Киев: Ника-Центр, 1996.

соҳаси сўз, идрок ва жест (имо-ишора) дан олдин юз берган. Бу эпистемиологик майдон, тарихийлик хусусиятига эга эпистемадир.

Юқорида эпистема ҳақида сўз очган эдик. Қўшимча тарзда айтиш мумкинки, эпистема – бу тарихан ўзгариб турувчи структура бўлиб, ҳар қандай тарихий даврдаги афкори омма, назария ёки илм-фан имконияти, тадқиқот доираси, таъсир кўрсатиш кўламини белгилаб берувчи, муайян тарихий даврга хос бўлган фикр юритиш тарзини ифода этувчи структура сифатида намоён бўлади.

Эпистемиологик майдонни тадқиқ этиш ва унинг объектив шарт-шароитда намоён бўлишини ўрганиш – эмпирик билимнинг у ёки бу шакли ёки ғоялар тарихини тақозо этувчи тарихий априори (фалсафада: фактларга асосланмаган ҳолда, тажрибада синаб кўрмасдан, асоссиз фикр-мулоҳаза, муҳокама юритмоқ) ни атрофлича тадқиқ қилиш демакдир. Бу ерда XIX аср Ғарб маданиятида гуманитар фанлар учун хос бўлган тафаккурнинг аниқ шакли пайдо бўлиши хусусидаги масала кўндаланг қўйилади. Фуко фикрича, айнан археология “тартибнинг амалиётда аниқ-равшан кўриниши”, нарсаларни тартибга солиш устидан назорат ўрнатади. Бу амалиёт билим олиш жараёнининг негизида, теран ва жиддий мезонларида намоён бўлади. Билим эса, Фуко таърифида, – бу сўзлар билан чамбарчас боғланган нарсаларни тарихан шаклланиб келган тартибга солиш тизимидир.

М. Фуко асосий эътиборни учта эпистемага қаратаркан, билимнинг тарихан фарқланадиган учта шаклини алоҳида ажратади:

1. Ренессанс шакли (XVI аср) – ўхшашлик ва ўхшатиш эпистемаси; бу даврда тил белгилардан иборат мустақил системага ҳали айланмаган эди. У табиатан мавжуд нарсалар ичида гўё ёйилгандек, улар билан аралашиб ва чигаллашиб кетади.

2. Классик шакли (XVII-XVIII аср) – тасаввур, тушунча ҳосил қилиш эпистемаси. Бу даврда тил белгилардан иборат мустақил системага айланади ҳамда билим ва тафаккурга деярли мос келади. Шу сабабдан тилнинг умумий

грамматикаси нафақат бошқа фанлар, балки умуман маданиятни тушунишга имкон яратади.

3. Замонавий шакли (XIX асрдан бошлаб) – тасниф, соҳа, тузум ва тузилма эпистемаси. Бу даврда илгари мавжуд бўлган фанлар билан ҳеч қандай умумий жиҳати йўқ янги фанлар пайдо бўлади. Тил билиш назарияси, объектив дунё қонуниятларини англаб етиш, билим олишнинг объекти бўлиб хизмат қилади. У формалистик элементлардан ҳосил бўлган қатъий системага айланади, ўз қобиғига ўралашиб қолади, анъаналар майдони ва фикр юргизиш тарзи сифатида ўз тарихини бошлайди⁶⁹.

Таъкидлаш лозимки, тарих билимнинг ўзига хос соҳаси сифатида гуманитар фанлардан анча қадимийроқ бўлиб, улар учун зоҳирий кўриниш касб этади. XIX асрда тарих буюк шахсларнинг кўрсатган жасоратлари, ҳаёти ва фаолияти, умуман олганда, воқеа-ҳодисалар солномаси эмас, балки тадрижий ривожланишнинг умумий қонунларини ўрганиш фанига айланди.

М. Фуко биров шоирона тарзда: “... Инсон худди денгиз қирғоғидаги қумда чизилган суратдек йўқолиб кетади”, деб ёзган, ҳақиқатга нечоғлик яқин бўлганини сезмайди.

Инсон – бу Ғарб маданиятининг яқинда очилган кашфиёти, бу замонавий билим яратган образ, у табиатдаги нарсалар тартибида ўзига хос ёриқ жойи, номувофиқлик ва номутаносибликдир. Фуко қизиқарли бир фаразни илгари суради, унга кўра замонавий билимда инсон образи эмпирик (бевосита тажрибадан олинган) объектларнинг учта, яъни Ҳаёт, Меҳнат ва Тил шакллари билан таърифланади, тавсифланади ва тасвирланади. Шундай қилиб, инсоннинг борлиги ва йўқлиги унинг аъзойи-бадан биологияси, меҳнат қурол-аслаҳалари ва тил воситасида мулоқот қуришнинг механизмлари билан чегараланган.

XX-XXI аср бадиий адабиётида тасвирланаётган инсон образининг ўзгарувчанлиги шундаки, унинг позитивлиги, яъни тажрибага асосланганлигини ташкил этувчи омиллар – ҳаёт, меҳнат ва тил ҳам

⁶⁹ Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук / Пер. с фр. В. П. Визгина и Н. С. Автономовой. СПб.: Academia, 1994. с. 346-347.

ўзгарувчандир. Инсонни ўрганувчи фанлар юқоридаги учта предметни ўрганадиган фанларга бевосита боғлиқдир. Ушбу учта предметга мурожаат қилувчи билиш шакллари ҳам барқарор эмас. Қолаверса инсонни билиш соҳаси олдида инсондан ҳам қадимийроқ ва анча мураккаб муаммолар турадики, уларни ўрганиш худди коинот сирларини ўрганишга ўхшайди. Аминмизки, билим маконида навбатдаги силжиш бизга яхши таниш бўлган инсон образи маданиятини янги сифат босқичига кўтаради, уни ҳақиқий эркинликка етаклайди⁷⁰.

Юқорида бошлаганимиз “турли хурофот ва асоратлардан озод бўлган тил” хусусидаги фикрга қайтайлик. Ушбу турли ақидалар зулмидан қутулган, мустақилликка эришган эркин тил Барт фикр-мулоҳазалари ва изланишларининг асосий предмети сифатида унинг асарларида ўзигагина тегишли “*écriture*” (ёзув) атамага эга бўлган.

Эндиликда, вафотидан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг, Барт ҳақида дадилроқ мулоҳаза юритсак бўлади. У ҳаётлигида олимлар бунга журъат қилолмасди, чунки унинг номи ҳар хил шама ва ғийбатлардан холи, дахлсиз эди. Шу боис, “*écriture*” (ёзув) атамасини яратиш ва ишлаб чиқишнинг ўзиёқ Бартни адабиётшунослик тарихига абадулабад ёзиб қўйди, илмий фаолиятининг асосий ютуғи, ижодий меросининг безагига айланди. Аслида, бадиий матнни ўрганишда катта ёрдам берадиган структур-семиотик схемалар ёки илова қилинган психоанализ моделлар эмас, балки унинг ижодий жараёнга бўлган қараши ва қўлга киритган натижалари Бартни “донишманд Барт” қилди; француз тадқиқотчиларининг бутун бошли авлодига адабиётни ўрганиш йўлини кўрсатган, уларнинг адабиётга бўлган муносабатини белгилаб берган “ҳакими ҳозиқ Барт” дегувчи юксак шон-шарафга етаклади, десак янглишмаган бўламиз.

⁷⁰ Эрибон Д. Мишель Фуко // Перевод с французского Е. Э. Бабаевой. – М.: Молодая гвардия: серия «Жизнь замечательных людей». Вып. № 1128, 2008. с. 502.

Биринчи китобида таърифлаб берилган “*écriture*” (ёзув) тушунчаси Барт фаолиятининг кейинги йиргирма йили давомида ўзгариб турди; лекин, атамани сақлагани ҳолда, Барт, аслида, унинг мазмунида кўп нарсани ўзгартирди.

Бу борада ибрат бўлаоладиган ва анча қизиқарли бир ҳодиса эътиборга молик. 1977 йил 7 январь куни Коллеж де Франсда катта аудитория йиғилади. Барт йиғилганларга “Адабиёт семиологияси курсига кириш” мавзусидаги маърузасини ўқиб беради. Бу ерда асосан ушбу маърузаси матни билан унинг биринчи китоби матнини қиёслаш диққатга моликдир.

1950-йиллар бошида Барт ўзининг “*Le Degré zéro de l'écriture*” рисоласида: “адабиёт унинг мазмуни ва шаклидан, унгагина тегишли соҳа (*clôture*) дан кескин фарқ қилувчи нарса ҳақида хабар (*signaler*) бериши лозим, шу сабабли у айнан Адабиётдек мавжуддир”, деган фикрга таянган эди.

“Бундан на тил, на бадий тасвир услуби билан ўзаро боғланган белгилар гуруҳи келиб чиқади; улар иложи борида барча ифода йўллари орасида кундалик сўзлашув тилининг ёлғизлигини таърифлаб беришга мўлжаллангандир”⁷¹, деб ёзади Барт. Бошқача айтганда, худди кимёвий реакция тажрибасида мураккаб бирикмадан таркибий унсурлар ажратиб олинганидек, бадий адабиётда ҳам адабий унсурларни ажратиш мумкин. Барт “на тил, на услуб, балки Адабиёт белгилари тарихи бўлишга қодир адабий тил тарихини яратиш мумкин”⁷², деб ҳисоблайди.

Ролан Барт издоши Ц. Тодоров ҳам ўз вақтида адабиёт спецификаси нимадан иборатлигини ахтаришга астойдил уринсада, бироқ унинг изланишлари самара бермади. Сабаби, Тодоров миллий адабиётлар ўз йўлида эволюцион тарзда ривожланади, даврнинг муҳим босқичларини ифодалайди, деб ҳисоблаган.

Илмий изланишларга эндигина киришганда, Барт ушбу сир-синоатлар калитини топишда унга “*écriture*” (ёзув, ёзма матн) тушунчаси ёрдам бераоладигандек туюлган эди, чунки 1950-йиллар унинг тасаввурида бу

⁷¹ Барт Р. Нулевая степень письма / Пер. с фр. Г.К. Косикова // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. с. 7-8.

⁷² Ўша манба, 9 бет.

тушунча ёзувчи ёзган миллий тил ва унинг индивидуал услуби орасида ўзига хос ўлкан майдонни касб этарди: “... бу – формал, яъни шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратишга интилувчи реаллик, тил ва услубга тобе бўлмаган шаклан чиройли, мазмунан бўш реалликдир”⁷³.

“Ҳар қандай адабий шакл, – деб ёзади Барт, – асосий оҳанг, таъбир жоиз бўлса, маънавий-ахлоқий мавзуни танлаш ҳуқуқини беради, айнан шунда ёзувчи ўз индивидуаллигини очикдан-очик намоён қилади, айнан шунда у эгаллаган позициясини тасдиқлайди. Тил ва услуб – бу ҳар қандай лисоний муаммоларнинг шарт; тил ва услуб – бу замон ва шахс фаолиятининг табиий ҳосиласи (*produits*); лекин ёзувчининг формал ҳақиқийлиги (*l'identité formelle*) грамматик қоида ва услубнинг ўзгармас қирраларидан ташқарида мустаҳкам қарор топади... Тил ва услуб – бу яхши-ёмонни ажрата олмайдиган сўқир кучлар; ёзув эса – тарихий умумийлик, ҳамфикрлик ҳодисасидир. Тил ва услуб – бу объектлар, ёзув эса – бу функция: у ижодиёт ва жамият ўртасидаги муносабат, у ижтимоий мақсадга айлантирилган адабий тил сифатида намоён бўлади”⁷⁴.

Тил ва услуб ҳақида гап кетганда, Бартнинг афоризмга айланган машҳур таърифи келтирилади: “ Ёзув (*écriture*), аслида, – шакл маъносидир”. Кейинчалик бу мавҳум иборани муаллиф кенгайтириб, унга аниқлик киритади: “... ёзув – ижтимоий муҳит томонидан танлаб олинган, унга ёзувчи ўз тилининг табиатини жойлаштиришга қарор қилади ёки ундан тонади”⁷⁵.

Ёзувни танлаш, Барт фикрича, ёзувчининг муҳим хусусияти бўлиб, бу жиҳат ёзувчи адабиётда эгаллаган ўрнини дарҳол аниқлашга имкон беради; айнан ёзув “тарихий ўтмишни ва менинг танловимни ошкора айлайди, унинг шарофати билан менда ўз тарихим пайдо бўлади, мен бу ҳақда гапиришни истамасам ҳам, у менинг позициям ҳақида хабардор қилади”⁷⁶.

Барт, ёзувнинг тарих билан чамбарчас боғликлиги хусусида фикр юритаркан, унинг учун бадиий макон ва замондан ташқари адабий шакллар

⁷³ Ўша манба, 24 бет.

⁷⁴ Ўша манба, 24-25 бет.

⁷⁵ Ўша манба, 26 бет.

⁷⁶ Ўша манба, 42 бет.

тўпланган хазина йўқлигини таъкидлайди. Ёзувчи бу хазинадан ҳеч нарсани танлаб ололмайди, чунки, Барт фикрича, асрлар оша тўпланган, минг йиллик ижодий жараёнда сайқал топган адабий анъаналарни рад этиш мумкин эмас, сабаби, айнан адабий анъаналар ёзувчи танловини белгилаб беради. Шу билан бирга, Барт фикрича, ёзув билан тарих ўртасидаги узвий боғлиқлик ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, туб бурилишлар содир бўлган даврда яққол намоён бўлади: айнан шу пайти вужудга келган янги тартиб, табиатдаги нарсаларнинг мантикий жойлашуви янги ёзув пайдо бўлишини қатъий талаб қилади, янги грамматикага асосланган ёзув ишлаб чиқишни тақозо этади. Барт бу ҳақда шундай ёзади: “Оноре де Бальзак ва Гюстав Флобер ёзуви ўртасида принципиал фарқ, “ёриқ жой” мавжуддир, у иқтисодий формация, ижтимоий структуралар алмашганда рўй беради, ўз ўрнида бу алмашинув инсонлардаги манфаат, қизиқиш доираси, энг муҳими, онг ва тафаккурда кескин ўзгаришга олиб келади”⁷⁷.

Шу сабабдан, Барт дунёқарашида француз буржуазия инқилоби ёзув ва услуб соҳасида ҳеч нарсани ўзгартираолмади, негаки у буржуазия эгаллаган позицияни мустаҳкамлади, унинг мафкуравий ҳукмронлигига сиёсий ва ижтимоий куч-қудрат қўшди холос, деган ғоя пайдо бўлди. Барт фикрича, Шодерло де Лаклодан Стендальга қадар француз адабиётида тўғридан-тўғри, пайваста йўл бормокда. Фақат XIX аср иккинчи ярмига келиб, француз буржуазия мафкураси таназзулга юз тутганда, ягона универсал ёзув, “француз жамияти ҳокимиятни ўз қўлига олганда ҳамда буржуазия мафкураси етакчилик қилган даврда бир вақтнинг ўзида усуллари бисёр, оҳангдор “инструментал” ва серҳашам “орнаментал” ёзув”⁷⁸ парчаланиб кетди ва натижада замонавий ёзув юзага келди. Бу ёзувнинг сон-саноксиз кўринишлари бадиий матнни шакллантира бошлади.

Бу ерда Бартнинг “инструментал” ва “орнаментал” ёзувларга берган таърифига тўхталиб ўтиш ўринлидир. У шундай ёзади: “... худди алгебраик

⁷⁷ Ўша манба, 29 бет.

⁷⁸ Ўша манба, 81 бет.

тенглама муайян мураккаб масалани ечишга хизмат килганидек, шакл ҳам мазмунга хизмат қилишга қаратилган. Демак, “инструментал” ёзув мазмунни юзага чиқаришга хизмат қилади. “Орнаментал”лиги хусусида эса айтиш мумкинки, ёзув ҳар хил тафсилотларга тўла, улар чиройли ва ифодали бўлиши лозим. Тафсилот худди нақшдек ёзув бажараётган вазифага хизмат қилиши керак”⁷⁹.

Бу концепция билан баҳс-мунозара, яъни тилни худди итоаткор, бошқаришга осон, мустақил тарзда ҳеч нарсани англамайдиган ҳодиса сифатида кўриб чиқишга, ҳеч қандай фойдаси, аҳамияти йўқ қурол-аслаҳадек қабул қилишга бўлган интилишлар билан олиб борилган кураш Бартнинг қатор ишларида атрофлича муҳокама қилинади.

Орадан қарийб йигирма йил ўтгандан сўнг, Барт ўзининг 1950-йилларда шаклланган ёзувни тушуниши хусусида шундай ёзади: “*Degré zero de l’écriture*” китобида ёзув кўпроқ социологик, нари борса социолингвистик тушунча сифатида намоён бўлди: бу жамият, жуда деганда интеллигенция вакиллариининг муайян гуруҳи танлаган идиолект; бу ижтимоий миқёсда воситачи бўлиб хизмат қиладиган социолект, аниқроғи, тил, тушунчалар системаси, бадиий тасвир услуби ҳамда субъектга тааллуқли система ўртасида боғловчи ришта бўлиб хизмат қиладиган социолектдир”⁸⁰.

“*Degré zero de l’écriture*” китобида Бартнинг ижтимоий муаммоларга бўлган муносабати, улар билан астойдил қизиқиши эътиборга молик. Кейинчалик ижтимоий муаммолар муаллиф томонидан атайлаб диққат марказидан узоқлаштирилади. Ўзи ҳақида сўзлашни хуш кўрган Барт шундай ёзади: “Мен бир вақтнинг ўзида Жан-Поль Сартр ва Карл Маркс билан ҳамфикр эдим. Мен анъанавий адабий шакл ҳақида фикр юргизган ҳолда Сартр ғояларини марксизм фалсафаси нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қилгандим... Бу ниятим “*Degré zero de l’écriture*” китобимда яққол кўринади”⁸¹.

⁷⁹ Ўша манба, 81 бет.

⁸⁰ Барт Р. Сад, Фурье, Лойола / пер. с фр. Б. М. Скуратова. – М.: Практикс, 2006. с. 103.

⁸¹ Ўша манба, 92 бет.

Бу китобда ёзувни ижтимоий ҳодиса сифатида белгилаш ретроспектив, яъни ўтмишга қаратилган бўлиб, фақат XIX аср ёзувчилари ижодига тааллуқлидир. Бу ерда Барт томонидан “*écriture*” (ёзув) тушунчасини англаш ва талқин қилишнинг иккинчи – XX аср адабиётига мос бўлган тенденцияси кўринади. Ҳар ҳолда бу тенденция унинг кейинги ишларида анча теран ва пухта ўйланган тарзда намоён бўлади.

Буржуазия санъати ва адабиётига қарши олиб борилган курашнинг шаклларида бири сифатида адабий тилга нисбатан XIX аср охирида бошланган кураш Бартга анча асосли ва ҳаётга яқин кўринади. Бу кураш сайқалланган, пухта ишлов берилган услубга қарама-қарши ўта тартибсизлик, мантиқсизлик ҳамда пала-партиш ёзувни қўйиш тусини олган эди. Ушбу йўналиш ёзувчилари “шакллар кўплигида, тартибсизликда, сўзлар саҳросида... тилнинг янги қиёфасида қайтадан субҳидам салқинини, соф ҳавони, тиник рангларни, жўшқин илҳомни топадилар деб умид қилиб” (*la fraîcheur d'un état neuf du langage*), сийқаси чиққан ибора, бир қолипдаги гап, одатга айланган услуб, анъана билан муросасиз кураш олиб борган эдилар⁸².

Аммо бу уриниш бароридан келмади, чунки ёзувчилар эски қонунлар ўрнига янги қонунларни яратдилар. Хусусан, символизм яловбардори, француз шоири С. Малларме (*Stéphane Mallarmé*, 1842-1898) нинг ижодий изланишлари Бартга кўтаринки рух бағишлаган эди. Малларме сўз атрофида бўшлиқ ҳосил қилишга интиларкан, “ижтимоий алоқалардан ҳалос этилган сўз, бахтимизга, ҳеч қандай акс садо бермайди, таъсир кўрсатмайди”, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бир қолипдан ҳалос этилган, ўз қобиғидан бўшатишган, ёзувчининг маҳорат хусусидаги ўй-фикрларидан озод этилган сўз, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай контекстга бўлган жавобгарликдан ҳам ҳоли бўлади; у биргина қисқа ҳодисага айланади, акс-садолар йўқлиги, ҳеч қандай таассурот қолдирмаслиги эса унинг ёлғизлигини, бинобарин – айбсизлигини яна бир қарра тасдиқлайди⁸³. Барт учун адабий тилни “озодликка чиқариш” масаласини ҳал этиш борасида

⁸² Барт Р. Нулевая степень письма / Пер. с фр. Г.К. Косикова // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. с. 106.

⁸³ Ўша манба, 108 бет.

бошқа, яъни “... тилнинг катъий қоидаларига бўйсунидан озод этилган оқ (кофиясиз) шеърни яратиш” йўли мавжуд⁸⁴. Ушбу “оқ шеър” – ёзувнинг ноль даражасидир. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, нейтрал, модал, яъни сўзловчининг нутқ мазмунига муносабатини англатувчи сўз эмас, балки бошқача яъни номодалдир. Қиёсий лингвистика нуқтаи назаридан олиб қараганда, аниқлик майли, масалан: *subjunctif – indicative – imperative* каторида номодал шаклида намоён бўлади. Шунга ўхшаб, янги “нейтрал” ёзув ҳам эмоционал (ҳис-туйғуни ифодалайдиган), бинобарин стилистик тусдан мутлақ ҳолидир. Бундай сўз “жонли тиллардан ҳам бирдай узоқ бўлган ўзига хос дастлабки тилга бўйсуниб, адабиёт, демак адабий тил доирасидан ҳам чиқиб кетади”⁸⁵.

Экзистенциализм намояндаларидан бири, “Ғарб виждони” деган шарафли номга сазовор бўлган француз ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати (1957) Альбер Камю (*Albert Camus*, 1913-1960) қаламига мансуб “Бегона” (*L'Étranger*, 1942) романида ушбу мураккаб жараёнга асос солинган деб ҳисоблаб, Барт “нейтрал” ёзувга, ёзувнинг “ноль даражасига” батафсил таъриф беради. Унинг фикрича, Камюнинг “Бегона” романи деярли идеал тарзда услуб йўқлиги билан алоҳида ажралиб туради, унда, таъбир жоиз бўлса, йўқлик услуби ёрқин кўзга ташланади”⁸⁶.

Ролан Барт сўзларига қараганда, агар Флобер ҳам, Малларме ҳам бадиий шакл ўзидан ёруғлик ўтказмаслиги, ноаниқлиги, унда ҳеч нарса кўриб бўлмаслиги хусусида гапирган, сўзни “моҳир уста, сеҳргар ёки ёзувчи ишлаши лозим бўлган объект” сифатида кўриб чиққан бўлсалар, бу ҳолда “нейтрал” ёзув классицизм санъатининг биринчи, яъни ёзув усуллари кўплиги, оҳангдор ва серҳашамлилиги шартига қайтадан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Эндиликда бу шарт ҳукмронлик қилувчи буржуазия мафкурасига хизмат қилмайди; у ёзувчи эгаллаган янги позициясининг янги модусига, сукунат (сўзсизлик) сақлашнинг ягона йўлига айланади.

⁸⁴ Ўша манба, 108 бет.

⁸⁵ Ўша манба, 109 бет.

⁸⁶ Ўша манба, 109 бет.

Олимнинг фикрича, ёзувчи ўз ихтиёри билан “инструментал” ва “орнаментал” ёзувлардан воз кечади, чунки бу икки мезон ёзувга замон ўлчовини киритган бўлар эди”⁸⁷. Шу ўринда муаллифнинг кейинги ишларида ҳам такрор-такрор янграйдиган муҳим бир жиҳатга эътибор қаратмоқ лозим: “нейтрал” ёзув ҳукмронлик қилувчи буржуазия мафкурасини ифодалашга хизмат қилмайди; эндиликда у “орнаментал” эмас, балки аниқ кўриниш касб этиб, Барт томонидан алгебраик тенгламанинг бенуқсонлиги ва абстрактлигига қиёсланади. Бу муҳим масалада Барт қатъий туради, кейинги ишларида ҳам мустаҳкам позициясини намоён қилади. У афсусланиб, айнан буржуазия мафкураси тилни “итоатли ва аҳамиятсиз қурол”га айлантирди ва жамиятдаги ўрнини “нақш ёки қурол” сифатида айнан кўрсатиб берди, деб ёзади⁸⁸. Барт мантикий мулоҳаза қиларкан, “сўз қурол ҳам эмас, ўртадаги воситачи ҳам эмас”⁸⁹, тилни “гўзаллик мезони ёки ўзига хос қурол сифатида”⁹⁰ кўриб чиқиш мумкин эмаслигини уқтиради. Хулоса шуки, Барт учун ёзув – бу ўта муҳим ёки беназир гўзалликни ифодалаш воситаси эмас, балки тадқиқот предметиға айланишга лойиқ, автоном, мазмун-маънога эга қадриятдир.

1960-70-йилларда ёзув концепцияси Барт томонидан формализм тамойиллари асосида шундай ишлаб чиқилган эдики, олим ёзувнинг тарих ва жамият ҳаёти билан узвий боғликлигини тушунишдан бутунлай воз кечганлиги хусусидаги таассурот туғилади. Бироқ, Барт бу ҳодисаларни қанчалик биридан узоқлаштирган бўлса, шунчалик ёзувнинг ижтимоий роли унинг учун муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Ролан Бартнинг 1977 йил 7 январ куни Коллеж де Франсдаги адабиёт семиологияси кафедраси мудири лавозимини эгаллаганида ўқиган маърузаси (*Lecture Course at the Collège de France, 1977-1978*) нафақат ўттиз йиллик илмий фаолиятининг ўзига хос якуни, балки замонавий семиология

⁸⁷ Ўша манба, 110 бет.

⁸⁸ Барт Р. Сад, Фурье, Лойола / пер. с фр. Б. М. Скуратова. – М.: Практика, 2006. с. 45-46.

⁸⁹ Barthes R. *Essais critiques*, Paris: Seuil, 1964. p. 149.

⁹⁰ Barthes R. *Critique et vérité*. Paris: Seuil, 1966. p. 46.

ривожланишининг истикбол йўлларини белгилаб берувчи дастурдек янгради⁹¹. Лекин ушбу дастурни амалга ошириш учун Бартга вақт етмади. Унинг ҳаёти фожиали якун топди: 1980 йил 25 феврал куни Коллеж де Франсдан унчалик узоқ бўлмаган жойда Барт автохалокатга учрайди ва бир ойдан сўнг, яъни, 27 март куни Питье-Сальпетриер касалхонасининг реанимация бўлимида ҳаётдан кўз юмади.

Таъкидлаш жоизки, “Адабиёт семиологияси курсига кириш” маърузасида Бартнинг қарашлари ўз ифодасини аниқ-равшан топиб, ортиқча изохни талаб этмайди. Сабаби, олим ўз маърузаси мавзуси ва мазмунини аниқ белгилаганди. Шу билан бирга Бартнинг биринчи – “Ёзувнинг ноль даражаси” китоби билан ушбу маъруза ўртасида ўзаро боғланиш борлиги ҳам кўзга ташланади.

“Маъруза”да Барт одатда камдан-кам ишлатган “адабиёт” тушунчасидан кенг фойдаланади. Бунинг сабабини у “адабиёт” дейилганда асарлар мажмуини эмас, тижорат ёки таълим соҳасини ҳам эмас, балки “ёзув амалиёти”ни, “матнни, яъни асарни ташкил этувчи белгилардан тўқилган матони” тушунгани билан изоҳлайди⁹². Айни пайтда “адабиёт”, “ёзув”, ёки “матн” тушунчаларидан битта маънода фойдаланиб, уларни ўзаро фарқламасликни таъкидлайди.

Илмий фаолиятининг дебочаси – “Ёзувнинг ноль даражаси” китобида Барт ёзувга тил ва услуб ўртасида жой ажратаркан, улар орасидаги кескин зиддиятларга жиддий эътибор қаратмайди. “Маъруза”да эса тил – ўзига хос тизим ва тартиб сифатида – биринчи навбатда шахсни эзиш, унинг дилини хуфтон қилиш, уни ситамга олиш воситасидек намоён бўлади: “Гапирмоқ, аксарият ҳолларда мулоҳаза (*discourir*) юритмоқ бу ҳали бирор нарса ҳақида хабар бермоқ дегани эмас, бу ҳақда бизга тез-тез такрорлаб туришади. Аслида, гапирмоқ, мулоҳаза юритмоқ – бу ўзига тобе қилмоқ, бўйсундирмоқ дегани: ҳар бир тил – бу умумлаштирилган бошқарув (*une rection généralisée*) деганидир⁹³.”

1960-йиллар “Tel Quel” журнали атрофида “янги роман” жанри вакиллари – Филипп Соллерс, Жан Рикарду, Жан-Пьер Фай, Юлия Кристева каби

⁹¹ Қаранг: Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 545-569.

⁹² Ўша манба, 560 бет.

⁹³ Ўша манба, 558 бет.

қаламкашлар гуруҳи тузилади. Барт қарашларига фикрдош бўлган бу ёзувчи ва танқидчилар ҳам “адабий тил” кучига шубҳаланиб қарай бошладилар. Адабиёт тилга ишонч йўқотиб, аниқроғи, адабий тилга ёзувчи эркин фикрини “нейтрал” тарзда ифода этиш воситасидек қарашдан воз кечган, юқорида номи зикр этилган ёзувчилар, аксинча, бу тилда ҳар қандай ижтимоий тартиб-қоидага ўхшаган, мажбурий хусусиятга эга механизм мавжудлигини кўрдилар. Шунингдек, Бартнинг ижтимоий-маданий жараёнларни семиотика нуқтаи назаридан талқин қилиш зарурлиги хусусидаги ғоялари “Tel Quel” гуруҳидаги француз авангард ижодкорларга катта таъсир кўрсатганди.

Ролан Барт ўз “Маъруза”сида “Tel Quel” гуруҳига кирувчи ҳамкасб ва шогирдларига маънавий яқин бўлганлигига алоҳида урғу бераркан: “... тил асло жаҳолат ёки аксилҳаракат руҳи билан суғорилмаган, шу билан бирга у тараққийпарвар ҳам эмас; унинг асосий вазифаси — сўзлашга монелик курсатишда эмас, балки сўзлашга мажбурлашдадир”⁹⁴, деб ёзади.

Нутқий фаолиятида тил қонунларига бўйсунмишга мажбур бўлган инсон, Барт фикрича, она тилининг грамматик меъёрларига бўйсунган ҳолда турли стереотиплар таъсири, ишлатилаверишиб таниб бўлмас даражада ўзгарган, сийқаси чиққан ибораларга таслим бўлиб, ўз эркинлигини йўқотади. Шу алпозда йўқотилган эркинликни қайта қўлга киритиш мақсадида инсонга ҳар хил хийла-найранг ишлатиш ва “тилни алдаш”дан бошқа ҳеч чора қолмайди. Барт ёзади: “... ушбу “нажотбахш фирромлик”, ушбу бўйин товлаш, ушбу “қойил-мақом фирибгарлик” ҳар қандай “изм”, ўз ҳукмига бўйсундиришдан холи бўлган, узлуксиз давом этувчи эволюцион ўзгариб турадиган тилнинг садосини, оҳанграбо товланишини эшитишга, кўришга имкон беради, — буни мен Адабиёт деб атайман”⁹⁵.

Шундай қилиб, Бартнинг қатор асарларида баён этилган ёзув — бу тилнинг ўзгарувчан, тадрижий такомиллашиб турадиган соҳаси эканлиги, айнан ёзувда субъектнинг расмий нутқ қатъий қоидалари, кишанлаб турувчи

⁹⁴ Қаранг: Barthes R. Reponses // Tel Quel, 1971, № 47, p. 95.

⁹⁵ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. — М.: Прогресс, 1989. с. 16.

турли ақида ва хурофотлардан озод этилиши хусусидаги фикрлари “Маъруза” – да умумлашган, ўз якуний ифодасини топган эди. Бартнинг таъкидлашича, тил асоратидан қутулиш, унинг кўпгина қоидаларидан воз кечиш, шак-шубҳасиз, бадий адабиёт доирасида, аниқроғи, тил воситасида етказадиган муайян ахборот орқали эмас, балки фақат сўз ўйини орқали амалга оширилиши лозим. “Адабиётнинг потенциал кучи, унда “яширинган” эркинлик руҳи ёзувчининг ижтимоий келиб чиқишига ҳам, унинг сиёсий қарашларига ҳам, ҳаттоки ижодининг мафкуравий (*doctrinal*) мазмунига ҳам тобе бўлмайди, – бу куч ва руҳ ёзувчининг тил доирасидаги ҳаракатига, тил ичида ўз жойини ўзгаритириб туришига боғлиқдир”⁹⁶, деб ёзади Барт.

Юқорида айтилганидек, “Ёзувнинг ноль даражаси” асарида Барт “ёзув – бу шакл маъноси” дея таъкидлайди. Айни пайтда, “Маъруза”да бу масалани кескинлаштиради ва “шакл жавобгарлиги” хусусидаги муаммони кўтариб чиқади. Шу билан бирга, ушбу жавобгарлик ғоявий ёки мафкуравий мезонлар билан ўлчаниши мумкин эмас, шу боис “ғоявий-сиёсий, ғоявий-ахлоқий, мафкурага оид фанлар “шакл жавобгарлиги”ни қийинчилик билан сезадилар”⁹⁷, деб ҳисоблайди.

Шунга қарамасдан, тил доирасида олиб борилган “инқилобий ҳаракат”, “бузғунчилик фаолият”, Барт фикрича, улкан ижтимоий кучга эга. Унинг тасаввурида, француз адабиётида тилнинг мавжуд қонун-қоидаларини бузишга бўлган эҳтиёж илк бор С. Малларме ижодида яққол намоён бўлди. Шу боис Барт француз адабиётининг янги босқичини принципиал тарзда Маллармедан бошлайди ва айнан уни “ёзув кашшофи” дея юксак эътироф этади.

XX аср бўсағасида Европа маданияти тарихидаги олдинги анъаналар билан ҳар қандай алоқани узиш, улардан тамомила воз кечиш хусусидаги ғояни илгари сурган “янги танқидчилар” *coupure, cassure, repture* каби атамаларни татбиқ этарканлар, ўзлари билмаган ҳолда структурализмга асос соладилар. Бу ва бунга ўхшаш ғоялар структуралистик ва неоавангардистик (авангард

⁹⁶ Ўша манба, 17 бет.

⁹⁷ Ўша манба, 17 бет.

оқимларга зид) доираларда кенг тарқалган бўлиб, илк бор М. Фуконинг “Сўзлар ва нарсалар” рисоласида илгари сурилган эди. Асар муаллифининг ёзишича, ғарб тафаккури, маърифат ва ақл-идрокида рўй берган туб ўзгариш, бу тизимда юз берган янгиланиш Ницше, Фрейд, Малларме каби шахслар томонидан амалга оширилган.

“Малларменинг “тилни ўзгартириш” ифодаси Маркснинг “дунёни ўзгартириш” фикрига ҳамоҳанг келади”, – деб ёзади Барт ва давомиди: “Малларме ва унинг изидан борган ва бораётган ижодкорларнинг сиёсий сезгирлиги хусусида гапириш мумкин (*il y a une écoute politique de Mallarmé*)⁹⁸, деб қўшиб қўяди.

Ролан Барт бу фикрда “адабий тилнинг этикаси”га алоҳида урғу бериб, уни қатъий белгилаш лозимлигини уқтиради, яъни ҳар бир ёзувчида она тили доирасида исталган тилни танлашнинг ҳукуқи мавжуд; танлашда ёзувчи бу тил қанчалик оммабоп эканлигидан ташвишланмаслиги лозим. Бунинг сабаби шундаки, инсонларда қанча кўп азалий орзу-умидлар, хоҳиш-истакларни ифода этиш зарурати бўлса, демак дунёда шунга яраша тиллар мавжуддир.

Расман истеъмолга киритилган, ҳамма учун бир хил тенг тил билан кураш масаласини кўтариб чиққан Барт бу тилни утопияга ўхшаб кетаётганлигини яхши англаган. “Айтиш мумкинки, – деб ёзади у, – тил ҳукмронлигига қарши якка ўзи қурол кўтариб, жанг олиб боришга журъат этган ёзувчилардан бирортаси ҳам аёвсиз курашдан бош тортолмади: ё енгилиб, унга тобе бўлган, ё миллий “маданият арбоби” расмий унвонини қабул қилиб, унга итоаткорона хизмат қилишга рози бўлган, ё шуҳрат шохсўпасига кўтарилиб, унга ҳамду-санолар айтишга мажбур бўлган. Сабаб, айнан тил ёрдамида ёзувчи шахси, унинг ижодида “сунъий мода” пайдо бўлади, унинг номидан “бут-санам” яратилади, китобхон оммаси унга сажда қила бошлайди ва ёзувчи истар-истамас ундан кутилаётган натижаларни бажо келтиришга мажбур бўлади”⁹⁹.

⁹⁸ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. с. 23.

⁹⁹ Ўша манба, 25 бет.

Барт нуқтаи назаридан олиб қараганда, ёзувчининг бундай вазиятдан икки, бир-бирига чамбарчас боғлиқ чиқиш йўли мавжуд: “оғмачилик” (*se déplacer*) ёки сабот-матонат билан ўз позициясини ёқлаш. Тилнинг домига тушмаслик, қатъиятлик кўрсатишга ягона йўл жойни ҳар доим ўзгартириб туриш, қўлга “киритилган” мувафакқиятда тўхтаб қолмасдан, кейингисига енг шимариб киришиш, яъни сизни кутмаган жойда пайдо бўлиш, у ерда ҳам ушланиб қолмасдан, бошқа жойга кўчишдир. Барт фикрича, бундай “жой ўзгартириш”нинг сўнгги даражадаги кўриниши – ёзилгандан воз кечиш: “... расмий тил “фидойилари” сенинг ютуқларингдан фойдаланиб ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилганларида ҳатто ёзганинг баҳридан ўтмоғинг (асло ўйлаганингдан эмас) лозим”¹⁰⁰.

Мисол тариқасида Барт расмий маданият билан курашган, ўз-ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ижодкорларнинг позициясини кўрсатади. Қолаверса, “ўз ёзганидан тониш” жумласини ҳам Барт айнан шундай исёнчи ижодкорларни назарда тутиб ишлатган, десак тўғрироқ бўлади.

Нутқдан ғайритабиий равишда ажратилган, сунъий равишда “тозаланган”, бир шаклдан қотиб, ривожланмай тўхтаб қолган тилни ўрганувчи лингвистика, бинобарин, тилнинг “емирилиш,” “заифлашиш” жараёнида Барт семиотика фанига катта вазифа юклайди. (Шу ўринда равшан бўладики, Барт, – олдинги йилларда қўллаб-қувватлаган фикрларидан фарқли ўлароқ, – тил ва нутқ ўртасида чегара ўтказишга бўлган тенденцияларни енгиб ўтишга ҳаракат қилади, тил ва нутқни яхлит система сифатида қабул қилади – М.Х.). Семиотика дейилганда, Барт, биринчи навбатда, рамзий белгилар ҳақидаги фанни эмас, балки аксинча, етказилаётган ахборотнинг яширин, “иккинчи” томони билан шуғуллланувчи фанни назарда тутди. (Ваҳоланки, семиотика атамасига айнан “белгилар ҳақида фан” деган таърифни Бартнинг ўзи берган – М.Х.). Унинг фикрича, тилнинг очиқ-ойдин кўринмайдиган, ноошкор томони мазкур тилнинг “... хоҳиш-истак, хавф-хатар, хушмуомала, норозилик, кечирим,

¹⁰⁰ Ўша манба, 26 бет.

тажовузкорлик, оҳангдорлик, хуллас, фаол тилни ташкил этувчи нозик жиҳатларни йиғиб олади”¹⁰¹.

Р. Барт, бундай таърифу тавсифларнинг субъективлигини тан оларкан, йирик илмий маскан, университет, нуфузли журналларда ҳукмронлик қилган расмий семиотика юқоридаги каби нуқтаи назарни қабул қилолмаслигини яхши тушунади. Шунга қарамасдан, Бартнинг 1970-йиллар охирида яратган асарларида: “семиотика – бу белгилар ҳақида позитив фан эмас <...>, семиотика, менинг тасаввуримда, соф ҳиссий туйғулар ҳаракатидан келиб чиқади”¹⁰², деган таъриф учрайди.

Эҳтимол, ақл-идрок, теран мулоҳаза, мантикдан ҳиссиёт, руҳий олам сари кескин силжишда Бартга хос бўлган бир қадар намойишкорона ҳаракат, чалғитувчи манёвр ва баҳс-мунозарага тайёргарлик мавжуддир. (Аслида, Барт ўз фикрларини билдиришда тортиниб ўтирмайди: *le sémiotique est partie d'un mouvement proprement passionnel* – М.Х.). Аммо, Бартнинг сўнгги асарларида тадқиқот доирасига инсоннинг ҳиссиёт олами қўшилганлиги, матнни баҳолашда эса роҳатланиш мезони асос қилиб олинганлигини кузатарканмиз, бу каби даъволар тескари (умумий қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган) фикрлар эканлигига амин бўламиз.

Семиотикани ҳис-туйғулар ҳаракати, қалбда кечаётган жараёнлар билан қиёсларкан, Барт уларни бир-бирига маҳкам боғламайди, улар ўртасида чегара ҳосил қилишга интирмайди. Агар 1950-йилларда Барт белгилар ҳақидаги фан ижтимоий танқидчиликка янги руҳ олиб киради, уни биров бўлса ҳам жонлантиради деб ҳисоблаган бўлса, кейинчалик Бартнинг семиотикаси 1950-йиллар эълон қилинган дастурлардан узоқ, уларга мос келмайдиган ўзгаришларга учрайди. Ваҳоланки, ўша даврда Барт ўзи ишлаб чиққан семиотиканинг объекти сифатида “расмий тил”ни танлаб олган эди. Айни пайтда, ўз “Маъруза”сида Барт: “Семиотиканинг асосий объекти сиёсат бўлган, чунки унда бошқа объект йўқ”¹⁰³, дея эътироф этади.

¹⁰¹ Ўша манба, 31-32 бет.

¹⁰² Ўша манба, 32 бет.

¹⁰³ Ўша манба, 33 бет.

Ролан Барт охирги йиллари асосан матн билан шуғулланганлигига қарамасдан (бу ерда унинг учун матн, адабиёт ва ёзув – маънодош сўзлар бўлганлигини эслайлик), матнга нисбатан семиотика нуқтаи назаридан қараш “портлаш” кучига эгадир, чунки “оломонга онгсиз равишда эргашиш оқибатида бўйсунтириш ҳиссини туғдирган сўз ҳукмидан адабиётни сақлаб қолишга интиланганда мўжиза таровати кутқаради; аммо бундай мураккаб вазиятда мўжиза ҳам ҳалоскор бўлаолмайди. Сабаби, оломонга онгсизларча бўйсунтириш ҳиссини туғдирувчи сўз адабиётга тазйиқ ўтказиши, уни қуршаб олади. Ва, беихтиёр, эркин ижод ҳақидаги мўжиза саробга айланади”¹⁰⁴.

Шу тариқа сўнгги илмий асарларидан бирида ёзувнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳати ва шунга мос равишда ёзув муаммолари билан шуғулланган адабиёт семиотикасига жиддий диққат-эътибор қаратаркан, Барт бир вақтнинг ўзида матнга нисбатан семиотик ёндашишнинг илмийлигини рад этади. Унинг фикрича, эндиликда семиотика илмий тадқиқот ўрнини ололмайди ва олиши мумкин эмас, фақат унга ёрдам бериши мумкин. Бундан буён Барт ўз бурчини эвристика (назарий текширишда янгиликлар кашф этиш жараёнида қўлланиладиган мантикий усуллар ва методик қоидалар мажмуи) га асосланган янги услубни тақдим этиш ёки қандайдир позитив натижаларга эришишда эмас, балки бошқа нарсада кўради. Эндиликда адабиёт семиотикасининг асосий мақсад ва вазифасини Барт амалга оширилиши мушкул бир амалиётда кўради, яъни адабиёт семиотикаси мунаққидни белгилар билан “ўйнаш”га ўргатиши лозим, чунки бу ўйиндан у ҳузурланади ва бошқаларга ҳам олам-олам роҳат бахш этади.

Бадиий адабиётга ёндашиш (“ўрганиш” эмас, балки айнан “ёндашиш”, чунки биринчи сўз Барт позициясига қарши чиққан бўларди – М.Х.) масаласига бўлган қарашларнинг бундай кескин ўзгаришини Барт ўз “Маъруза”сида ёзувчи эгаллаган мавқе ва адабиёт эгаллаган вазият ўзгарганлиги билан изоҳлайди. “Маъруза”даги иккинчи жаҳон урушидан кейинги француз адабиёти аҳволининг қисқа, бироқ анча ифодали ва маъноли тавсифи “Ёзувнинг ноль

¹⁰⁴ Ўша манба, 35 бет.

даражаси”да тасвирланган француз прозаси манзараси билан кузатишлар аниқлиги бўйича мос бўлиб тушади. Фақат “Маъруза”да бу тавсиф тафсилотлар билан тўлдирилган эмас, анча бўш, юзаки кўранади, шу сабабдан танқидга дош беролмади.

Француз адабиётида вужудга келган янги вазият Барт учун икки жиҳатдан эътиборга моликдир.

Биринчидан, XX аср биринчи ярмида, аниқроғи инсониятга мусибатлар келтирган икки жаҳон уруши оралиғида ижод қилган ёзувчи ва шоирлар, ўша оғир даврнинг охириги вакиллари дунёдан ўтганлари, ва адабиёт сахнасига ижодкорларнинг янги авлоди чиққани сайин “барча юксак қадриятларнинг олижаноб сақловчиси – қадимий нақл ва ривоятларни асраб эҳтиёт қилувчи, муқаддас анъаналарни давом эттирувчи буюк ёзувчилар ҳақидаги миф”¹⁰⁵, аста-секин йўқола борди. Ёзувчиларнинг янги авлодини Барт аниқ таърифлашга қийналади: “... ёзувчи, закий, мирза?”¹⁰⁶. Таъкидлаш жоизки, *scripteur* сўзи билан Барт, одатда, ёзувчиларни эмас, балки кўлига қалам олиб ёзаётган одамларни назарда тутган ва бу тафовутга принципиал аҳамият берган.

Иккинчидан, 1968 йил май ойида Парижда бошланиб, тез орада бутун Францияни ларзага келтирган норозилик намоёишлари, оммавий тартибсизлик, талабалар кўтарган ғалаёнлар ва умумий иш ташлаш – иқтисодий инқироз, ижтимоий-сиёсий таназзулнинг оқибатлари бўлган. Натижада, 1968 йил май воқеалари француз жамиятида катта ўзгаришларга олиб келди. Шу билан бирга, бу воқеалар Францияда таълим соҳасидаги тангликни ҳам юзага чиқарди. Ўз кўзи билан кўрган, бевосита ўзи қатнашган воқеаларни ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилган Барт шундай ёзади: “Олдинги қадриятлар энди авлоддан авлодга ўтказилмаяпти, улар истеъмолдан чиқиб кетиб ҳеч кимда олдингидай катта таассурот қолдирмаяпти; адабиёт ўзининг нурли чамбарини, сержило шуъласини, олдинги мавқеини йўқотиб бораёпти; расмий идоралар уни на ҳимоя қилишга, на инсониятнинг имплицит, яъни англашиладиган, ноаниқ

¹⁰⁵ Ўша манба, 40 бет

¹⁰⁶ Ўша манба, 40 бет.

моделини қарор топтиришга қодир. Бироқ гап адабиётни йўқ қилиб ташлаганларида эмас, балки уни қўриқламай қўйганларида: бу дегани унинг ичига кириб боришга фурсат келди. Адабиёт семиотикаси, – Барт фикрича, – ушбу кимсасиз, нообод, ҳеч кимга тегишли бўлмаган қирғоққа қадам қўйишга ёрдам берувчи саёҳат бўлиши мумкин: фаришталар ҳам, аждаҳолар ҳам уни энди қўриқламайди; <...> нигоҳимиз бемалол мавҳум, аллақачон эскириб кетган қадимий ва нафис нарсаларга тушади”. Айнан шу ҳолат Бартга ёқимли туюлади. У бу такрорланмас онларни “лаззатли, сел бўлиб роҳатланишнинг тарихий даври”¹⁰⁷, деб атайди.

Бу фикрда сўзлар билан эркин ўйин олиб борган, белгилардан бамайлихотир янги шакллар ясаган тажрибали Бартни кўрамиз. Бу фикрда рационализм тамойилларига асосланган системаларни яратганидан гўё толиққан Бартни кўрарканмиз, у қўз ўнгимизда бўй-басти билан аниқ-равшан гавдаланади. Бу фикрнинг мазмун-маъносини англашга ҳаракат қилиб, Барт сиймосида олимни эмас, энг аввало эссенависни кўрган Ц.Тодоров, С.Дубровский, Ж.Женетт, Ю.Кристева, Ж. Бодрийяр каби олимлар фикрига қўшилмасдан иложимиз йўқ. Юқорида айтиб ўтганимиз, Барт хотирасига бағишланган мақолада Ц.Тодоров олимнинг бир фотосуратни алоҳида ёқтиргани ҳақида ёзади. Фотосуратда Барт самимий жилмайиб, қора доскада чизилган структурал схемаларни тушунтириб бераётган пайти абадий муҳрланиб қолган. Бартнинг бир оз истехзоли, бир оз сирли табассумида Тодоровга биринчи навбатда муаллифнинг ушбу схемаларга бўлган кинояли, бепарво муносабати кўринади. Ҳақиқатдан ҳам, Бартнинг сўнгги асарлари бизни ҳам Тодоров фикрига қўшилишга ундайди. Лекин Барт ижодидаги охириги босқичнинг аҳамиятини мутлақлаштириш нотўғри бўларди. Ижодининг илк босқичларида яратилган асарлардаги фойдали, позитив нарсаларни йўққа чиқармаслик керак. Устига устак бунга ҳеч қандай асосимиз ҳам йўқ, чунки, Ролан Барт адабиётга илмий ёндашишдан воз кечганлигини исботловчи ҳужжатларга эга эмасмиз. Гап бу ерда структуралистик схемаларни ахтаришда,

¹⁰⁷ Ўша манба, 40-41 бет.

илмий изланишда эмас, балки адабиётда ижодий илҳом топишда, кўтаринки руҳ билан ишлашда, мутаассибликни енгиб ўтишдадир.

Бизнингча, Ролан Бартнинг Европа адабиётини ўрганадиган замонавий фанга бўлган таъсирини изоҳлашнинг ягона йўли мавжуд. Бунда нафақат структур-семиотик ғояларни тарғиб ва татбиқ этишни, балки адабиёт моҳиятини англашда янги йўлларни ахтаришни; “ёзилган сўзларни” адабиётга айлантирадиган “мафтункор оҳанг”ни топиш ва англашга бўлган интилишни назарда тутмоқ лозим. Шубҳасиз, адабиётни ўзига хос белгилар системаси сифатида кўриб чиқишда белги маъносини англатадиган жиҳатни мутлақлаштиришда Бартнинг ўз вақтида формализм тамойилларига қизиққани яққол кўриниб туради, муайян тил доирасида ёзувнинг тубдан ўзгартириш қобилияти концепциясида эса Бартнинг тарихий жараёни тўлиқ тушунмаслиги сезилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Барт томонидан илгари сурилаётган ва ёқланаётган айрим фикр-мулоҳазалар, қолаверса бадиий матн таҳлилининг тамойиллари адабиётшунос, мунаққид ва назариётчиларнинг кескин танқидига учраши аниқ. Барт ижодида у эълон қилган дастурнинг айрим қисмлари ёки уларнинг амалга оширилиши эмас, балки ижодининг умумий йўналиши диққат-эътиборни ўзига тортади. Сабаби, унда 1950-60-йиллар Европа адабиётшунослари, мунаққидлари умуман адабиёт аҳли орасида бадиий асар таҳлилининг усулларини, қолаверса методологияни янгилашга бўлган тенденциялар, ўша давр адабиётшунослик ва танқидчиликдаги турғунлик вазиятдан қониқмаслик ўз аксини топган.

Асосан бадиий асар манбалари ва муаллифнинг биографиясини тадқиқ этиш, тарихий воқеа-ҳодисалар, далил ва маълумотларни йиғиш ва таснифлаш билан шуғулланган анъанавий адабиётшуносликка қарши чиққан Барт китобхонни бадиий матнни “анъанавий ақидалардан тозаланган” ҳолда идрок ва талқин этишга ўргатмоқчи, умуман олганда, дунёга бўлган қарашнинг ўзгаришига катта аҳамият берган эди.

Олим вафотидан сўнг адабиётшунос ва мунаққидлар, адабиёт назариясидан яхши хабардор ва хабардор бўлмаган публицистлар Ролан Бартни

Европа интеллектуал ҳаётининг энг ёрқин намоёндасига айлантирган сабабларни аниқлаш пайига тушдилар. Улар, биринчи навбатда, олим ва эссеавис Ролан Барт асарларига хос бўлган хусусият – изланиш руҳияти, эришилган натижадан қониқмаслик, олдиндан маълум нарсага янгича қарашга ҳаракат қилишни пайқаб, адашмаганларига гувоҳ бўламиз.

Фалсафа нуқтаи назаридан эволюция – бу узлуксиз равишда давом этадиган, сифатий ва миқдорий ўзгаришлардан иборат ривожланиш шаклидир. Барт эволюцияси – бу маълум даражада Европа структур адабиётшунослигининг ҳаракатидир. Ҳаракат, – буни тан олмасликнинг иложиси йўқ, – пастга қараб йўналган, чунки илгари сурилган масалалар оз-оз бўлса ҳам аниқ ва ишонарли ечимини тополмади, адабиётни ўрганишнинг методика ва методологияси эса нисбатан тор соҳаларда қўлланиш имкониятга эга бўлиб чиқди. Буни таъкидларканмиз, замонавий Европа адабиётшунослигида структурализм йўққа чиқди, олдинги нуфузини йўқотди деб айтмоқчи эмасмиз. Фақат эндиликда у тарихий вазифасини адо этиб, Европа адабиётшунослиги, умуман, бадиий тафаккурида “етакчи йўналишлардан бири” деган мавқедадан тушиб кетди.

IV БОБ. АЛГИРДАС ГРЕЙМАСНИНГ СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

Француз адабиётшуноси Алгирдас Греймас (*Algirdas Greimas*, 1917-1992) ўз тадқиқотларида инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тамаддуннинг мустаҳкам кўрғонларидан бири бўлмиш тарих билан бир қаторда, адабиётга ҳам алоҳида ўрин ажратади. Унинг баён қилишича, “адабиётга семиотик жиҳатдан ёндашувнинг ажабланарли томони шундаки, юнон-рум анъанасига таянган бадиий шакл, мифологик сюжетга асосланган мазмун ва моҳият, айти пайтда инсонпарварлик ғоясидан маҳрум этилган бадиий тамойиллар семиотик шаклларга таққосланади ҳамда инсонпарварлик ғоялари учун мустаҳкам асос ва дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилувчи умумий назарияга киритилиш мақсадида турли-туман хунармандчилик (ижодий бўлмаган) “буюм”лар қаторига қўйилади¹⁰⁸.

Демак, адабиёт илм-фаннинг ўзига хос хусусиятга эга объекти сифатида Греймас томонидан инкор этилади ва семиотика нуқтаи назаридан тадқиқ қилинадиган ҳодисалар доирасига киритилади. Устига устак, семиотика асрлар оша шаклланиб келган, кенг ёритилган ва анъанавий тусга кирган адабиёт хусусидаги тасаввур ва тушунчаларга барҳам бериб, уларнинг ўрнига исталган маънода ўқилишга йўл қўйувчи илмий таъриф ва тавсифларни қатъий ўрнатади, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Шунга қарамасдан, Греймас адабиётни “маъно-мазмуннинг ўзига хос субстанционал доирасига эга бўлмаганлиги сабабли”, инсон фаолиятининг бошқа соҳалари қаторида алоҳида ажратади¹⁰⁹. “Адабиёт, хоҳ у ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин, семантикага оид соҳани ҳосил қилмас экан, – деб ёзади у, – лингвистик структураларнинг мажмуига айланади. Улардан ёпиқ нутқ парчаларининг ичида намоён бўлувчи мазмунни ташкил этадиган ё конструктив категория, ёки функционал қоида сифатида фойдаланилади”¹¹⁰.

¹⁰⁸ Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 37.

¹⁰⁹ Ўша манба, 271 бет.

¹¹⁰ Ўша манба, 272 бет.

Адабиётда ўзигагина хос бўлган семантик мазмун йўқлиги хусусидаги фикр Греймас томонидан кейинчалик ҳам бир неча бор таъкидланади ва умумий кўринишида эътироз билдиришга йўл қўймайди. Ҳақиқатдан ҳам, фақат бадиий сўз орқали тасвирлашнинг предметиға айланиши мумкин бўлган ҳодисани кўрсатиш қийин. Демак, адабиётнинг спецификаси предмет билан эмас, балки тасвирлашнинг методи ёки усули билан яратилади.

Бироқ ушбу муаммолар Греймас кизиқиши доирасидан ташқарида ётибди. Лекин бу ерда аниқлик киритмасдан иложимиз йўқ. Адабиётнинг ўзига хослигини эътиборга олмай, Греймас адабиёт ҳақидаги фаннинг спецификасини аниқ таърифлашга уринади: “Адабиёт ҳақида фаннинг асосий вазифаси шеърий нутқда имплицит тарзда иштироқ этувчи шакл структурасини, матнни тушунарли қиладиган қонуният ва моделлардан келиб чиққан ҳолда матн структурасини аниқлашдан иборатдир”¹¹¹.

Бинобарин, вазифа бамисоли расмиятчилик нуқтаи назаридан белгилангандек, объектга ёндашув эса, Греймас тушунчасида, нутқ бирлигида маъно-мазмунни эмас, балки формализм ғоялари билан суғорилган алоҳида лингвистик ёндашувга ўхшайди ҳолос.

Адабиёт ва нутқнинг бошқа турлари ўртасидаги тафовутларга эмас, балки ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратиб, Греймас “адабиёт” тушунчасидан воз кечади, унинг тасаввурида адабиёт илмий таърифга эга эмас, ва асосан шеърий нутқ, унинг коммуникатив нутқ билан ўзаро муносабатини тадқиқ қилишга интилади. А. Греймас изланишларидаги ушбу лингво-семиотик йўналганлик унинг қарашларини чуқур таҳлил қилишга ундайди, негаки унинг концепциялари адабиёт билан шуғулланган олимларга ўз вақтида кучли таъсир кўрсатган эди.

А. Греймаснинг асосий мақсади – шеърий нутқни ўзига хос “аномалия”, яъни меъёрдан четга чиқиш, табиий тил устидан ўзига хос “қурилма” сифатида кўриб чиқадиган ҳамда “табиий тил “меъёрлиги” ва шеърий нутқ “меъёрсизлиги” фикрига асосланган концепцияларни рад этишдан иборатдир.

¹¹¹ Greimas, A.J. *Sémiotique et sciences sociales*. Paris: Seuil, 1976. p. 162.

Табиий тилни денотатив система сифатида кўриб чиқиш, гўё унинг устидан шеърий нутқнинг коннотатив системаси “қурилган” дегувчи тасаввурларни Греймас қабул қилолмайди. Қизиқарли ҳол, албатта. Лекин, аслини олганда, Р. Бартнинг нуқтаи назари ҳам шунга бормоқда. Бартнинг машҳур “... агарда сўзларда фақат битта маъно айнан луғатда кўрсатилган маъноси бўлганда эди, агарда иккинчи тил “тилнинг шубҳасиз тўғрилиги, ишончилигига” путур етказмаганида, уни аниқлигидан маҳрум этмаганида, эркин қўйиб юбормаганида, адабиёт умуман бўлмаган бўларди”¹¹² дегувчи фикрини таққослаганимизда, ҳаммаси яққол кўринади. Ц. Тодоров ҳам адабиётни “иккинчи даражали белгилар системаси (*un système significatif*) ёки бошқача қилиб айтганда, коннотатив система”¹¹³ сифатида таърифлайди.

Қўйидаги фикрлар А. Греймас назарияси учун жуда ҳам хос: “Табиий тил ҳеч қачон денотатив бўлолмайди, унинг жиҳатлари ниҳоятда кўп”¹¹⁴; “Бизлар борган сари маъно-мазмун матнларда ва нутқдаги маъноларнинг бир чизиқли, бир сўзли ва биргина маънога эга эканлигига ишонмай қолаяпмиз, буни унутиб бораёпмиз”¹¹⁵. Мазкур нуқтаи назар шеърий нутқ концепциясига ҳам узвий равишда тарқалади.

Француз семиотик олими Франсуа Ратье (*François Rastier*, 1945 туғ.) билан ҳаммуаллифликда ёзилган ишларининг бирида, А. Греймас “маданият объектларини яратишга етакловчи” ижодий жараённи ёки, унинг сўзларича, инсон ақлий йўлини “содда элемент”лардан то “мураккаб структура”ларгача кўтарилиш йўли, “имманент хусусиятларнинг юзага чиқиши” дея таърифлайди.

Нарратология назариясига бағишланган “Маъно хусусида” (*Du sens*, 1970) асаридаги “Нарратив грамматика элементлари” (*Éléments d'une grammaire narrative*) бобида А. Греймас икки нарратив сатҳ хусусида сўз юритади: 1) “очик (яққол кўриниб турган – М.Х.) сатҳ” (*apparent*), унда маъно-мазмуннинг турли кўринишлари лингвистиканинг ўзига хос қонунларига бўйсунган бўлади; 2) ўзига хос умумий структурани ҳосил қилувчи “имманент сатҳ”, айнан ҳикоя

¹¹² Barthes, R. Critique et vérité. Paris: Seuil, 1966, p. 52.

¹¹³ Todorov, Tz. Poétique de la prose. Paris: Seuil, 1971. p. 12.

¹¹⁴ Greimas, A.J. Du Sens: Essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 14.

¹¹⁵ Ўша манба, 17 бет.

қилиш услуби унга асосланади ва матнда намоён бўлишини таъминлайди. Шу тариқа умумий семиотик сатҳ лингвистик сатҳдан кескин фарқ қилади ва қайси тилдан фойдаланилганлигидан қатъий назар, мантикий равишда ундан олдин намоён бўлади, уни тақозо этади»¹¹⁶.

Дарвоқе, нарратология (фр. *narratologie* < лот. *narrare* – ҳикоя қилмоқ) ёки ҳикоя қилиш назарияси – бу адабиётшунослик фанининг ҳикоя қилишни ўрганувчи соҳаси бўлиб, ўз олдига бадиий матн структурасининг қонуниятларини аниқлаш, ҳикоя қилиш босқич ва сатҳларининг тузилишини ўрганиш, қолаверса ҳикоя қилиш ва тарих ўртасидаги ўзаро муносабатнинг хусусиятларини белгилаш вазифасини қўяди. Шунингдек, матн ичидаги ўзаро алоқадорлик, мантикий боғлиқликни тадқиқ қилади, дискурс, яъни изчил мантикий фикр-мулоҳаза муаммоси билан яқиндан шуғулланади. Нарратология ўз ўрнида классик (яъни бадиий асарда ҳикоя қилувчи (ровий – М.Х.) мавжуд) ва структуралистик (яъни тавсиф билан чекланган матнга қарши ўлароқ, бадиий асардаги воқеалар муайян макон ва замонда ривожланадиган) кўринишларга бўлинади. Нарратив (фр. *narratif* < лот. *narrativus* – ҳикоя қилиш услуби) – адабий тушунча бўлиб, бадиий асарда воқеа ва фактларни бир чизик бўйлаб ҳикоя қилишни, яъни “муаллиф қандай қилиб ёзган бўлса, шундай” маънони, шунингдек диалогик услубдан фарқли ўлароқ ёрқин тасвир, батафсил тавсифдан иборат услубни, масалан эпик услубни англатади.

Юқоридаги фикрда охириги жумла А. Греймас ва унинг фикрини тушунишга ҳаракат қилган мутахассис учун ниҳоятда муҳимдир. Олим қуйидаги маслакка таянади: маъно мустақил равишда, унинг намоён бўлиш шакли қандай бўлишидан қатъий назар мавжуддир; маъно “нарратив структура”ларни ҳосил қилади, яъни кейинчалик, хоҳ у табиий тил бўлсин, хоҳ кинематография тили бўлсин, хоҳ ранг тасвир санъати бўлсин, исталган шаклда намоён бўлишга имкон берувчи структураларга бирлашади. Бу ерда Греймасни энг аввал мазкур “имманент сатҳ”, яъни аниқ ифодаланмаган нарратив структураларни ташкил қилиш йўсини ва қонунияти қизиқтиради. Айни пайтда,

¹¹⁶ Ўша манба, 158 бет.

унинг диққат-эътиборини “нарратив грамматика” яъни тил орқали ифодаланмаган, мавҳум бўлиб кўринган маънолар грамматикаси ўзига тортади.

Таъкидланганидек, А. Греймас учун маъно-мазмуннинг мустақил тарзда мавжуд бўлиши хусусидаги фикр ўта муҳимдир. Маъно-мазмуннинг юзага чиқиши, матнда намоён бўлиш шакли қандай бўлишидан қатъий назар катта фарқ туғдирмаса, энг муҳими тадқиқотчи бундай вазият мавжудлигини тан олишга рози бўлса, демак маъно-мазмуннинг мустақил тарзда мавжуд бўлиши хусусидаги фикр шубҳасиз асослидир. “Маъно-мазмуннинг (*la génération*) вужудга келиши, – таъкидлайди Греймас, – дастлаб сўзлардан жумла (фикр) ларни яшаш (*des énoncés*) ва улардан нутқни ҳосил қилиш босқичини ўтамайди; ўз ҳаракатида у нарратив структуралар билан алмаштирилади ва айнан улар, ушбу нарратив структуралар, алоҳида жумлалардан тузилган ва анланган нутқни (*le discours sensé*) ташкил қилади”¹¹⁷. Шу сабабдан, А. Греймас фикрича, тадқиқотнинг мустақил соҳаси сифатида нарратив таҳлил тамойилларини асослаб берувчи нарратив назарияни яратишнинг асосий мақсади биринчи навбатда шундаки, нарратив структураларнинг мавжудлигини “баайни маъно-мазмун ҳақидаги фан тарзида анланган семиотиканинг умумий системаси ичида мустақил соҳадек”¹¹⁸ тасдиқлашдадир.

Демак, нарратив грамматика А. Греймас учун – бу маънонинг элементар структурадан тортиб то мазмунгача, ундан кейин – нарративлардан ҳосил бўлган мазмунгача ва, ниҳоят, – матнда намоён бўлишининг турли модусларигача бўлган тартибли ҳаракатни кузатишга ёрдам берувчи назариядир. Агар сўз маъно-мазмуннинг вербал (оғзаки) кўриниши хусусида кетгудек бўлса, у ҳолда нарративлардан ташкил топган маъно-мазмунни риторика, стилистика, грамматика каби соҳаларга тегишли таҳлил воситаларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш мумкин.

“Нарратив грамматика элементлари” асарида яққол кўринган А. Греймас фикр-мулоҳазаларининг назарий ва мавҳум руҳи унинг бошқа тадқиқотларида

¹¹⁷ Ўша манба, 159 бет.

¹¹⁸ Ўша манба, 160 бет.

ҳам намоён бўлади, баъзида эса аниқлаштирилади ва тўлдирилади. “Семиотик поэтика ҳақида эсселар” (*Essais de sémiotique poétique*, 1972) тўпламига кирган “Поэтик нутқ назарияси ҳақида” (*Pour une théorie du discours poétique*) номли эсседа муаллиф ўз назариясини аниқ объект, яъни бадий асарга татбиқ қилади ва “поэтик грамматика” тушунчаси хусусида атрофлича фикр юритади¹¹⁹. “Поэтик грамматика” муаллиф томонидан умумий “нарратив грамматика”нинг соҳасидан биридек тушунилади. Унинг асосий мақсади – “воқеликни аслидай тиклаш эмас, балки унинг конструкциясини яратишдан иборат. У мукамал ҳолда яратишга ҳаракат қилган шеърӣ объектлар, доимо сунъӣ йиғилган (конструкция) объект бўлиб қолаверади. Бундай объектлар ҳеч қачон ҳақиқӣ, табиӣ бўлолмайди ва, аксинча, матнда намоён бўлган шаклда улар шубҳа уйғотмайди”¹²⁰. Ўз фикрини давом эттириб Греймас: “Ушбу шеърӣ объектларни тавсифу тасвирлашга ишлаб чиқилган тил ҳам шеърӣ тил бўлолмайди”¹²¹, деб қўшиб қўяди.

Юқорида келтирилган фикрда конструкция ва “воқеликни аслидай тиклаш” қарама-қаршилиги диққатимизни жалб этади. “Воқелик” тушунчаси биз кўриб чиқаётган А. Греймаснинг ишларида камдан-кам учрайди. Бу маълум даражада тадқиқотчи олиб борган илмӣ изланишларнинг расман назарӣ руҳи билан изоҳланади. Бу ерда гап, шубҳасиз, фақат бадий асар воқелиги хусусида кетмоқда, яъни уни лойиҳалаштираётган модель сунъӣ равишда ҳам, табиӣ равишда ҳам ўзгартиролмайди, унинг ўрнини босолмайди ва бунга ҳаракат ҳам қилолмайди. А. Греймас тадқиқотчи фойдаланган тил ўрганилаётган тилдан фарқ қилиши лозимлиги тўғрисида атайлаб тўхталгани бежиз эмас; у структур адабиётшуносликка (шеърӣят) таҳлили мисолида бағишланган ишларида тадқиқотнинг объекти ва воситаси хусусида муҳокама қилинган масалани кўтаради.

А. Греймас фикрини давом эттириб: “Бундай грамматика қатъӣ меъёрга айланган шаклларни жойлаштириш ва уларга юклатилган вазифани қай

¹¹⁹ Greimas, A.J. Pour une théorie du discours poétique // Essais de sémiotique poétique. Paris: Larousse, 1972. 22-45

pp.
¹²⁰ Ўша манба, 21 бет.

¹²¹ Ўша манба, 22 бет.

даражада бажариши устидан назорат қилиш билангина шуғулланиб, стилистик, типологик, синтактик қоидалар чангалидан озод қилган *шоирона ахборот*ларга бепарволик билан қарайди, айти пайтда, табиий тиллар грамматикаси ёрдамида тузилган сон-саноксиз жумлаларга ҳам бефарқ муносабатда бўлади»¹²².

Дарҳақиқат, бу фикр биз таҳлил қилаётган А. Греймаснинг ишларидан бир оз олдин ёзилган Р.Бартнинг “Танқид ва ҳақиқат” китобидаги фикрга ҳамоҳанг келади. Бу китобда Р.Барт адабиётни семиотика нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг умумий мақсад ва вазифаларини белгилашга ҳаракат қилган эди. Семиотика нуқтаи назаридан ёндашув у ёки бу бадиий асарнинг асосий маъноси ва мазмунини тўғри аниқлашга ёрдам беришига унчалик ҳам ишонч билдирмаган. Р.Барт шундай ёзади: “...менинг асосий вазифам шундаки, қайси мантиқ асосида маънолар вужудга келишини, айти пайтда, французларнинг онги француз тилини қай йўсинда идрок қилишлари мисолида кишиларнинг рамзий мантиқ орқали маъно-мазмунларни идрок қилиш йўлини кўрсатишдан иборатдир”¹²³.

Мазкур фикрнинг юзакилиги, дудмоллигига қарамасдан, А. Греймас ва Р. Барт илгари сураётган вазифаларнинг умумийлиги яққол кўринади. Таъкидлаш жоизки, нарратив грамматика, ҳикоя қилиш нутқи грамматикаси, нафақат муайян бадиий асарларни яратиш қонуниятларини тушунишга, балки муайян қонунлар асосида уларни қуришга ёрдам берувчи конструктив моделларни яратиш муаммоси структур-семиотик адабиётшунослик тарафдорларининг диққат марказида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мураккаб комплекс фан ҳисобланмиш структур-семиотик адабиётшунослик тарафдорлари қарашларининг нозик жиҳатларини, қарашларидаги кескин тафовутларни ҳисобга олган ҳолда асосий ғоя умумийлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ: шеърий нутқ грамматикаси, табиий тиллар грамматикаси сингари, тилга оид материалдан мутлақ ажратилган, узоқ бўлиши шарт;

¹²² Ўша манба, 22 бет.

¹²³ Barthes, R. Critique et vérité. Paris: Seuil, 1966. p. 66.

билъакс, тилга оид материални ўзига хос системага айлантириш қонуниятларини аниқлаши лозим.

Поэтик нутқ грамматикасини яратишга йўналтирилган тажрибалар XX аср ўрталарида тилшунослик ва адабиётшунослик кесишган нуктасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Буни биз Ц. Тодоровнинг новелла жанрига хос мураккаб сюжет чизиғи, ҳикоя қилиш услуби таҳлилига бағишланган “Декамерон” грамматикаси” (*Grammaire du “Décaméron”*, 1969) асарида кузатишимиз мумкин. Мазкур йўналишда самарали изланиш олиб борган А. Греймас поэтик нутқнинг кўп маънолилиги, нозик, гоҳида фақат тағмаёнода англашиладиган жиҳатлардан иборатлилиги муаммосига жиддий эътибор қаратган эди. Ушбу муаммо – адабиётни семиотика нуктаи назаридан тадқиқ қилиш борасида асосий муаммолардан биридир. Уни ҳар тарафлама ишлаб чиқишни, эстетика, яъни бадиий асарда мужассамланган санъат ва бадиий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фалсафий таълимотга асосланган мазмуннинг серқирралилиги, мураккаблигини ўрганишни, – адабиётшуносликка оид семиотиканинг қўлга киритган энг муҳим ютуғи деб ҳисобласа бўлади. Лекин у табиий тилларни тадқиқ қилиш соҳаси билан чамбарчас боғланган, ва, аслида, ушбу тадқиқотларнинг бир қисмидир холос. Р. Барт ўзининг “Танқид ва ҳақиқат” китобида А. Греймас илмий тадқиқотлари ва унинг нутқ изотопияси назариясига ҳавола қиларкан, бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратади.

Францияда семиотика муаммоларига бағишланган тадқиқотларда кенг тарқалган “изотопия” тушунчаси илк дафъа А. Греймаснинг “Структурал семантика”¹²⁴ китобида кўлланган бўлиб, “муайян ахборотдаги мазмун яхлитлиги” (*la totalité de signification, postulée à un message*) ни таърифлашга бўлган эҳтиёж туфайли шу заҳотиёқ илмий истеъмолга киритилди. Эҳтимол, мазмун яхлитлигининг ушбу мезонини кўп маънолилиқ тамойили, нутқ коннотативлигининг тескари томони, улар ўртасидаги муайян мувозанатни эса – тадқиқ қилинаётган нутқ бирлиги ёки парчасини ташкил қилувчи асосдек

¹²⁴ Greimas, A. *Sémantique structurale: Recherche de méthode*. Paris: Larousse, 1966.

қабул қилишимиз лозим бўлади. А. Греймас “изотопия” тушунчасини ҳар тарафлама таърифлашга, унга аниқлик киритишга, уни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга катта эътибор қаратган. “Структурал семантика” китобида у мазкур тушунчага фақат таъриф бериш билан чекланмасдан, балки уни батафсил, ёрқин рангларда тавсифу тасвирлашга ҳаракат қилади.

“Маъно хусусида” китобига кирган “Мифик ҳикояни талқин қилиш назариясига доир” (*Éléments pour une théorie de l’interprétation du récit mythique*) мақоласида: “Изотопия деб биз меъёридан ортиқ семантик (маъновий) категория мажмуаларини тушунамиз, ўз ўрнида улар ҳикояни бир бутун яхлит (*uniforme*) ҳолда ўқишга имкон беради. Аниқроғи, яхлит фикрларнинг алоҳида олинган қисмларини ўқиш натижасида ва уларнинг икки маъноли эканлиги аниқлангандагина бадий асарни икки маънога йўл қўймовчи тарзда ўқишга имкон яратилади”¹²⁵, деган фикрни учратамиз.

Ва, ниҳоят, энг сўнггиси – “Маъно хусусида” китоби муқаддимасида олим: “Изотопия дейилганда, одатда, кўриб чиқиладиган нутқнинг пастки сатҳини ташкил қилувчи семантик (маъновий) категорияларнинг меъёридан ортиқ мажмуи тушунилади (*une faisceau de catégories sémantiques redondantes sous – jacentes au discours considéré*)”¹²⁶, деган фикрни келтириб ўтади.

А. Греймаснинг нутқ изотопияси хусусидаги мулоҳазалари унинг “маъно матн ёки нутқдаги мазмунларнинг бир чизиқли ва бир ёқлама қатори эмас” дегувчи ғояга асосланади. Аммо Греймас тилшунослик ва адабиётшуносликда оммалашиб кетган “ҳар хил йўсинда ўқиш имкониятларининг чексизлиги” назариясига қатъий қарши чиқади. Унинг фикрича, ушбу назария “бадий асарнинг ҳар қандай илмий таҳлил қилиш имкониятларини инкор қилади, яъни бадий асарни ҳар хил йўсинда ўқиш имкониятлари ҳақиқатдан ҳам “чексиз” бўлиши мумкин, бироқ ушбу вариациялар, айни пайтда, матнни “бузмасдан” ва “структурасига зарар етказмасдан”, ўқувчиларнинг “идрок қилиш қобилият”ларини намоён қилади холос”¹²⁷.

¹²⁵ Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 10.

¹²⁶ Ўша манба, 10 бет.

¹²⁷ Greimas, A.J. Pour une théorie du discours poétique // Essais de sémiotique poétique. Paris: Larousse, 1972. p. 18.

Олим, шунингдек, коннотатив тилларни жиддий ўрганишни ўйинга алмаштиришдан огоҳлантиради. Унинг фикрича, тадқиқотчилар, “коннотация фактлари тўлиб тошган матнда у ёки бу алоҳида коннотатни топиб ва шу заҳотиёқ “кашф этилган” чуқурликдан завқу шавққа тўлиб, коннотатив тилларни ўрганишни ўйинга алмаштиришни афзал кўришади. Бу эса матнни тўлиқ тушинишга тўсқинлик қилади”¹²⁸.

А. Греймаснинг ушбу танқидий мулоҳазалари қайсидир бир маънода Р. Барт “S/Z” китобида тақдим этган методикаси(усул)га ўхшаб кетади. Ҳақиқатдан ҳам, Барт методикаси кенг кўламда ва пухта ишлаб чиқилган режа асосида олиб бориловчи илмий таҳлилдан кўра, кўпроқ ўйинга ўхшайди. Р. Барт таклиф этган матн асемияси (бир маънолилиги) тушунчаси, лоақал у ўзи илгари сурган матн полисемия (кўп маънолилиги) си тушунчасига қарама-қарши қўйилиши, ва, уни кенгайтириш ва тўлдириши тасодифий ҳол эмас, албатта. Бизнингча, ушбу фараз семиотика фанининг содиқ ва изчил тарафдори, қолаверса назариётчиси учун мутлақо тўғри келмайди.

Айнан “нутқнинг кўп изотопли структураси”¹²⁹ матннинг турли сатҳларида ўз шаклини, кўринишини ўзгартириб, чуқур сатҳлардан “намоён бўлиш сатҳи”гача кўтариларкан, бу ерда кўп маъноли лексемаларни юзага чиқаради, энг муҳими, матнни нотўғри талқин қилишни келтириб чиқаради. Ушбу янглиш тасаввур оқибатида матнни нотўғри талқин қилишлар гўё шеърятнинг асл моҳияти деб англандан “гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиш, икки маънода тушунилиш ҳодисаси” хусусидаги фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади”¹³⁰.

Бизнингча, ушбу танқидий фикр эътиборга лойиқ. А. Греймас поэтик нутқнинг истисносиз маънолар кўплигига эгалик қилиш ҳуқуқини қатъиян рад этади ва шеърый нутқни мифологик жиҳатдан талқин қилишга қарши чиқади. Бунинг эвазига у шеърый нутқни тадқиқ қилишни жиддий илмий асослашга ҳаракат қилади. Маъно-мазмунларни турли-туман ва ранг-баранг белгилардан

¹²⁸ Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970. p. 94.

¹²⁹ Greimas, A.J. Pour une théorie du discours poétique // Essais de sémiotique poétique. Paris: Larousse, 1972. p. 19.

¹³⁰ Ўша манба, 19 бет.

эмас, балки айнан сўзлардан ташкил қилиш ва уларни сўзма-сўз (луғавий) тўғри талқин қилишга бўлган иштиёқига содиқ қолиб, А. Греймас ушбу полисемия (кўп маъноли) белгилар ниманинг ифодаси бўлганлигини аниқлашга интиларкан, “семантик структураларни, – ушбу атаманинг том маъносида, – бир-биридан фарқлаб ажратиш, уларнинг ўртасида катъий чегара ўрнатиш; фақат бундан кейингина шеърий нутқни ташкил қилувчи қонуниятларни аниқ тартибга солишга” даъват этиб, ўзининг изотопия назариясига асос солади¹³¹.

Нутқ изотопияси назариясини кейинчалик ҳам тўлдириш, унга пухта ишлов бериш ва аниқлик киритиш зарурлигини тан оларкан, А. Греймас икки муаммони алоҳида ажратади, уларни ҳал этиш эса – биринчи даражали вазифа деб ҳисоблайди. Биринчиси – бу матнни ўқишнинг турли имкониятлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар (уларнинг бир-бирига боғланганлиги ва боғланмаганлиги) муаммоси. Зеро, А. Греймас тўғри таъкидлаганидек, нафақат тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари, балки барча фанлар бўйича эгаллаган билимларимиз мазкур муаммони қисман ҳал этишга имкон беради. Сабаби, Греймас фикрича, эҳтимоллар назариясига кўра, изотопиялар ўртасида турли фаразларга асослаган муносабатлар мавжуддир, яъни битта изотопиянинг дастлабки аниқланиши иккинчи изотопияни аниқлашнинг зарурий шартидир ва ҳоказо. Иккинчи муаммо – битта изотопиянинг бошқасига ўтиши, “туташган жойни” аниқлаш, Греймас таъбири билан айтганда, улар ўртасидаги “тирковчи дастак”ни ахтаришдан иборатдир. Изотопияларни бир-бирига маҳкам улаш, бир-бирига мантиқан боғлаш йўлларини тартибга солиш, уларнинг таснифини тузишда Греймас нарратив семиотика олдида турган муҳим вазифалардан биридир дея хулоса чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, А. Греймаснинг бир қатор шогирд ва издошлари бадийий матнни конкрет таҳлил қилиш амалиётида унинг назарий фикрларидан самарали фойдаландилар. XX асрнинг 70-йиллари А. Греймас назариялари асосида кўплаб амалий тадқиқотлар яратилди, улар орасида француз тилшуноси Ж.-К. Коке (*Jean-Claude Coquet*, 1928 туғ.) нинг ишлари алоҳида

¹³¹ Ўша манба, 19 бет.

ажралиб туради. Сабаби, бу вақтга келиб Ж.-К. Коке бадий матнда изотопиялар бир-бирига туташиб муаммосини чуқур ўрганиб, илм аҳли орасида бу масалада етарлича тажриба орттирган ёш олим сифатида танилди. Бу борада Ж.-К. Кокенинг экзистенциализм намояндаси, француз адиби Альбер Камю (*Albert Camus*, 1913-1940) қаламига мансуб “Бегона” (*L'Étranger*, 1942) романи услуби таҳлилига бағишланган тадқиқоти диққатга сазовордир¹³². Шу билан бирга, шеърӣ асардаги изотопияларни таснифлаштириш билан шуғулланган француз семиотик олими Франсуа Ратьенинг изланишлари А. Греймас диққат марказида бўлган ва муносиб баҳоланган¹³³.

Илмий қарашларида адашмаганлиги, танланган йўли тўғри бўлганлиги, қўлга киритилган ютуқлари ижобий натижа берганлигидан руҳланган А. Греймас ўзи яратган методни бадий матн таҳлилига татбиқ қилинишини ёрқин мисолларда кўрсатишга қарор қилди. Фойдали маслаҳат беришнинг энг яхши йўли – бу биринчи бўлиб уларга амал қилиш эканлигига астойдил ишонган А. Греймас XIX аср француз адиби Ги де Мопассан (*Guy de Maupassant*, 1850-1890) қаламига мансуб “Икки оғайни” (*Deux amis*, 1883) ҳикоясининг семиотик таҳлилини амалга оширди¹³⁴.

А. Греймаснинг асосий мақсади – рус формализм мактаби вакили В.Я. Проппнинг “Эртак морфологияси” (1928) китобида амалга оширилган халқ эртаги жанрини тадқиқ қилиш методини бошқа адабий материалга татбиқ қилишдан иборат эди. Юзаки ёндашиб, В.Я. Пропп функцияларини яхши тушунмай, билмай ёзма бадий матнга татбиқ этиш, мураккаб сюжет чизиғи ривожланиш қоидаларини соддалашган ҳолда тасаввур қилиш, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати ёмонлашиши ёки яхшиланиши ўзгариб туриши сабабларини чуқур ўрганмасдан хулоса чиқариш – буларнинг ҳаммаси бадий материалнинг нарративлардан ташкил топган негизини тушуниш учун ҳеч қандай янгилик бермаслигини тан олган А. Греймас ҳикояни ўзига хос ўқишни, яъни ўзи қандай қилиб ўқиган бўлганлигини тақлиф қилади. Унинг

¹³² Қаранг: Coquet, J.-C. Problèmes de l'analyse structurale du récit: l'Étranger d'Albert Camus // *Langue française*. Vol. 3 N°1. 1969. pp. 61-72.

¹³³ Rastier, F. *Systématique des isotopies* // *Essais de sémiotique poétique*. Paris: Seuil, 1972.

¹³⁴ Greimas, A.J. *Maupassant: la Sémiotique du texte: exercices pratiques*. Paris: Seuil, 1976.

бирдан-бир мақсади – таҳлил қилинаётган матннинг синтагматик яхлитлигини кўрсатиш ва ушбу матнни ташкил қилувчи умумий семиотик қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бу борада олим кўзлаган асосий вазифа – “бугунги кунда семиотика тамойилларига асосланган тадқиқотлар учун энг мақбул моделни яратиш”¹³⁵дан иборатдир.

Лекин, ҳамма нарса осон, сўзларда чиройли, бемалол амалга оширса бўладигандек кўринганлигига қарамасдан, айнан ушбу вазифани А. Греймас ҳал этаолмади. Айтиш лозимки, бор йўғи олти варақдан иборат ҳикоя А. Греймас китобининг қарийб икки юз етмиш варағида ҳар бир жумла, ҳар бир сўз “бирма-бир кўриб чиқилади”. Афсуски, ушбу беўлчов, ҳеч нарсага ўхшамайдиган “микротаҳлил” ҳаммасидан ҳам кўра таҳлилнинг универсал модели бўлмаслиги аниқ-равшан кўриниб туради. Ажабланарли томони шундаки, Р. Бартнинг “S/Z” эссесида катта умидлар билан тақдим қилинган бадиий матнни ўқиш методи ҳам таҳлилнинг универсал модели сифатида ўзини оқлай олмади. Хуллас, ҳар қандай бадиий асарга, – хоҳ у назмий, хоҳ у насрий бўлсин, – алоҳида ёндашиш лозимлиги ғояси яна бир карра ўзини исботлади.

Поэтик нутқ ва коммуникатив нутқни бошқарган қонунлар бирлиги ғоясини маъқуллаб чиққан А. Греймас ва унинг маслақдошлари асосий диққат-эътиборни маъно ва мазмун, унинг турли шакллари тадқиқ қилишга қаратарканлар, ўтган асрнинг 70-йиллари Францияда олиб борилган структур-семиотик тадқиқотларнинг алоҳида йўналишига асос солиб, уни Париж семиотика мактаби дея атай бошладилар. Фикрдош олимлар гуруҳи ўз фаолиятларини жадаллаштириб, асосий ғоя ва тамойиллар ўз аксини топган илмий дастуруламални, истиқбол йўлининг асосий босқичларини, қолаверса, ушбу соҳада олдин самарали фаолият кўрсатган ўтмишдошларини, уларнинг юқори баҳолаган илмий асарларини ҳам эълон қилдилар¹³⁶. Шу боис, А. Греймас “адабиётнинг мухторлиги ва ўзига хослиги бугунги кунда деярли бир овоздан рад қилиниши” хусусида сўз юритганига қарамасдан, у ўз фикрида

¹³⁵ Ўша манба, 203 бет.

¹³⁶ Қаранг: *Sémiotique: l'Ecole de Paris*. Paris: Seuil, 1982.

етарли даражада холисона эмас эди. Сабаби, адабиётнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги, кенг маънода – уни бошқа санъат турларидан тубдан фарқловчи ҳамда умуминсоний маданият ва санъат ҳодисасига айлантирувчи жиҳатлар муаммоси ўтган асрнинг 70-йиллари Францияда бир қатор структуралист олимларнинг диққат-эътиборида бўлиб, улар бу муаммони атрофлича кўриб чиқишга, қисман бўлсада ҳал этиш учун қатор тадқиқотлар яратишга киришдилар.

Таъкидлаш жоизки, XX асрда адабиётшуносликка оид турли-туман, гоҳида бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирига аниқлик киритувчи, гоҳида эса бир-бирини инкор этувчи қарашлар шунчалик кўп бўлганки, уларни тартибга солиш, таснифни келтириш муҳим вазифадир. Шунга қарамасдан, ҳозирги адабиётшуносликда, аниқроқ қилиб айтганда, замонавий филология илмида адабиётнинг моҳияти, унинг ўзига хослиги, энг муҳими, бошқа гуманитар фанлардан мустақиллиги ва улар билан узвий боғлиқлиги, аниқроғи фанлараро мавқеи хусусидаги айрим масалаларни кўриб чиқиш зарурати туғилади:

1) онтология (юнон. *ontos* – борлиқ ва *logos* – таълимот) га оид жиҳати, яъни матннинг объектив борлиғи, унинг табиатан мавжудлиги, ўзига хос материя сифатида абадий борлиқ шакллари хусусидаги масала. Фалсафий-адабий герменевтика¹³⁷ (В. Дильтей, М. Хайдеггер, Г. Гадамер, П. Рикер и бошқ.) ҳамда тил фалсафаси охириги икки аср давомида ушбу ўта мураккаб масалага жиддий эътибор қаратганлигига қарамасдан, ягона ёндашув, бир бутун яхлит тамойиллар мажмуи, шубҳага йўл қўймовчи назария ишлаб чиқилганича йўқ.

2) эпистемология¹³⁸ (лот. *episteme* – билиш ва *logos* – таълимот) га оид жиҳати, яъни матнни қандай қилиб тушуниш мумкин, матн моҳияти нимада,

¹³⁷ **герменевтика** – (юнон. *hermeneuo* – “тушунтириб бераман”) – талқин қилиш санъати ва назарияси, унинг мақсади - матннинг объектив (сўзларнинг маъноси) ва субъектив (муаллиф мақсади) асосларидан келиб чиққан ҳолда матн маъносини аниқлаш. Бундан ташқари, бу матннинг объектив (сўз маънолари ва уларнинг тарихий нуқтаи назардан вариантлари) ва субъектив (муаллифнинг бадиий нияти ва мақсади) асосларидан келиб чиққан ҳолда матн маъноси ва мазмунини талқин этиш назарияси ва санъатидир.

¹³⁸ **эпистемология** – (лот. *episteme* – билиш; *logos* – таълимот, сўз) – “билиш назарияси” ёки гносеология. Бу фалсафанинг билим орттириш жараёнида субъект ва объектнинг ўзаро муносабатини, билимнинг воқеликка, тафаккурнинг борлиққа муносабатини, инсоннинг дунёни билиш мумкинлигини, билимнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини ўрганувчи соҳасидир. Ҳар бир тарихий даврда илм-фан, илмий ва амалий фикр-мулоҳаза,

матнда ҳақиқат борми йўқми дегувчи масала. Ушбу масалани кўриб чиқувчи илмий доирага герменевтика (Ф. Шлейермахер, Г. Гегель, Э.Д. Хирш ва бошқ.) дан то структурализм (Р. Барт, Кл. Леви-Стросс, Ю.М. Лотман ва бошқ.) ва деконструктивизм (Ж. Деррида) гача бўлган фанлар киради. Бу йўналишда изланишлар давом этиб, ўз самарасини бермоқда.

3) телеология¹³⁹ га оид жиҳати, яъни матннинг асосий мақсади нимада, унинг у ёки бу контекстга боғлиқ функцияси нимадан иборат дегувчи масала. Замонавий гендер тадқиқотлар, матн прагматикасини ўрганиш, қитъа (Лотин Америкаси, Африка, Осиё мамлакатлари адабиёти– М.Х.) лар адабиётини ўрганиш – ушбу масалани чуқур ва кенг кўриб чиқишга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Бу борада Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Алехо Карпентьер, Габриэль Гарсия Маркес, Самюэль Беккет, Уильям Берроуз, Альбер Камю, Эжен Ионеско, Владимир Набоков, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Жон Барт, Томас Пинчон, Томас Вулф, Жан-Поль Сартр, Марсель Пруст, Поль Верлен, Гийом Аполлинер, Франц Кафка, Жеймс Жойс, Виржиния Вулф, Томас Стерз Элиот, Курт Воннегут, Жон Фаулз, Уильям Голдинг, Умберто Эко, Дуглас Коупленд, Харуки Мураками, Виктор Пелевин, Марк Данилевский, Ян Мартел, Орхан Памук, Жан-Мари Гюстав Леклезьо, Фредерик Бегбедер, Мо Янь каби адибларнинг асарларини эслаш кифоя.

4) “меъёрий” жиҳат, яъни матнни баҳолаш қайси меъёр ва мезонлар асосида амалга оширилади, матн хусусида муайян фикрни билдириш, у ҳақида бирор тўхтамга келишнинг ички ва ташқи мезонлари қандай бўлиши мумкин, матнни “расмийлаштириш, тасдиқлаш ва қонунлаштириш, уни айнан тўғри деб топган экспертларнинг ваколати” (Ж.-Ф. Лиотар) қайси меъёр ва мезонларга асосланади дегувчи масала. Ушбу масала филология (бу ерда тил ва адабиётда ўз ифодасини топган халқ маданиятини ўрганувчи мажмуа – М.Х.) фанининг

назария ва амалиётларнинг шарт-шароитларини белгилаб берувчи тарихий жиҳатдан ўзгарувчан структура, яъни М.Фуко таъбири билан айтганда, бу дунёни тасаввур қилиш ёки кўз олдида келтириш йўлини аниқлаб берувчи муайян билимлар структурасидир.

¹³⁹ **телеология** – (лот. *teleos* – мақсад ва *logos* – таълимот) – дунёда объектив равишда инсонга боғлиқ бўлмаган мақсад ва мақсадга мувофиқлик мавжудлиги ҳақида фалсафий таълимот.

бир қирраси бўлмиш адабиётни эстетика, фалсафа, тарих, ғоя ва мафкуралар тарихи, маданиятшунослик каби бошқа фанлар билан боғлайди.

5) генетика (келиб чиқиш) га оид жиҳат; бу ерда матннинг келиб чиқиши, унинг манбасини қаердан ахтариш лозим – анъанада, ҳар бир ижодкор шахсга хос бўлган ғайришуурий ҳаракатда, муайян маданий-тарихий вазиятда бўлиш... Хуллас, ушбу масалани кўриб чиқишда турли лингвистик мактаб вакиллари турли фикрларни билдиришган. Уларнинг айримларини эслатиб ўтиш лозим: Р.Декарт ва Г.В. Лейбницларнинг лингвистика фалсафасига доир қарашлари; И.А. Бодуэн де Куртенэ, Ф. де Соссюр, Ф.Ф. Фортунатов, Л.В. Щерба, О. Есперсен, Э. Сепир, Л. Блумфилд, Н.С. Трубецкой, Р.О. Якобсон каби олимларнинг тадқиқотлари; Ф.Ф. Фортунатов, Ю.Н. Тынянов, Б.М. Эйхенбаум, С.И. Бернштейн кабилардан таркиб топган Москва лингвистик мактаби тадқиқотлари, В.Я. Пропп, Б.В.Томашевский, М.М. Бахтин каби олимларнинг бадиий адабиёт муаммоларига бағишланган ишлари ва ҳоказо.

Лекин XIX-XX асрларда фаолият кўрсатган олимлар тилнинг структуравий таҳлил ривожини (фонологик, морфологик, сўнгра лексик ва синтактик, шунингдек матн сатҳларида – М.Х.) га ўзларининг – замон талабига мос – ҳиссасини кўшганликларига қарамасдан, уларнинг ҳаммасини ҳам лингвистика ва адабиётшуносликка оид структурализм мактаблари вакиллари деб бўлмайди. Бу қаторга қўйидаги олимларни қўшиб қўйиш мумкин: А. Мартине (тилнинг “система – функция” моделини ишлаб чиқиш; ҳам лексема, ҳам морфема сифатида идрок қилиши мумкин белги – “монема” назариясини яратиш; диахрония (тил ҳодисаларининг ривожланишида тарихий тадрижийлик) тамойилларига асосланган лингвистикага структуравий таҳлил асосида ёндашиш); Э. Бенвенист (лисоний белги, тил сатҳлари, тилнинг грамматик структураси муаммолари); Л. Теньер (“ўзаро боғлиқлик” назарияси – унга кўра, устун турган феъл асосида қурилган гапнинг бир қолипдаги модели анъанавий грамматикага хос бўлган икки қолипдаги гап ўрнига қўйилади, ўзаро алмаштирилади; юқоридаги назариянинг мантиқий давоми бўлмиш “валентлик назарияси”, “транспозиция назарияси); А.В. де Гроот (грамматик бирликлар

муаммоси, структур грамматика); Е. Курилович (белги назарияси, грамматик структура назарияси, структуравий диахрония морфологиясини яратиш); Г. Вотьяк (лексик маъно-мазмуннинг таркибий таҳлили); В. Дресслер (матн лингвистикаси), А.А. Реформатский (тилнинг белгилар назарияси, фонология, морфонология); И.И. Ревзин (тил моделлаштиришнинг умумий назарияси, тилнинг назарий-кўплик структураси); А.А. Холодович (сўз синфлари назарияси, муайян синтактик шаклнинг валентлик принципи асосида қўрилганлиги назарияси); Ю.К. Лекомцев (лингвистикада метатил назарияси); Т.П. Ломтев (синтаксис парадигматикаси¹⁴⁰); А.И. Смирницкий, Ю.Д. Апресян (структур лексикология); А.А. Зализняк, В.А. Звегинцев, Ю.С. Степанов, Б.А. Успенский, С.К. Шаумян, Н.Ю. Шведова, М.И. Стеблин-Каменский, Н.Д. Андреев, Р.Г. Пиотровский (морфология, фонология, морфонология); В.А. Бондарко (функционал-семантик майдонлар назарияси, функционал грамматика); В.С. Храковский, А.С. Герд, В.Л. Архангельский (фразеологияга структур ёндашув); В.В. Богданов (гапни семантика ва синтаксис жиҳатидан моделлаштириш); Г.Г. Почепцов (амалий синтаксис) ва ҳоказо.

XX аср йирик адабиётшуносларининг битта йўналишдан борганлари ҳам эътиборга молик. Улар диний маросимлардан тортиб то мифологиягача, психоанализ (З. Фрейд) дан то маданий-тарихийлик (М.М. Бахтин) гача бўлган қарашларни илгари сурган эди. Юқоридаги назария ва қарашларнинг ҳаммаси ушбу серқирра масалани қисман бўлса ҳам ёритиб бераолмаган.

б) тарихий жиҳат, яъни матн маданият ва тарихнинг бошқа ҳодисалари билан қандай муносабатда бўлиши мумкин, улар ўртасида ўзаро боғланиш мавжудми йўқми дегувчи масала. Маданий-тарихий тадқиқотлар, бевосита маданиятшуносликка оид амалиётларнинг кенг кўлами, компаративистика¹⁴¹, структурализм ва семиотика бўйича ишлар – буларнинг ҳаммаси гуманитар

¹⁴⁰ **парадигма** (юнон. *paradeigma* - намуна, андаза, қолип) – илмий амалиётнинг муайян босқичида мужассамланадиган, аниқ илмий тадқиқотни белгилаб берувчи назарий ва методологик асослар мажмуидир. Шунингдек парадигма муаммоларни танлаб олиш учун асос, ҳамда тадқиқот масалаларини ечиш учун намуна бўлаолади.

¹⁴¹ **компаративистика** (лот. *comparativus* - қиёсий) – 1) адабиётшуносликда: турли миллий адабиётлардаги адабий факт (мавзу, сюжет, услуб ва бошқ.) ларнинг айнан ўхшашлик, ўзвий боғлиқлик каби жиҳатларини тадқиқ қилиш; 2) тилшуносликда: қардош тиллар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик, ўхшаш жиҳатлар ва келиб чиқиш манбаси аниқлашга қаратилган қиёсий-тарихий услуб.

фанлар соҳасида олиб борилаётган тадқиқот шакллари тўғридан-тўғри ушбу масалага ҳавола қилади. Шу билан бирга матн ва этнос, матн ва сиёсат, матн ва ҳуқушунослик каби алоқаларни ўрганувчи йўналишлар ҳам қисман ушбу масалани кўриб чиқади.

7) ижтимоий–маданий жиҳат, яъни муайян маданият ва санъат негизида тадрижий ривожланган жамиятга тегишли матнлар қандай қилиб у ёки бу ижтимоий, этник, маданий гуруҳнинг қизиқишларини, гендер муносабатларини акс эттириши масаласи. Филологик тадқиқотларнинг назарий ва амалий тажрибалари синтези ушбу масалада муаммони аниқ қўйиш ва уни тадқиқ қилиш метод (тилшунослик, жамиятшунослик, маданиятшунослик адабиётшуносликка оид ва ҳоказо) лари билан белгиланади.

8) психологик жиҳат, яъни матн ва муаллифнинг онги (ғоя, ҳиссиёти, қизиқиши доираси), унинг бадиий тафаккури ўртасидаги ўзаро таъсир, ўзаро ҳаракат, ўзаро боғланиш механизми қандай ҳаракатланади, матн рецепция¹⁴²си таъйинлари нимадан иборатлиги масаласи.

Адабиётшуносликдаги биографик танқид, психологизм ва психоанализ асосида ёндашув, феноменология (Э. Гуссерль) асосида танқид, матнни идрок қилишга қаратилган турли-туман назариялар мустаҳкам методологик асосга эга бўлиб, ушбу масала билан яқиндан шуғулланади. Матнни турли нуқтаи назарлардан талқин қилиш фанлараро тадқиқотлар доирасига киришини ҳам таъкидламоқ зарур.

Бу ерда немис файласуфи Эдмунд Гуссерль (*Edmund Husserl*, 1859-1938) нинг феноменология таълимотига тўхталиб ўтмоқ лозим. Э. Гуссерль ва унинг шогирд (Л. Ландгребе, Э. Финк, К. Гёдель ва бошқ.) лари Г.В. Лейбниц, Р. Декарт, И. Кант, Ф. Брентано, Г. Фреге каби файласуфларнинг дунёқарашлари негизида XX аср фалсафасига катта таъсир кўрсатган субъективизм ва идеализм ғояларига асосланувчи йўналишга асос солиб, бевосита инсон онги ва тафаккури муаммосини тадқиқ қилган эдилар. Тадқиқот натижалари бўйича XX

¹⁴² **рецепция** (лот. *receptio* – қабул қилиш) – бошқа миллий адабиётда ёхуд бошқа тарихий даврда пайдо бўлган бадиий асарни идрок қилиш.

аср фалсафасида алоҳида “феноменология” йўналиши вужудга келди ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Э. Гуссерль дунёқарашлари, биринчи навбатда, гносеология (билиш назарияси, яъни борлиқни, дунёни билиш, унинг аниқлиги, манбаи ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот) га оид муаммолар мажмуига таянади. Гуссерль фикрича, билиш негизини “аниқлик”, “очиқ-ойдин кўриниб турган нарса”, “бевосита мушоҳада”, “синчков кузатув” ташкил қилади. Билиш назариясида, таъбир жоиз бўлса, “ўз-ўзидан кўриниб турганлик” мезонини Гуссерль “барча тамойиллар тамойили” деб атайди. Бошқача қилиб айтганда, гносеологик тадқиқот ҳар хил фарз ва тахминларни четга суриб қўйиб, дастлабки назарияларни рад этган ҳолда, фақат ўз-ўзидан кўриниб турган, бевосита кузатув натижасида аниқланган нарсаларгагина асосланиши лозим. Инсон онгида – асосий элемент сифатида – ҳиссий мушоҳада (идроқ, тасаввур ва ҳоказо) га алоҳида ўрин ажратилади; ҳиссиёт ҳамма нарсадан устун туради. Сабаби, айнан ҳиссиёт, ҳиссий тажриба онгнинг барча бошқа кечинма (қадрият, ижодиёт, ирода, хатти-ҳаракат ва ҳоказо) лари, жараёнларининг пойдеворини ташкил қилади. Айни пайтда идрок – бирламчи, у асосий тажрибага айланади, қолган ҳиссий мушоҳадалар эса – унинг ўзгарган кўринишларидир. Шу билан бирга, “ўз-ўзидан аён”, “аниқ-равшан кўриниб турган нарса” – бу нафақат ҳақиқатан мавжуд, реал нарсаларни ҳиссий тажриба орқали кузатиш, мушоҳада қилиш, балки моҳият, маъно-мазмунларни ҳам кузатиш, мушоҳада қилишдир. Шу тариқа, идеал объект, яъни моҳият, маъно-мазмун, мавжудотларни бевосита мушоҳада қилиш имконияти ва мавжудлилиги ҳам назарий жиҳатдан исботланади.

Э. Гуссерль таълимотида фалсафа баайни феноменология, яъни “бутун борлиқни ўз ичига қамраб олган бирлик”ка дахлдор жиддий фан сифатида талқин қилинади, айни пайтда у кенг маънода – ҳар қандай илмий билим, тор маънода эса – ҳар қандай илм-фаннинг негизини ташкил қилиши лозим. Феноменология – дескриптив (ингл. *descriptive* – тавсифий, тасвирий) фан бўлиб, ўз-ўзидан “аниқ-равшан кўриниб турганлик” тамойили ҳамда

феноменологик редукция асосида инсон онгида априори (фактларга асосланмаган тажрибада синалмаган, текширилмаган) мавжуд нарсаларни муайян системага солади, айни пайтда, аниқ, техник, табиий, ижтимоий, гуманитар ёхуд назарий ёки амалий бўлишидан қатъий назар, бошқа фанларга асосий тушунчаларни у ёки бу даражада тавсифлаб беради.

Феноменологик редукция (нем. *die phänomenologische Reduktion*) – Э. Гуссерль таълимотининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, аслида “соф онг” ва унинг феномен (ҳиссий тажриба орқали пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча) ларини таҳлил қилиш йўлида асосан танқидий ҳамда тавсифий функцияларни бажарувчи мақсад ва жараёнларни англатади. Филологияда редукция – (лот. *reducere* – камайтирмоқ) – муайян маълумот, моҳият, маъно-мазмун, масала, тушунча, тақлиф, қўшма гап ва мураккаб синтактик конструкция, фикр-мулоҳаза ва баҳс юритиш, исбот ва далиллар келтириш методларини бир жойга тўплаб, уларни ўзгартириш, аниқроқ қилиб айтганда, уларни соддалаштирган ҳолда аниқ таҳлил ўтказиш учун осонлаштиришни назарда тутувчи тадқиқий метод ҳисобланади.

Э. Гуссерль таълимотида инсон онги, дунёқараши, умуман унинг табиатига хос бўлган реалликка, объектив воқеликка, фактларга асосланган мавжудликка ишонишни четга чиқариб қўяётган, уни “мустасно тариқасида қўриб чиқаётган”, “қавс ичига олаётган” методологик жараён аслида тадқиқотчининг дунёқараши, тадқиқот йўлини белгилаш танловига боғлиқдир. Шу аснода, редукция – бу тадқиқотчи ишлаб чиққан дастури, кўзлаётган мақсади, “йўриқномаси”нинг ўзгариб туришидир. Э. Гуссерль фикрича, редукция нафақат феноменология, балки бошқа фан, масалан, физика, математика, биологияларга ҳам хосдир. Редукция – феноменологиянинг муҳим дастлабки босқичи – икки муҳим жиҳатга эга:

1) салбий, яъни объектив мавжудликнинг анъанавий таърифу тавсифларини, бинобарин – “реаллик”, “реал воқелик” хусусидаги назарияларни ҳам қатъиян рад этиш;

2) ижобий, яъни феноменологик редукция, аслини олганда, ҳаётий тажрибага “қайтиш”, “ўз-ўзини англаш” демакдир.

Хуллас, Э. Гуссерль феноменологияси, бошқа фанлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки филология, жумладан, структур тилшунослик ва адабиётшуносликка, улар доирасида олиб борилаётган тадқиқот методларига ҳам катта таъсир кўрсатди, десак янглишмаган бўламиз. Чунончи, XX аср биринчи ярми Ғарб маданияти ва санъати, хусусан, бадиий адабиётида экзистенциализм, сюрреализм, экспрессионизм, импрессионизм каби эстетик йўналишларнинг вужудга келиши бевосита Э. Гуссерль феноменологияси ривожланиши билан боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган жиҳат (Э.Гуссерль феноменологияси бундан мустасно – М.Х.) ларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу тарихий даврда долзарб бўлмаган. XX аср охирида ва XXI аср бошида гуманитар билимнинг тадрижий ривожига бевосита филология фани ёки унга яқин соҳалар доирасига кирувчи амалиётларнинг хилма-хиллигини, тадқиқот доирасига эса – бир қатор бошқа фанларга тегишли таҳлил услубларининг киритилиши каби мураккаб вазиятни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Моҳиятан ва мазмунан филологияга алоқадор фанлар ўз таъсирини бошқа соҳаларга тобора ёйярган, изчил ва мукаммал структура эмас, балки ўзигагина тегишли бўлган атамалар мажмуидан кенг фойдаланган ёндашув ва қарашлардан иборат, бир сўз билан таърифлаб бўлмас, улкан йўналишдек намоён бўлади.

V БОБ. МАТН, ИНТЕРМАТН ВА ИНТЕРМАТНЛИК

XX аср гуманитар билимнинг турли соҳалари (биринчи навбатда тилшунослик ва адабиётшунослик) да ҳар томонлама кўриб чиқилган, айти пайтда, комплекс тадқиқот, чуқур ва кенг таҳлил жараёнида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган тушунчалардан бири – бу, сўзсиз, *интерматнлик*дир. У, энг аввало, “матнлараро диалог” тарзида тушунилади. Аниқроқ қилиб айтганда, тор маънода – матн деб ҳар қандай матн, ва, кенг маънода – ҳозирги давр маданиятида вужудга келган мураккаб вазият тушунилгандагина интерматнлик назарда тутилади. Муайян замон ва маконда матнни бошқа матнлар билан боғлаш, бошқача қилиб айтганда, матнлар ўртасидаги узвий боғланиш, ўзаро муносабат мавжудлигига эътибор қаратиш нафақат замонавий санъат турлари, балки гуманитар фанлар доирасига кирувчи барча фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи омилга айланди.

Интерматн ва интерматнлик дейишдан аввал, филологияда *матн* атамаси ва тушунчаси нимани англатаётгани, умуман, “Матн – бу нима?” дегувчи саволга аниқлик киритиш лозим. Дастлаб, ушбу атама тилшуносликда чуқурроқ ўрнашиб олди. Тилшунос учун матн – бу ўзига хос хусусиятларга эга табиий тилнинг қўлланилишидир. Унга уйғунлик, равонлик ва тугал маъно касб этиш хосдир. Дарвоқе, “матн” (лот. *textus* – мато, тўқима, бирикма) атамасидан тилшунослик, адабиётшунослик, эстетика, семиотика, маданиятшунослик ҳамда фалсафада кенг фойдаланилади. Рус адабиётшуноси Ю.М. Лотманнинг таъкидлашича, матн “шубҳасиз, гуманитар туркумга кирувчи фанларда энг кўп қўлланиладиган атамалардан биридир. Фаннинг тадрижий ривож турли даврларда юзага шундай бир сўзларни чиқарадики, уларнинг илмий матнлардаги такрорланиш даражаси зарур бўлган бир маънолилиги йўқолиши билан вобаста кечади. Мазкур сўзлар атамашунослик жиҳатидан илмий тушунчани аниқ белгилабгина қолмасдан, балки муаммонинг ўта долзарблиги хусусида дарак беради, янги илмий ғоялар вужудга келувчи соҳани аниқ

кўрсатиб беради”¹⁴³. Хуллас, “матн” сўзи ортида бир-бирига чамбарчас боғлаганлигига қарамасдан, бир нечта турли хил маъно-мазмунлар турибди.

Матн ташқи, яъни унга боғлиқ бўлмаган жиҳат, чунончи, нутққа оид ҳамда нутққа боғлиқ бўлмаган реалликдан аниқ-равшан чегараланган; шу билан бирга матннинг чегараси очиқ-ойдин белгиланган. Оддийроқ қилиб айтганда, матн: а) минимал (бўлинмас) коммуникатив бирлик ҳисобланган гаплардан ташкил топади; б) бир-бирига ўзвий боғланган, мантиқан тўғри тузилган гаплар қаторини ҳосил қилади; в) яққол кўриниб турган, аниқ кўрсатилган бошланиш жойи (кириш, муқаддима, дебоча, сўзбоши) ва охири (ниҳоя, интиҳо, хотима) га эга бўлади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан олиб қараганда, матн тор ва кенг маънода тушунилади. Тор маънода матн – бу муайян маъно касб этувчи гаплар қаторининг лисоний ифодасидир; кенг маънодаги таърифи эса юқорида келтириб ўтилди. Дарҳақиқат, матн лингвистикаси деб аталмиш илмий-тадқиқий фан доирасида матн – лисоний бирликлардан ташкил топган, ўзига хос тарзда тузилган, муайян маъно касб этувчи нутқдан ҳосил бўлган (бадий асар – М.Х.) мураккаб концепт деб тушунилади.

“Матн” атамаси ва тушунчаси адабиётшуносликда кенг қўлланилади десак ҳеч нима демагандек бўламиз. Аслида эса, ушбу серқирра ва сертармоқ соҳада матн –бадий асарнинг лисоний ва нутқий ифодаси бўлиб, унда предмет ва образ (асар воқелиги) га тааллуқли жиҳат билан бир қаторда ғоявий-маъновий (бадий мазмун) соҳада алоҳида ажралиб туради. 1970-йиллар бошида Ю.М. Лотман назарий поэтика муаммолари хусусида фикр юритаркан, жумладан шундай ёзган эди: “Матн ва бадий асар – бир хил нарса дегувчи фикрдан қатъиян воз кечиш лозим. Матн – бу бадий асарнинг таркибий қисмларидан бири <...> бадий таассурот, умуман олганда, матнни ҳаётий ва ғоявий-эстетик тасаввурларнинг мураккаб комплекси билан қиёслагандагина вужудга келиши мумкин”¹⁴⁴.

¹⁴³ Лотман Ю.М. Избранные статьи: В 3 т. Т. 1. С. 148.

¹⁴⁴ Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста / Ю.М. Лотман; М.Л. Гаспаров. – СПб.: Искусство-СПб, 1996. – с. 24-25.

Ҳозирда адабиётшунослар баъзан адабий–бадий матн (нутқ бундан мустасно – М.Х.) “макон”ига ёзувчи тасвир ва тавсифлаган нарсаларни, ҳатто ифода этган ғоя, концепция, маъно, бир сўз билан айтганда, бадий мазмунни ҳам қўшишади. Бундай пайтда “матн” ва “асар” сўзлари синонимга айланади. Шунга нисбат бермасдан, адабиётшуносликда матн дейилганда, энг аввало, тор маънода нутқий, кенг маънода – лисоний бирликларнинг қатъий тартибга солинган изчиллиги, мантиқий кетма-кетлиги назарда тутилади. Шу сабабдан, хусусан, асарнинг асосий (биринчи даражали) матни ва асарнинг қўшимча (иккинчи даражали), яъни махсус тадқиқот предметиға айланган сарлавҳа, изох ва иқтибос, эпиграф ва бағишлов, муаллиф сўзбошиси, асар ёзилган санаси ва жойи ҳақида маълумот, шунингдек асарда иштироқ этувчи персонажлар рўйхати ҳамда драматик асар ремарка (муаллифнинг асар матниға берган тушунтириши, шарҳ) ларидан иборат матн алоҳида ажратилади.

Бундан ташқари, “матн” атамаси матншуносликнинг ҳам асосий предмети ҳисобланади. Филология фани доирасига кирувчи, нисбатан ёш бўлган ушбу соҳа доирасига фақат матнлар кираркан, улар яратилиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, яратилиш санасини аниқ белгилаш, асарни нашр эттириш тамойилларини аниқлаш, матннинг бир нечта варианты мавжуд бўлганида – асосий (дастлабки, намунавий, муаллиф қўлёзмасига, унинг кўрсатмасига биноан) матнни алоҳида ажратиш каби муаммоларни ҳал этиш жиҳатидан чуқур ва кенг тадқиқ қилинади.

Таъкидлаш жоизки, XX аср иккинчи ярмида матннинг мутлақо бошқа концепцияси пайдо бўлди ва филология доирасидаги бир қатор фанларда мустаҳкам ўрнашиб олди. Юқорида кўрсатилган матн хусусидаги тушунча ва тасаввурларни кескин рад этувчи янги концепцияни “денгизга ўхшаш бепоён” матн назарияси, ёхуд реаллик (объектив воқелик) ни ёппасига матнға мослаштириш, ёхуд матнға сиғдириш, ёхуд матнда “реалликни яратиш” концепцияси деб аташ мумкин.

Бу хусусда батафсилроқ тўхталайлик. Сир эмас, Маърифат даври (XVII аср охири ва XVIII аср) дан бошлаб тилға, аниқроғи, лисоний ҳодисаларға

жиддий эътибор қаратила бошланди. Маърифат асри (ингл. *The Enlightenment*; нем. *Zeitalter der Aufklärung*; франц. *siècle des Lumières*) дан бошлаб тилнинг репрезентатив (франц. *représentatif* – намунали, яққол кўрсатадиган, типик; бирор нарса ҳақида объектив тасаввур ёки тушунчани берувчи; бирор нарсанинг мажмуи, катта миқдорнинг намунаси) назарияси шаклланиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам у ўз долзарблигини йўқотмаган. Ушбу назарияга кўра, тил орқали ифодаланган (тавсиф, таъриф, акс эттирилган) реаллик онгга тақдим этилади. Бу ерда тил “ўтказувчи механизм”, тасвирий-ифодавий восита ролини бажаради. Ушбу жараёнда тил ўзининг аниқлигини, шаффофлигини ва нейтраллигини, универсаллиги ва объективлигини сақлаб қолади. Универсаллик ва объективлик тилнинг бирламчи, яъни белгиловчи хусусияти, маъновий ёки идеал жиҳати билан тўлиқ кафоотланади. Чунончи, айнан белгиловчи хусусият тилга реалликни объектив тарзда, ўзгартирмасдан, бузмасдан, аслидай акс эттиришга имкон беради. Тилнинг моддий томони эса – рамзий белги (знак) – худди иккиламчидек, худди ҳосиладек ушбу жараёндан чиқариб ташланади. Шундай экан, тилнинг белгиловчи хусусиятини устун қўйиш, уни бирламчи деб ҳисоблаш – айнан ўхшашликка, бир хилликка, умумийликка, бутунликка олиб келиши муқаррар.

Тил – реаллик ва тафаккур ўртасидаги нейтрал воситачи дегувчи ақидага асосланган тасаввур XX аср ўрталарида майдонга келган постмодернизмда қатъиян рад этилди. Тил – бу реалликка имманент (лот. *immanens* – ички хусусиятга хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган) нарса. Реаллик тилда ёки тил орқали ифодаланмайди, балки тил воситасида мураккаб структурани белгилайди, туб моҳияти ва мазмунини намоён қилади. Постмодернизм тилни эмас, балки матнни, ёзувни афзал деб топди. Гап реалликни матнга мослаштириш, матн маконига сиғдириш ёхуд матн орқали реалликни “яратиш” хусусида кетмоқда. Матн гетероген (келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил) белгилар ёрдамида тузилгани боис ҳеч қандай маъно англатмайди; бинобарин белгилар барча замонларга боғлиқ бўлган, барча даврларда истеъмолда бўлган модус (лот. *modus* – меъёр, усул – предметга

айрим ҳоллардагина хос бўлган хусусият) ларни ўзида мужассамлантирган. Ёзув (*écriture*) саҳнаси – бу “айнан шу ерда ва ҳозир” саҳнаси эмас, онг ва ўз-ўзини англаш майдони эмас, интенция ёки субъективлик майдони ҳам эмас. Ёзув саҳнаси – бу белгиларнинг беҳад кўп такрорланиши – ўрнига қўйилиши ва тўлдирилиши майдонидир. Бу майдонда сўзларнинг маъносиз, бефойда ўйини ягона қоидага айланади. Фақат ёзув макони ичида олдиндан тасаввур қилиб бўлмас реаллик билан “учрашиш” мумкин. Шу тариқа, реалликни матн ичига сиғдириш, матн орқали эътироф қилиш, қолаверса матнда реалликни барпо этиш нуқтаи назаридан олиб қараганда, “реаллик”, “қайта тақдим этиш”, “ҳақиқат” каби анъанавий фалсафий категориялар ўринсиз бўлиб қолади.

Ушбу бир қарашда мавҳум, жиддий разм солиб қараганда эса – ақлга сиғмайдиган, умуман тушуниб бўлмайдиган ғояларни илгари суришда ўз даврида француз постструктурализми етакчилик қилган. Француз постструктурализмининг йирик вакили, деконструкция назарияси асосчиси Ж. Деррида берган интервьюларидан бирида: “Мен учун матн чексиз. Бу мутлақ бутунлик. Матндан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Матн – оддийгина нутқий ҳаракат эмас, қолаверса тил ва нутқнинг бир шакли ҳам эмас. Фараз қилайлик, мен учун стол – бу матн. Мен ушбу столни қандай қилиб идрок қилсам, уни қай даражада тушунсам, шундайлигича идрок қиламан; у ўз-ўзидан мен учун матндир”¹⁴⁵, деган эди. Кўринадики, инсон идрок қилган жамики нарса (ҳодиса, воқеа, хусусият, предмет, белги, ҳаракат ва ҳоказо) лар бу ерда Матн деб номланади.

Шу билан бирга объектив воқеликда, реал ҳаётдаги мавжуд барча нарсаларнинг умумий йиғиндиси, мажмуаси ҳам “матн” деб номланиш тенденцияси мавжуддир. Масалан, Тарту-Москва семиотика мактаби вакили Р.Д. Тименчик (1945 туғ.) ўз вақтида: “Бизнинг ҳаётимиз матн бўлмаса, унда нима?”¹⁴⁶, дегувчи саволни кўндаланг қўймаганида, эҳтимол, биз матн назариясининг асосий ғоясини бугунги кунда ҳам тушунмаган бўлар эдик.

¹⁴⁵ Интервью с Жаком Деррида // *Arbor Mundi / Мировое древо*, 1992. Вып. 1. – М.: Мировое Древо, РГГУ ИВГИ. - с. 74.

¹⁴⁶ Тартуско-московская семиотическая школа глазами ее участников // Ю.М. Лотман и тартуско-московская семиотическая школа. М., 1994. - с. 301.

Ҳақиқатдан ҳам, XX аср охирида матнни чегара билмас структурадек тушуниш филология илмида мустаҳкам ўрнашиб олди. Р. Бартнинг “филология кашфиёти” мақомини олган тадқиқотлари, унинг ҳамфиكري ва издоши Ж. Дерриданнинг тилшунослик ва адабиётшуносликка доир тадқиқотлари – бунинг яққол мисолидир. Филолог ва эссеавис Ж. Деррида бадиий матн ва бадиий асарни бир-бирига қарама-қарши қўяркан, улар ўртасида қатъий, бузиб бўлмас чегарани ўрнатади. Классицизм тамойилларига асосланган (модернистик бўлмаган – М.Х.), аниқ маъновий негизга эга ҳамда муаллиф позициясини ўзида мужассам этувчи асарлар матнига Ж. Деррида ётсираб қарайди, уларга истехзоли муносабатда бўлади. Р. Барт фикрича, классик матн ҳийла-найранг ва ноз-ишвали муносабатлар, шунингдек муғомбирлик ва айёрона ҳаракатларни тасвирлашга мойиллигини намойиш қилади, модомики, ҳеч қандай асосга эга бўлмай туриб, шубҳасиз аниқ, мукамал, бир бутун яхлит шакл тарзида намоён бўлади. Қолаверса, бу борада Бартнинг унданда кескин, заҳарханда фикри бор: “...ҳаёт классик матнда бир-биридан кескин фарқ қилувчи сохта ва сунъий фикрлардан ҳосил бўлган қўланса ҳидли балчикқа, кўнгилни беҳузур қилувчи ювунди ўрага, чайланавериб сийқаси чиққан ҳақиқатлардан тўқилган, нафасни буғувчи қуроқ кўрпага ўхшайди”¹⁴⁷.

Ролан Барт таъкидлаганидек, замонавий матнларда тил “гапиради”. Бу ерда персонаж ва муаллиф овозлари учун жой йўқ. Муайян позиция соҳиби бўлмиш Муаллиф ўрнига Скриптор (“ёзаётган киши” маъносида) келади, у фақат ёзув жараёнида пайдо бўладида, матн ёзилганидан сўнг ном-нишонсиз йўқолади. Бу каби Матн (Бартда бош ҳарфда ёзилади – М.Х.) асарни бутунлай “майдондан четлатади”. Бундай Матн негизини кимнингдир (шахсий) нутқи эмас, балки ўқувчи, шу жумладан адабиётшуносга ҳам, бир олам хурсандчилик етказувчи, ҳузур-ҳаловат бағишловчи ўйин шаклидаги (шахсиз) ёзув ташкил қилади. Барт наздида, “Матн ўқувчисини беташвиш, шодон одамга ўхшатиш мумкин; у матн бўйлаб сайр қилади”¹⁴⁸.

¹⁴⁷ Барт Р. S/Z. М., 1994. с. 227.

¹⁴⁸ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 417, 515.

Айни пайтда, матн азалдан ўзига хос бўлган барқарорлик, ички мувозанат, структуравий қисмларнинг ўзаро тенглиги, уйғунлиги ва изчиллиги каби муҳим хусусиятларни йўқотади. Эндиликда у ҳар бир янги ўқилишда, ҳар бир янги идрок қилинишда янгитдан пайдо бўлувчи, бутунлай ўқувчига тегишли, унинг изму ихтиёридаги ва муаллиф иродасига қарамасдан ҳар сафар янгитдан яратилаётган Матндек намоён бўлади.

Бизнингча, асрлар оша шаклланиб, такомиллашиб келаётган илмий ва бадиий анъаналар билан алоқани узишга тайёр бўлмаган фан учун, “матн” атамасини хоҳлагунича, бировнинг таъбига қараб ўзгартириш, вужудга келган вазиятга мослаштириб “авра-астарини ағдариш” мақсадга номувофиқдир. Шу боис матн структураси тушунчасига кенгроқ тўхталмоқ лозим, деб ўйлаймиз.

Матн структураси филологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида тилшунослик ва адабиётшуносликда кенг қўлланиб келинади. Масалан:

– тилшуносликда *структура* атамаси барча мураккаб маъновий бирлик (*сўзнинг товуш ва морфема структураси, гап структураси, матн структураси*) ларни, шунингдек, тилнинг барча сатҳларида *лексик, морфологик ва синтактик* структурани ифодалайди; бундан ташқари, тилнинг алоҳида жиҳатларига мувофиқ равишда *нутқий фаолият структураси, жанр ва стилистикага оид структураси*, умуман – *тил структурасини* тавсифлайди. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимиздек, тил ва унинг бирликларини ўрганувчи махсус – *структур тилшунослик* фани мавжуд. Унда тил белгилар системаси, тил элементлари ўртасидаги муносабатлар мажмуи дея талқин қилинади.

– адабиётшуносликда ўтмиш ва ҳозирги давр маданияти негизида ётган бадиий тафаккурни аниқлаш, таърифлаш ва тавсифлашга қаратилган структур йўналиш ишлаб чиқилган бўлиб, унда матн ичидаги алоқалар аниқланади, бадиий архетип¹⁴⁹ муаммоси кўриб чиқилади, парчанинг матн билан, матннинг матн системаси билан ўзаро муносабати тадқиқ этилади.

¹⁴⁹ **архетип** – фольклор ва адабий асарларда тез такрорланувчи мавзу, сюжет, образ ва хоказо. Адабиётшуносликда “архетип” истилоҳи турлича талқин қилинади. Масалан, адибнинг ўзига хослиги (Шекспир хусусида “шоирнинг архетипи” дейилади); “азалий ва абадий образлар” (Дон-Жуан, Дон-Кихот,

Рус адабиётшуноси В.С. Баевский фикрича, “бадий асар структураси – бу ўзига хос ноёб “тузилма”, бадий матн элементларининг ўзаро муносабати, бинобарин улардан биттасининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига ҳам олиб келади”¹⁵⁰.

Демак, матн структураси – бу матн мазмуни намоён бўлишининг шакли, унга муайянлик, қатъий тартиб, қисмларга бўлиниш ва яхлитлик хосдир. Таркибий қисмларининг ўзаро боғланиши жиҳатидан *оддий, мураккаб, ўта мураккаб* матнлар ажратилади. Шунингдек матннинг *ички* ва *ташқи* структураси кузатилади. Бундан ташқари матннинг тилга оид турли структуралари мавжуд: а) *морфологик, синтактик, лексик, сўз ясовчи*; б) *ассоциатив*; в) *мантикий*; г) *композицион*; д) *концептуал* ва ҳоказо.

Матн структурасининг негизини ташкил қилувчи тамойиллар сифатида: а) умумий маънони ташкил этувчи тамойил; б) муаллифнинг бадий нияти; в) муаллиф образи кўриб чиқилади.

Жаҳон, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида олиб борилган лингвистик тадқиқотларга кўра, интерматнлик ҳар бир матнга хосдир, ўз ўрнида ҳар бир матн ҳам интерматндан иборат дегувчи ғоя ҳам ўз тасдиғини топди. Интерматнлик ва интерматн тушунчалари, ўз ўрнида, матн бир хил эмаслигидан, унинг гетероген таркибидан, ҳар хил матн турларидан ташкил топганлигидан далолат беради. Матн бошқа матнлар қуршовида, улар билан ўзаро таъсир, ўзаро боғлиқлик, ўзаро алмашинув, ўзаро бойитиш, бир-бирини тақозо этиш, бир-бирига сингиб кетиш доирасида ҳаракатланади. Матн ўз ичига узоқ ва яқин ўтмишда яратилган асарларнинг матнларини қамраб олади, шунингдек бошқа матнлар ичига ҳам англаган ёки англамаган ҳолда қўшилиб кетади. Бундан ташқари, матннинг динамик (ўзгариш, ривожланиш суръати, ҳаракат ва ўзгаришларга мойиллик) хусусияти тадқиқотларда ўз исботини топди, яъни матн – бу муаллиф асосий ғоя ва фикрининг амалга

Ҳамлет, Фауст – булар “образ архетипи”; “қаҳрамон турлари” (Она ва бола, Ота ва уғил архетипи); “образлар” (табiiй тимсоллар – кизил гул, денгиз, виқор тоғ ва ҳоказо). Типологик барқарорлик ва умумлаштириш бадий архетипнинг асосий хусусиятларидан саналади.

¹⁵⁰ Баевский В.С. Структурализм // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – с. 426-427

оширилишга ҳамда адресант ва адресат ўртасида муносабат ўрнатишга йўналтирилган, тўхтовсиз ҳаракатланаётган, ривожланаётган тизимдир. Ҳаракатланиш, ривожланиш хос бўлган матнни, қайсидир бир жиҳатдан жонли организм билан таққослаш мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, матнларнинг жонли дунёси инсон дунёсига паралелль равишда азалдан яшаб келмоқда. Бироқ, айти пайтда, матн мустаҳкам истехком, барқарор қурилмадир. Матн хошиялар ўртасидаги маконда мустаҳкам ўрнашиб олган. Матннинг жўшқин ҳаракатга ва ўзгаришларга мойиллиги, тадрижий ривожланиб бораётган моҳият ва мазмунига қарамасдан, қайси унсурлари уни устувор қилади, бирдек туришини таъминлайди ёки турғун мувозанатда сақлайди, деган савол туғилиши табиий. Қуйида ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Биз, матн тадқиқотида оид замонавий ёндашувларни, уларнинг таърифларини таҳлил қилиш билан матн функцияларини аниқлашга, интерматн ва интерматнлик тушунчаларини тавсифлашга, ва ниҳоят, матннинг турғун ва доимий хусусиятларини тақозо этувчи турғун категорияларини бирма-бир белгилаб чиқишга уриниб кўрамыз.

Биринчи навбатда, матннинг интерматнлик билан боғлиқ бўлган асосий функцияларини кўриб чиқайлик.

Агар сўз – бу тил бирлиги бўлса, у ҳолда матн – коммуникация (алоқа, фикр алмашинув) бирлигидир. Сўзлар муайян маънога, матнлар эса муайян мазмунга эга. Ўқувчи, сўзлар маъносини била туриб, уларни контекстдан англаб олади, тушуниб етади, яъни тасаввурида муайян мазмунлар ҳосил қилади. Маъно ва мазмунларни англаш – матнни тушуниш демакдир. Матнни ўқиш жараёнида сўзлар маъносидан қанчалик кўп мазмунларни ҳосил қилсак, шунчалик кўпроқ ўзимизни “маданийлаштирамыз”. Бу матн функцияларидан биридир. Интерматнликни ҳар бир матннинг, айтиқса замонавий матнларда яққол ифода этилган ажралмас қисми деб олсак, шундай бир ҳулосага келамизки, замонавий матн ўзида қанчалик кўп асарларни акс эттирса, шунчалик китобхонни “маданийлаштириш” салоҳиятига эга бўлади. Лекин,

танганинг иккинчи тарафи ҳам бор, етарлича “маданийлашган”, ақл-заковатли китобхон матнларни тушуниш ва англаб олиш қобилятига эга ҳам бўлади.

Австриялик файласуф Л.Витгенштейн (*Ludwig Wittgenstein*, 1889-1951) фикрича, матннинг бошқа, яъни “у ёки бу йўсинда кишилар маънавиятига, одоб-ахлоқиға, феъл-атвориға, хатти-ҳаракатларига таъсир этиш” функцияси ҳам мавжуд. Бундан ташқари, тадқиқотлар натижасидан маълум бўлишича, матн нафақат ўқувчиларға, балки муаллифға ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Онгли равишда (аниқ тушунган ҳолда) ёки англаб етмаган ҳолда (ғайришуурий равишда) муаллиф олдинги, анча илгари яратилган матнға таянади, ўз ишида унга мурожаат қилади. Тилға таъриф бературиб, Л.Витгенштейн қуйидаги фикрни билдиради: “Тил – бу чигаллашган йўллар тизмаси. Бир тарафдан яқинлашганингда, чиқиш йўли қаердагилени аниқ билган бўласан. Ўша жойға бошқа тарафдан яқинлашганингда эса, чиқиш йўли қаердалигини энди умуман билмай адашиб қоласан”. Бу фикр матнға ҳам тўғри келади. Матнни, гўё “кўҳна шаҳарнинг эгри-бугри, чалкаш тор кўча ва майдонлари, эски ва янги уйлар, турли даврларға мансуб иморат ва биноларға ўхшатасан; уларнинг ҳаммаси батартиб жойлашган, тўғри ва равон кўча ҳамда стандарт кўп қаватли уйлар қурилган янги даҳалар билан қуршаб олинган”¹⁵¹.

Бундан ташқари, бу фикр бадий асарни гўё интерматндек талқин қилишға ўхшайди, ушбу интерматнда бошқа матнлар кесишган нуқтаси мавжуд, бу нуқтада ҳеч бўлмаганда яна бир матнни ўқиш мумкин¹⁵².

Интерматн концепцияси матн бирлиги, яхлитлиги ва муайян системаға асосланганлиги хусусида шаклланган тасаввур ва тушунчаларни чиппакка чиқаришға қаратилган. Интерматн, таъбир жоиз бўлса, матн чегараларини олиб ташлайди ёхуд кенгайтиради, матн структурасини қайсидир бир жиҳатдан бўшаштиради, уни ўтказувчан, маъно ва мазмунға оид шаклини эса ўзгарувчан ва ноаниқ қилади.

¹⁵¹ Витгенштейн Л. Избранные философские работы / Пер. с нем. и англ. В. Руднева. - М.: Издательский дом “Территория будущего”, 2005. – с. 144.

¹⁵² Косиков Г.К. Идеология. Коннотация. Текст (по поводу книги Р. Барта *S/Z* // Барт Р. *S/Z* / Перевод Г.К. Косикова и В.П. Мурат. Общая редакция, вступит. статья Г.К. Косикова. – М.: Ad Marginem, 1994. - С.277-302.

Матнга киритилган дискурс ёки дискурсив (мантикий фикрлашга асосланган) жиҳатлар унга кўшимча маъно ёки мазмун бағишламайди, балки ўзаро кесишиб, бир-бирининг таъсирини кучсизлантиради. Дискурс хусусида тўхталадиган бўлсак, дискурс (лот. *discursus* – нутқ, фикр-мулоҳаза, далил-исбот, суҳбат) – бу нутқ орқали билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг ижтимоий жиҳатдан боғланганлигини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган тушунча. Ушбу атама билан матннинг бевосита ўқувчи ёки тингловчига йўналтирилган илмий, фалсафий ёхуд бошқа муҳим концепциялари белгиланади. Дискурс сўз ва маъно, белги ва мазмун, билим ва унинг сўз орқали ифодасининг бирлигини англатади, ушбу бирлик фақат одамлар ўртасидаги алоқа, муносабат, суҳбат жараёнида муайян маъно касб этади. Бундан ташқари, дискурс – бу ўзаро ҳаракатланаётган, бир-бирига таъсир ўтказётган ижтимоий ва сиёсий субъектларнинг ҳар хил позиция, дастур, ғоя ёхуд мафкураларини асослаш, таққослаш, муҳокама қилишга қаратилган нутқий коммуникация кўринишларидан биридир. Яна бир муҳим жиҳати, дискурс – бу олдинлари билдириб ўтилган фикр, мулоҳаза, дунёқараш, нуқтаи назарлар замирида тушунчага ёхуд мантиққа асосланиб исботлаб бериш жараёнидир.

Таъкидлаш лозимки, интерматн тушунчаси рус тилшуноси Н.Н. Белозёрованинг “Интегратив поэтика” (1999) китобида батафсил таҳлил қилинган, интерматн ва интерматнлик атамаларининг қуйидаги таърифи келтирилади: “Интерматнлик, эҳтимол, бадиий матнни тавсифлаш учун асосий омилдир: шундай бир ўзаро алоқа ва муносабатлар, шарт-шароитлар ва тахминлар, фараз ва назариялар борки, улар асосида матнга хос бўлган хусусиятлар аниқланади. Муҳокамадан ўтаётган матн ва бошқа матнлар ўртасида алоқа ва муносабатларни аниқлаш учун қўлланадиган атамалар мажмуи бевосита адабиётшуносликка ёхуд тилшуносликка тегишли бўлиши мумкин, бироқ улар орасида “интерматн” атамаси ҳаммасидан кўра аниқроқдир”¹⁵³.

¹⁵³ Белозерова Н.Н. Интегративная поэтика. Тюмень: ТГУ, 1999. 208 с.

Француз олимаси Юлия Кристеванинг “Бахтин, сўз, диалог ва роман” (*Bakhtine, le mot, le dialogue et le roman*, 1967) номли илмий рисоласида илк бор тақдим этилган “интерматн” ва “интерматнлик” атамалари, ўз ўрнида, рус адабиётшуноси М.М. Бахтиннинг “Оғзаки бадий ижодиётда мазмун, материал ва шакл муаммоси” (1924) рисоласида ҳар томолама ишлаб чиқилган диалог концепциясини кўриб чиқиш, қайта англаш замирида пайдо бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Ю.Кристева фикрича, “интерматнлик” деб алоҳида олинган матн ичида мавжуд тагматн (контекст) нинг матнга доир интеракциясини тушунмоқ лозим. Демак, билиб олаётган субъект учун интерматнлик матн тарихини ўқиб бориш ва тарихга ёзиб бориш услубининг нишонасидек намоён бўлади¹⁵⁴.

Ролан Барт ўзининг “Матндан роҳатланиш” (*Le plaisir du texte*, 1973) номли рисоласида келтиришича, “ҳар бир матн интерматн сингари юз беради; бошқа матнлар унинг ичида турли даражаларда иштирок этади. Ҳар бир тарихий матн эски жумлалар, парчалардан тўқилган янги мазмунда намоён бўлади. Маданий кодларнинг, ҳар хил формулаларнинг, ижтимоий идиомаларнинг узук-юлуқ парчалари, чала-ярим қисмлари – буларнинг барчасини матн ўз ичига сингдириб, ўзлаштириб олган ва улар матн ичида аралаштириб ташланган, чунки ҳар доим матнгача матн атрофида тил мавжуд бўлади. Чунки интерматнликни манба ва таъсир муаммосига олиб бориб тақаш хатодир; интерматнлик қўштирноқ белгисисиз келтириляётган ғайришуурий ёки автоматик жумлалар ва иборалар, келиб чиқиши амри маҳол бўлган аноним формулаларнинг умумий майдонини касб этади”¹⁵⁵.

Ю.М. Лотман (1922-1993) фикрича, интерматнлик “матн ичидаги матн” муаммосидек тушунилиши лозим¹⁵⁶. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, “интерматнлик” атамаси XX асрнинг 60-йилларида адабиётшунослик

¹⁵⁴ Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман // Диалог. Карнавал. Хронотоп, 1993, № 4. с. 427-457.

¹⁵⁵ Барт Р. Удовольствие от текста / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. с. 462-518.

¹⁵⁶ Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. – С. 14 – 285.

парадигмалари тизимида кечган ўзгаришлар замирида ўтказилган тадқиқотлар доирасида вужудга келган эди.

XXI аср адабиётшунослиги нуқтаи назаридан қараганда, интерматн – модернизм ва постмодернизм адабиётида бадиий матннинг ягона тузилиш усули ва асосий шакли бўлиб, мантикий равишда “матн бошқа матнлардан олинган цитата ва реминисценциялардан тузилади” дегувчи ғоядан келиб чиқади. Юқорида таъкидланганидек, “интерматн” ва “интерматнлик” (франц. *intertextualité*) атамалари 1967 йил Ю. Кристеванинг “Бахтин, сўз, диалог ва роман” мақоласида илк бор қўлланди. Бу ерда М.М. Бахтин ғоялари, айниқса “бегона сўз” концепциясининг таъсирини инобатга олиш лозим. Сабаби, Ю. Кристева рус адабиётшунослигида формализм мактаби тарихи ва рус формализм назариясига бағишланган тадқиқотини бошлаганида, бевосита М.М. Бахтин фикрларига таянган эди. Айнан изланиш жараёнида у ўзининг интерматнлик концепциясини ишлаб чиққан бўлса ажаб эмас.

Дарҳақиқат, интерматнлик (лот. *inter* – орасида и *textst* – матн) – постмодернизм адабиётининг асосий хусусиятларидан биридир. Интерматнлик концепцияси “Муаллиф ўлими” (Р. Барт) концепцияси, батафсил қилиб айтганда, муайян муаллиф томонидан яратилган матннинг аниқ ва мавҳум аллюзияларда “кўринмай қолиши”, “қорилиб кетиши” (яъни бадиий усул: муаллифнинг тўлиқ англанган ҳолда ҳаммага маълум бўлган адабий ёки тарихий фактга, шунингдек машҳур бадиий асарга тўғридан-тўғри ишора қилиш); реминисценция (яъни бошқа матнга яширинча ҳавола қилиш, ўқувчини мазкур матн “изига солиб юбориш”, ушбу матнни эслашга “мажбур қилиш”, қолаверса ўқувчи ассоциациясига умид боғлаш); цитата (яъни бошқа матнлардан олиниб муаллиф матнида келтирилган парча); маданий ва адабий ўзаро ўхшашликларга таяниш концепцияси билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай қилиб, айрим матнлар доим “диалогга киришади”, “бир-бирига ҳавола қилишади” ва биргалашиб гиперматннинг бир қисмига айланади.

Ролан Барт ушбу ҳодисанинг моҳиятини қўйдигича таърифлайди: “Ҳар бир матн – бу интерматн; унда турли сатҳларда маълум даражада таниш ёки

нотаниш шаклларда бошқа, яъни олдинги маданият матнлари ва атрофдаги маданият матнлари мавжуд бўлади; ҳар бир матн истеъмолда бўлган эски цитаталардан тўқилган янги матони ҳосил қилади”¹⁵⁷.

Бу ерда “Асар – бу нима?” дегувчи савол туғилиши табиий. Р. Барт фикрича, асар – матннинг тўғридан-тўғри карама-қаршилиги, унинг аксидир. Бу – муайян маъно касб этувчи *монада* (юнон. monados – бирлик), тугалланган семантик *структура*, метиндек мустаҳкам *истеҳком*, турғун мувозанатдаги *архитектоника*, муаллифнинг ягона бадий нияти замирида марказлаштирилган бир бутун яхлит *инишоот*. Асар – бу телеология тамойилларига асосланган конструкция, инсон ижодий фаолиятининг тайёр маҳсулоти бўлиб, унда “ички шаклланиш (вужудга келиш, қарор топиш) нинг белгилари йўқ қилинган, “ўчириб ташланган” (Ж. Деррида), у адресат (ўқувчи) га таъсир этиш мақсадида ташкил қилинган, қолаверса бу коммуникация учун мўлжалланган фикр-мулоҳазадир¹⁵⁸.

Бу ерда “монада” тушунчасига аниқлик киритиш лозим. Монада немис файласуфи Г.В. Лейбниц (*Gottfried Wilhelm Leibniz*, 1646-1716) фалсафасидаги асосий тушунчалардан бири бўлиб, унинг асосида “монадология” деб номланувчи таълимот яратилди.

Фалсафа, математика, физика, механика, ҳуқуқшунослик, тарих, тилшунослик фанларига тааллуқли кашфиётлар яратган олим Г.В. Лейбниц XVII аср фалсафасига якун ясабгина қолмасдан, немис классик фалсафасидаги инкишофлар замирида монадология таълимотига ҳам асос солди. У шунингдек анализ ва синтез хусусидаги таълимотга янгича руҳ бағишлади, илк бор етарли асослар қонуни таърифини тузди. Бироқ, ушбу қонунга у фақатгина мантиқий (яъни тафаккурга тааллуқли) эмас, балки онтологик (яъни борлиққа тааллуқли) маъно ҳам бераркан: “... нега вазият айнан шундай, бошқача эмас... <...> бун

¹⁵⁷ Barthes R. Texte (théorie du) // Barthes R. Œuvres complètes. Т. II. – Р.: Seuil, 1994, p. 168.

¹⁵⁸ Барт Р. От произведения к тексту // Барт. Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс. 1989. с. 380.

асослаб берилмагунича, умуман, етарлича асоссиз бирорта ҳодиса ҳақиқий, бирорта фикр ҳаққоний бўлолмайди...”¹⁵⁹, деб таъкидлайди.

Лейбниц айният қонунининг (бугунги кунда ҳам у қўлланиб келинади – М.Х.) таърифини тузган. У “модель” атамасини илмий истеъмолга киритди. Инсон мияси функцияларини машина орқали моделлаштириш имконияти хусусида ҳам фикр билдирган эди¹⁶⁰. Лейбниц энергиянинг айрим турлари бошқа турларга айланиши ҳақидаги ғоя (энергиянинг айланиш ва сақланиш қонуни – М.Х.) ни биринчи бўлиб билдирди, физиканинг энг муҳим – “энг кам ҳаракат тамойили”ни – таърифлаб берди, қолаверса физиканинг махсус соҳаларида қатор кашфиётлар яратди. У биринчи бўлиб немис историографияси¹⁶¹ соҳасида соф лингвистик муаммоларнинг бевосита генеалогия¹⁶² билан ўзаро алоқадорлигига эътибор қаратди, тилларнинг тарихан келиб чиқиши назарияси ва генеалогик таснифини яратди, шу билан бирга, у немис фалсафий ва илмий лексиконини яратувчилардан бири ҳисобланади. Айнан Лейбниц органик (жонли) системалар яхлитлиги ғоясини, органик асос механик асосга айланмаслиги тамойилини кўтариб чиқди, ва, энг муҳими, Ер эволюцияси хусусидаги фикрни билдирди¹⁶³.

Хуллас, Лейбниц таърифича, монада – бу бирламчи оддий (бўлинмас) фаол субстанция¹⁶⁴, у руҳий-маънавий табиатга эга бўлиб, бутун дунёни идрок қилади ва ўзида акс эттиради. Монадалар сон-саноксиз кўп, ва уларнинг ҳаммаси бир-бирига нисбатан олдиндан белгиланган гармония (уйғунлик, ҳамоханглик) да бўлади. Монадаларнинг руҳий-маънавий табиати ўзаро таъсир, ўзаро ҳаракатга йўл қўймайди, боиси улар ўртасидаги уйғунлик Худо олдиндан белгилаган ўзаро мувофиқлик, монандликка асосланади. Обьектив идеализмнинг ғоя ва тамойилларига асосланган классик таълимот бўлиб,

¹⁵⁹ Лейбниц, Г.В. Избранные философские сочинения. – М., 1988. – с. 347.

¹⁶⁰ Блинников Л. В. Великие философы. М., 1997. – с. 432.

¹⁶¹ **историография** – 1. тарих илми таракқиётини ва тарих манбаларини ўрганувчи фан; 2. маълум бир давр ёки масалага оид тарихий асарлар мажмуи.

¹⁶² **генеалогия** – 1. насл-насаб, шажара тарихи; 2. тарих фанининг айрим уруғ, қабила тарихини, насл-насабинини ўрганадиган бўлими.

¹⁶³ Петрушенко Л.А. Лейбниц. Его жизнь и судьба. М.: Экономическая газета, 1999. – с. 600.

¹⁶⁴ **субстанция** *фалс.* – 1. доим ҳаракатланиб, ўзгариб, ривожланиб турувчи материя, бутун борлиқнинг бирламчи асоси; 2. туб моҳият.

Лейбниц монадологияси табиатга диалектика¹⁶⁵ нуктаи назаридан қарашнинг оммалашувида муҳим роль ўйнади. Унда нарсалар ўзаро алоқадорлигининг умумий тамойили, табиат қонунларининг бир хиллиги, ўхшашлиги тамойили, энергиянинг айланиш ва сақланиш қонуни, умумий ўзгарувчанлик ва ўз-ўзидан, ички ривожланиш ғоялари каби муҳиф фикр ва ғоялар илгари сурилган эди.

Юқорида таъкидланганидек, Лейбниц таълимотига кўра, дунё (табиат, объектив воқелик, қолаверса наботот ва ҳайвонот олами – М.Х.) даги мавжуд ҳодисалар ёки феноменлар негизини оддий субстанция ёхуд монадалар ташкил қилади. Барча монадалар оддий ва қисмларга бўлинмайди. Улар бениҳоят кўп. Монадалар бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эга, иккита бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш монадалар йўқ. Ушбу жихат феноменлар дунёси хилма-хил ва ранг-баранг бўлишини таъминлайди. Дунёда бир-бирига мутлақо ўхшаш монада ёки бир-бирига мутлақо ўхшаш нарсалар йўқлиги ғоясини Лейбниц, “умумий тафовут”, айти пайтда “фарқлаб бўлмайдиган нарсаларнинг айнан ўхшашлиги” тамойили деб таърифларкан, шу тариқа диалектиканинг асосий ғоясини кўтариб чиқди. Лейбниц фикрича, монадалар, ўз-ўзини англаш сабабли ўз мазмун-моҳиятини очаркан, мустақил ва фаол кучга айланади, ва, ўз навбатида, моддий нарсаларни ҳаракатга келтиради. Монадалар ақл-идроқ орқали англаб, тушуниб бўладиган дунёни ташкил қиларкан, бу дунё (моддий) дан феноменлардан ташкил топган дунё очилади¹⁶⁶. Бундан келиб чиқадики, матн ҳам – ўзига хос монададир.

Интерматнлик нуктаи назаридан олиб қараганда, дунё улкан бир матндек намоён бўлади, унда барча нарсалар қачонлардир айтиб бўлинган, янги нарса эса – фақат муайян элементлар айрим комбинацияларда қоришгандагина намоён бўлиши мумкин¹⁶⁷. Рус файласуфи ва филологи, Нью-Йорк университети профессори М.Б. Ямпольский (1949 туғ.) нинг таъкидлашича, интерматнлик назарияси уч манба, яъни Ю.Н. Тиняновнинг пародияга бағишланган тадқиқотлари, М.М. Бахтиннинг полифония (кўп овозлилик)

¹⁶⁵ *диалектика фалс.* – ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот, шунингдек, ҳаракат ва ривожланишнинг ўзи.

¹⁶⁶ Лейбниц Г. В. Сочинения в 4-х томах. Том 1. – М.: Мысль, 1982. – с. 413-429.

¹⁶⁷ Ильин И. П. Постмодернизм: словарь терминов. – М.: ИНИОН РАН; INTRADA, 2001. с. 103.

концепцияси ҳамда структур тилшунослик асосчиси Ф. де Соссюрнинг анаграммалар назариясига асосланади¹⁶⁸.

Ю.Н. Тинянов интерматнлик назариясига пародия жанрини ўрганиш орқали ёндашади. У, пародияда бадиий системаларни янгилашнинг фундаментал тамойилини кўраркан, бу тамойил олдинги матнлар трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш, ўзгартириш) сига асосланган деб ҳисоблайди. Пародия икки кўринишли матндек намоён бўлади, олим таъбири билан айтганда, ушбу матн орасидан олдинги матн шундоқ кўриниб туради. Аслида, пародиянинг туб моҳияти ва асосий маъноси олдинги аъназалар билан таққослаганда, ўзаро муносабатни аниқлаганда, яъни тақлидан ёзилган матнни ўқиганда юзага чиқади. Айни пайтда олим интерматнликка асосланган муносабатларнинг икки, яъни стилизация (бирор услубга солиш, келтириш ёки унга монанд, ўхшатиб асар яратиш) ва пародия (ҳазил ёки ҳажвий тарзда бошқа асарга тақлидан ёзилган асар) турини алоҳида ажратади. “Стилизация пародияга жуда яқин. Бироқ иккаласи ҳам икки хил кўринишда намоён бўлади, – деб ёзади Ю.Н. Тинянов, – битта асарнинг кўриниши ортида бошқа асарнинг кўриниши, аниқроқ қилиб айтганда, унинг услубига солинган ёки унга ўхшатиб ёзилган, ёхуд тақлидий кўриниши (шакли) турибди. Лекин пародияда ушбу икки кўринишнинг уйғунсизлиги, бир-бирига боғланиш йўқлиги, номувофиқлиги, жойдан кўзғалиши, бир-бирини марказдан суриб туриши шарт; трагедияга нисбатан ёзилган пародия (фожиавийликка алоҳида урғу бериш ёхуд шунга мос кулгилилиikka алмаштириш орқалими, йўқми – бунинг фарқи йўқ), хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барибир комедияга айланади, ва, аксинча, комедияга нисбатан ёзилган пародия – трагедияга айланиши турган гап¹⁶⁹.

Пародиядаги уйғунсизлик, ўзаро боғланиш йўқлиги, номутаносиблик принципиал аҳамиятга эга, чунки улар орқали тақлидий матнда чуқур семантик силжишлар юз беради, маъно пайдо бўлиши механизми ишга тушади. Ва ушбу

¹⁶⁸ Ямпольский М. Б. Память Тиресия. Интертекстуальность и кинематограф. М.: РИК «Культура», 1993. с. 31.

¹⁶⁹ Тинянов Ю. Н. Поэтика. История литературы. Кино. М.: Наука, 1977. с. 201.

механизм айнан бир матннинг бошқа матнга нисбатан силжиши, жойини ўзгартириб туриши орқали амалга ошади. Ушбу фикр интерматнлик назарияси учун муҳим аҳамият касб этади.

Пародия назариясига таяниб Ю.Н. Тинянов ўзининг “Адабиёт тадрижи ҳақида” мақоласида матн структурасининг ҳар бир таркибий элементиغا юклатилган “конструктив функция” хусусидаги ғояни илгари суради: “Яхлит система сифатида олинган бадиий асарнинг ҳар бир элементи ўртасидаги боғланишни, ўзаро муносабатни ушбу элементнинг *конструктив функцияси* деб номлайман. Разм солиб қараганда, бундай функция – мураккаб тушунча эканлиги маълум бўлади. Муайян элемент бирданига бошқаси билан боғланади: бир томондан, бошқа асар (система) нинг ўзига ўхшаш элементи билан, иккинчи томондан, шу асарнинг бошқа элементлари билан муносабатдош бўлади”.

М.М. Бахтин, матн полифония (кўп овозлилиқ) си, яъни унинг диалог асосида қурилиши концепциясини чуқурлаштириб, натижада фундаментал аҳамиятга эга хулосага келади: “Матн ўзига хос монада сифатида муайян маъно-мазмун доирасидаги барча матнларни ўзида акс эттиради. Барча маъно-мазмунлар фикр орқали намоён бўларкан, улар ўртасидаги ўзаро алоқа матнда акс этади. Матнлар ўртасидаги ва матн ичидаги диалог асосида қурилган муносабатлар ҳам матнда ўз аксини топади”. Маълум даражада қатъиятлик талаб этган мазкур фикрда бадиий матннинг ўзига хос хусусиятлари ўзининг тўлиқ ифодасини топганини кўрамыз.

Дарҳақиқат, Ю.Н. Тинянов ва М.М. Бахтин фикрлари ўртасида кескин тафовут мавжуд. Матн ўзининг бепоён маконига у ёки бу даражада у билан маъно-мазмун жиҳатидан ўзаро боғланишли бўлган бошқа матнларни қўшиб оларкан, шу тариқа бошқа матндан қисман ёки тўлиқ ўзлаштириш, бошқа матнга таъсир кўрсатиш ҳақидаги муаммо ўз ечимини топганини ҳам кўрамыз.

М.М. Бахтин ўз фикрини кенгайтираркан: “Бадиий тафаккур ривожланиши – бу ҳар доим ўзига хос диалог олиб бориш, таъбир жоиз бўлса, уни қайд қилиб боришдир. Бу *матн* (чуқур ўрганиб чиқиш ва теран ўйлаб

кўриш предмети) ва ўқиш жараёнида юзага келувчи ва матнни “ўраб олувчи” *тагматн* ўртасидаги мураккаб муносабат бўлиб, унда ижодкорнинг дунёни билишга ва баҳолашга оид фикри ўз аксини топади. Бу икки, яъни тайёр матн ва ўқиш жараёнида яратиладиган, дунёни кашф этувчи матннинг учрашуви, икки субъект, икки муаллифнинг учрашувидир. Матн – нарса эмас, шу боис ўқувчининг, идрок қилувчининг шуурий ва ғайришуурий реакциясини ҳисобга олмаслик ёки уни бартараф қилиш мумкин эмас”, деб таъкидлайди.

Ҳақиқатдан ҳам, матн – нарса эмас, бу маъно-мазмунларнинг доим ўзгариб турувчи майдони, бу майдон муаллиф фикри ва ўқувчи фикри кесишган нуктасида пайдо бўлади. Айни пайтда матнга нафақат унга муаллиф томонидан онгли равишда киритилган хусусият, балки ўқувчи томонидан у билан олиб борилган диалог жараёнида киритилган хусусият хосдир. Бу нуктаи назардан, ўқувчи (тадқиқотчи) муайян матнни ўз дунёқараши орқали ўлчайди, баҳолайди, ўз билимига таяниб тушунади. Шу тариқа ўқувчи матннинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифига айланади.

Анъанавий адабиётшунослик нуктаи назаридан бундай позиция баҳслидир. Анъанавий адабиётшуносликда биринчи навбатда муаллифга юксак эҳтиром келтирилади, айнан у олдинги планга чиқарилиб, барча интенциялар матн яратувчиси ёки имманент ҳосила сифатида олинган матнга тегишли деб ҳисобланади. Агар матнни муайян маъно-мазмунларнинг юзага чиқиш майдони деб тасаввур қилсак, у ҳолда М.М. Бахтин мантиғида, бизнингча, бирорта камчилик ёки бўш жой топиб бўлмайди. Бу ҳолда ўқувчининг матн устидаги меҳнатини муаллифнинг матн устида олиб борган меҳнатидан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирига деярли тенг бўлади, сабаби иккови ҳам фикр юргизиш, мушоҳада қилиш, кенг ва чуқур ўйлашни талаб этади. Ҳар ҳолда бугунги кунда ушбу икки фаолият тури (матн яратиш ва матнни ўқиш) ни ажрата оладиган восита, асбоб-ускунанинг ўзи йўқ, ва яқин келажакда яратилиши амри маҳолдир.

Мазкур фикр асосида пайдо бўлувчи янги назария доирасида “матн” (“матн – нарса эмас”) тушунчасини тубдан кўриб чиқишга эҳтиёж сезилади.

Бундай қайта кўриб чиқиш XX асрнинг 60-70-йилларида француз семиотик олимлари Р.Барт ва Ю.Кристева томонидан амалга оширилди. Р. Барт ўзининг “Асардан матнга” (*De l'œuvre au texte*, 1971) рисоласида “матн” ва “асар” тушунчаларини ўзаро фарқларкан: “Тафовут шундаки, Асар моддий хусусиятга эга, у ўзига хос ашё, китоблардан иборат макон (масалан, кутубхонада) нинг муайян қисмини эгаллаган буюм, Матн эса – методологик жараёнларнинг майдони... Асар бемалол қўлда жойлашиши мумкин, матн эса – тилда жойлашади, фақат дискурсда намоён бўлади”¹⁷⁰, деб ёзади.

Матн ўқиш жараёнида юзага келаркан, уни ассоциация (фикр, хис-туйғу, тасаввур, тушунча, таассурот ва ҳоказо) ларнинг шиддатли оқимидан ажратиб бўлмайди, сабаби улар муқаррар равишда матн ичига сингиб кетади.

Ролан Барт ўз фикрини давом эттираркан, шундай ёзади: “Ҳар бир матн бошқа бир матнга нисбатан “оралиқ матн”дир, бироқ ушбу интерматнликни “мантда қандайдир бир келиб чиқиш манбаи” бор деб тушуниш керак эмас; “манба” ва “таъсир”ларни излаш асар **филиация**си ҳақидаги мифга ўхшайди, матн эса – яширин, сезилмас, айна пайтда *ўқилган* цитата (қўштирноқсиз цитата) лардан ҳосил бўлади. <...>. Муаллиф ўз асарининг ҳам отаси, ҳам хўжайини ҳисобланади. Шу боис адабиётшунослик бизларни муаллифнинг дастхатини ва тўғридан-тўғри айтилган бадий ниятини *ҳурмат* қилишга ўргатади, жамият эса, умуман олганда, муаллифнинг ўз асари билан бўлган узвий алоқадорликни тан олади. <...>. Матнга келганда эса, унда Оталик ҳуқуқи ҳақида ёзувнинг ўзи йўқ. <...>. Матнни унинг отасини ҳисобга олмасдан ўқиш мумкин. Интерматнни асли ҳолига келтирганимизда, ворислик ҳуқуқи парадоксал тарзда бекор қилинади. Муаллиф арвоҳи (агарда у ҳаётдан ўтган бўлса) ёки шарпаси (агарда у ҳаёт бўлса), шубҳасиз, Матнда, ўз матнида “пайдо бўлиши”, бироқ эндиликда фақат меҳмон сифатида “кўриниш бериши” мумкин...”¹⁷¹.

¹⁷⁰ Барт Р. Избранные работы. – М., 1989. – с. 415.

¹⁷¹ Барт Р. Избранные работы. – М., 1989. – с. 418-420.

Ролан Барт Муаллифни Матндан “хайдаб чиқарганида” мантикқа зид ҳаракат қилибгина қолмасдан, балки ҳаммамизга яхши таниш, кўпинча биз кўришни ҳам хоҳламайдиган реалликни аниқ-равшан тасвирлайди. Китобни ўқиб ёки кинофильмни томоша қилиб, биз муаллифнинг ниятини, мақсадини “ўқиймиз” деб ҳисоблаймиз. Аслида эса биз ҳаётий ва маданий тажрибамизга таяниб, матнни тушуниш бўйича иш олиб борамиз, уни тўлиқ англашга ҳаракат қиламиз. Матн билан алоқа ўрнатишнинг бошқа йўли йўқ.

Ф. де Соссюрнинг анаграмма (ҳарфларнинг ўрин алмашинуvidан бошқа сўз ясалиши) ларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлари интерматнлик назариясининг учинчи манбасини ташкил қилади. Улар “Умумий тилшунослик курси” (*Cours de linguistique générale*, 1916) нинг яратилишидан олдин олиб борилган эди, лекин фақат 1964 йилдан сўнг, яъни олимнинг шу пайтгача номаълум бўлган қўлёзмалари нашр этилишидан кейингина илм аҳли эътиборига ҳавола қилинди. Ф. де Соссюр, қадимий ҳинд-европа тил (илк юнон, латин, қадимий герман) ларини қиёсий-тарихий аснода ўрганаркан, ўзига хос анъанага асос солади. Ушбу қадимий тиллар поэтикасида у “шеърларни “анаграмма” усулида тузишнинг тамойили”ни кашф қилади. Ушбу поэтик анъанага кўра, ҳар бир шеърини матн асосий сўз, кўпинча Худо (маъбуда) исми (одатда тўлиқ айтилмайди, фақат ишора қилинади) нинг товуш (фонологик) ли таркибига монанд ташкил қилинади. Матннинг бошқа сўзлари шундай танлаб олинадики, уларда асосий сўзнинг товуш (фонема) лари муайян тартиб билан такрорланиши лозим.

Ф. де Соссюр ҳинд-европа шеърлятидаги анаграммаларга бағишланган бой материал йиғсада, баъзи сабабларга кўра, тадқиқотини нашр қилишдан бош тортган эди. Биринчидан, тадқиқотда атрофлича ўрганиб чиқилган шоирларнинг бирортаси ҳам ушбу тамойилдан онгли равишда фойдаланиши хусусида сўз очмагани уни хижолатга солади. Иккинчидан, у кўриб чиқилган материалда анаграммага асосланган структураларнинг тасодифийлиги хусусидаги масалага ойдинлик киритаолмади: “Анаграммалар тасодифийлиги ҳақидаги масалага узил-кесил жавоб беришнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Бу

ҳақда қуйидаги фикр ҳам далолат беради. Таваккаллига олинган учта сатрда ўрта ҳисобда исталган анаграмма (хоҳ ҳақиқий, хоҳ сунъий) ни тузишга мос келувчи учта бўғинни топиш мумкин. Бу таънаомуз фикрда жон бор”.

Шунга қарамай, матнни янгича тушуниш, унга янгича ёндошиш ва нисбатан янги нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши Ф. де Соссюрнинг шубҳаларини унчалик ҳам катта аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди, зеро у кашф этган адабий ҳодиса қандай қилиб битта матн ичига бошқа матн сингиб кириши, қандай қилиб “зоҳирий”, белгиланмаган элемент матннинг “ботиний”, белгиланган элементларига таъсир кўрсатишнинг аниқ моделини қўлга киритиш имконини берди.

Шундай қилиб, муайян элементларнинг муайян тартиби (анъанага кўра, унга маъно яратишда, тушунча ҳосил қилишда фундаментал аҳамият берилади – М.Х.) мутлақо бошқа функция касб эта бошлайди. Яъни мазкур тартиб бошқа матнни анаграмма асосида ташкил бўлганлигини кўрсатади ва шу тариқа маънони нафақат синтагматик, балки парадигматик, нафақат синхрония, балки диахрония жиҳатдан ҳам ўзгарганлигига ишора қилади. Элементларнинг тартиби анаграммаларда фақат бир (горизонтал) чизик бўйлаб эмас, балки бошқа (вертикал) чизик бўйлаб ҳам ҳаракатланишини, бошқа матнга чиқишини, интерматнлигини ташкил қилади. Ф. де Соссюр илгари сурган анаграммалар назарияси қандай қилиб бошқа, асосга солинмаган матн, яширин цитата, матндаги элементларни тартибга солишини, энг муҳими, матнни ўзгартира олишини аниқ-равшан кўришга имкон беради. Мазкур назария асосида матн структурасига, унинг тағмаъносига интерматнликни “киритиш” имконияти вужудга келди.

Ф. де Соссюр анаграммаларни анафония, гипограмма, логограмма ва параграмма каби турларга ажратади. Улардан охиргиси интерматн назариясида алоҳида аҳамият касб этади. Ц. Тодоров бу ҳақда шундай ёзади: “Биз бир чизикли эмас, балки жадвал шаклида ташкил этилган ҳамда матнда бадиий нутқ ишлаб чиқирилишини тасвирловчи модельни *параграмматик тармоқ* деб атаيمиз. *Тармоқ* атамаси бир хил маъно (бир чизикли) ли матн ўрнига

қўлланган бўлиб, ҳар қандай матн, бинобарин изчил, мантикий тузилган матн – бу поливалент муносабатларнинг ҳам бошланиши, ҳам якунидир. *Параграмма* атамаси эса ҳар қандай элемент “*ҳаракатланувчи грамма*”, бинобарин “*маъно ифодаловчи*” эмас, балки “*маъно яратувчи*” элемент сифатида намоён бўлишини кўрсатади”.

Ю. Кристева ўз тадқиқотларини Ф. де Соссюрнинг анаграммалар назарияси, хусусан, параграмма тушунчасига бағишлаб, кутилмаганда илм аҳлининг эътиборини ҳам шу муаммога қаратди. Дарвоқе, айнан Ю. Кристева “интерматнлик” истилоҳини илмий истеъмолга киритган эди. У биринчи бўлиб Ф. де Соссюр тўплаган бой илмий материални назарий кўриб чиқиш, қайта англаш, бирма-бир текшириш ва таҳлил қилиш, таснифлаштиришга ҳаракат қилди. Ю. Кристева шундай ёзади: “Поэтика жиҳатидан *маъно англатувчи* нарса бошқа дискурсив маъноларга шундай ҳавола қилинадики, натижада поэтик ифода (шеърда – М.Х.) да кўплаб дискурсларни ўқиш мумкин бўлади. Натижада поэтика жиҳатидан *маъно англатувчи* нарса атрофида шундай бир ранг-баранг ва серқирра матн (бадий макон – М.Х.) яратиладики, унинг элементлари бемалол муайян шеърӣй матнга киритилиши мумкин. Биз бу маконни интерматн деб номлаймиз. <...>. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, поэтика жиҳатидан *маъно англатувчи* нарса битта кодга мансуб эмаслиги яққол кўринади. У сон-саноксиз (одатда икки) коднинг кесишган нуқтасига айланади, бу кодлар бир-бирини инкор этувчи, бир-бирига қарши позицияда намоён бўлади. Турли-туман ва хилма-хил дискурс, кўп ҳолларда бир-бирига ўхшамас, кескин фарқ қилувчи дискурсларнинг поэтик (шеърӣй – М.Х.) тилда ўзаро кесишиши ва барбод бўлиши муаммоси Ф. де Соссюрнинг “Анаграммалар”ида кўриб чиқилган эди. Ф. де Соссюр қўллаган *параграмма* тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, биз шеърӣй тилнинг фундаментал хусусиятини аниқлай олдик. Уни биз *параграмматизм* атамаси билан таърифладик. Аниқроқ қилиб айтганда, параграмматизм – бу кўплаб матн (маъно) ларнинг шеърӣй матнга киритилиши, ягона маъно атрофида тўпланишидир¹⁷².”

¹⁷² Kristeva J. Semeiotike: Recherches pour une sémanalyse. Paris: Seuil, 1969. - p. 255.

Параграмма майдонида тўпланган турли-туман шеърӣй дискурслар нафақат ўзаро қалашиб кетишади ва бир-бирига таъсир қилади, балки муайян маъно касб этган ҳолда бир-бирини инкор қилади – бу принципиал аҳамиятга эга масаладир¹⁷³.

Ҳақиқатдан ҳам, биз муайян исм (маъбуда, гўзал аёл, жасур, ботир ва бошқ. – М.Х.) шифрланган шеърни ўқигудек бўлсак, у ҳолда биз ё бевосита шеър матнини, ё ўша исмни ўқиймиз. Исм, шеър матнига сингиб, уни ё барбод қилади, ё таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборади.

Бадиий матнга нисбатан анаграмма назариясини татбиқ қилишнинг намунаси сифатида Р. Бартнинг “С/З” (1970) рисоласини қабул қилишимиз мумкин. У ерда муаллиф француз адиби О. де Бальзакнинг “Сарразин” новелласидаги нафақат “с” ва “з” ҳарф ва товушлари атрофида анаграмматик ўйинни, балки битта матнда турли-туман ва хилма-хил кодларнинг қават-қават “ётқизилиш” механизмини ҳам очиб беради¹⁷⁴.

Таъкидлаш лозимки, интерматн поэтикаси модернизмнинг асосий хусусияти – неомифологизм билан чамбарчас боғлиқдир. Неомифологизм тамойилларига асосланиб қурилган матнда миф ролини қадимий мифлар билан бир қаторда, милoddан аввал (антик давр) ва милoddан кейин (Инжил) ги даврда “маданийлаштирилган миф”лар, билъакс “Илоҳий комедия”, “Дон-Жуан”, “Ҳамлет”, “Фауст” каби “афсонага айлантйрилган” матнлар ўйнайди.

Ролан Барт ўзининг “Матндан роҳатланиш” (*Le plaisir du texte*, 1973) асарида шундай ёзади: “Ҳар қандай матн, аслида, интерматндир: бошқа матнлар унда турли сатҳларда таниш ёки нотаниш шаклда мавжуд бўлади; олдинги маданият матнлари ҳамда ҳозирги давр матнлари унинг негизини ташкил қилади. Ҳар қандай матн – бу эски цитата (сўз ва ибора) лардан тўқилган янги мато. Олдинги ва ҳозирги давр маданиятига тегишли кодлар, формула (бирор фикр ёки қониданинг қисқа ва аниқ таърифи), муайян вазн ва қофияга асосланган структуралар, ижтимоий идиома (яхлит ҳолда маъно

¹⁷³ Ўша асар. 195- бет.

¹⁷⁴ Барт, Р. S/Z. Пер. с фр. 2-е изд., испр. Под ред. Г. К. Косикова. — М.: Эдиториал УРСС, 2001. - 232 с.

англатувчи ихчам ибора) лар ва ҳоказо – буларнинг ҳаммаси матн ичига сингиб, унда ўзгармас даражада қоришиб кетади, чунки матнда ва унинг атрофида ҳар доим *тил* мавжуддир, айнан тил матн пойдеворидир. Интерматнликни ҳар қандай матн учун зарурий дастлабки шарт-шароит сифатида фақат манба ва таъсирлар муаммосига олиб бориб тақаш хато бўлур эди; уни яширин ва номаълум формулалар, ғайришуурий тасаввур ва онгли тааммул ёхуд беихтиёр тилга келувчи ва қўштирноқсиз ёзиладиган сўз ва иборалар майдонидек қабул қилиш керак”¹⁷⁵.

Н.Н.Белозёрова наздида, интерматн – бу матнларнинг асрлар оша ривожланиб келаётган мажмуасидир; бу мажмуа ё идеал, ё виртуал савияда, ё китоб даражасида мавжуд бўлиб, ўзига хос доирани ташкил қилади. Аҳамиятли томони шундаки, доира ичида матнлар яратилиш вақти, ўз жанри, маъно ва мазмун етказиш усули, қўлланилиш ёхуд татбиқ қилиниш соҳаси, энг муҳими, тиллар бўйича гуруҳларга ажратилади. Бу мажмуа биринчи интерматн доираси деб аталади. Н.Н.Белозёрова ишлаб чиққан тизимга кўра, интерматннинг иккинчи доираси – бу онг ва онг ости даражасидаги турғун ва ўзгармас кўплик (доира) кўринишида мавжуд бўлган матнга оид шакл ва категориялар мажмуасидир¹⁷⁶.

Юқорида таъкидланганидек, интерматн ва интерматнлик ҳар қандай матнга хос бўлиб, немис тилшуноси В.Хейнеман ишлаб чиққан назарияга кўра, интерматн жиҳатидан бу матн адресанти, яъни юборувчиси ўзига яхши таниш бўлган матн нусхаларидан фойдаланиб, англаган ёки англамаган ҳолда муайян матнларга таянганлиги, эргашганлиги, уларга мослашиб иш тутганлигини англатади.

Интерматнлик (матнларнинг ўзаро нисбати, боғланиши) эса икки, яъни таснифий (грамматикага оид) ва маъновий (семантикага оид) турга ажратилади. Грамматикага оид доирада сўз ўзгариши (турланиш, тусланиш), сўз тузилиши, сўз бирикмалари, гап турлари ўрганилади. Бу ерда асосий эътибор морфология

¹⁷⁵ Барт Р. Избранные работы: Семиотика: Поэтика: Пер. с фр. / Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г. К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. с. 462.

¹⁷⁶ Белозерова Н.Н. Интегративная поэтика. Тюмень: Изд-во ТГУ, 1999. 208 с.

ва синтаксисга қаратилади. Семантика доирасида эса асосан сўз маънолари ўрганилади. Интерматнликни тадқиқ қилишнинг учта истикболли йўналиши мавжуд:

1. Синхрония (тил ҳодисаларининг муайян бир тарихий тараққиёт босқичида бир вақтда ва ўзаро мос равишда мавжуд бўлиши ва ўзаро боғланганлиги) га асосланган тадқиқот, аниқроқ қилиб айтганда – матнларни таққослаш;

2. Диахрония (тарихий тадрижийлик, тил ҳодисаларининг эволюцион ривожланиш жараёни) га асосланган тадқиқот, яъни далил келтириб исботлаш, асослаб бериш модели, турли матнлар модели ва луғавий birlikлар келиб чиқишини аниқлаб, матн яратилиш тарихини ўрганиш;

3. Битта, алоҳида олинган матннинг ҳар тарафлама, конкрет тадқиқоти, яъни бошқа матнларнинг муайян тилга оид хусусиятларини аниқлаш, биридан ажратган ҳолда таснифини тузиш.

Мазкур тасниф бўйича интерматнлик:

а) вертикал интерматнликка эга, у муайян прототипнинг белгилари асосида бадиий матннинг таснифий хусусиятларини акс эттиради;

б) горизонтал интерматнликка эга, у матнни муайян мазмуний жиҳатдан олдинги матн билан ўзаро нисбатини, боғланишини аниқлайди.

Бундан ташқари, интерматнлик прагматизмга асосланиб, бадиий шаклга эга бўлади. Прагматизм асосчиси, америкалик файласуф Ч.С. Пирс (*Charles Sanders Peirce*, 1839-1914) нинг сўзларича, билим аҳамиятини амалий натижаларига қараб таърифловчи тамойил прагматизм негизини ҳосил қилади. Яна бир америкалик файласуф, прагматизм йўналишининг йирик намояндаси У. Джеймс (*William James*, 1842-1910) илмий асарларида прагматизм у ёки бу фалсафий назариялардан ҳосил бўлган “амалий натижа”ларни таққословчи услубдек таърифланади.

Интерматнлик цитата (матн парчаси), ишора, парафраза (бирор асар мундарижасини, маъносини бошқа сўзлар билан айтиб бериш), матн парчаларидан иборат териб чиқилган коллаж, тақлид, ўхшатма шаклларга

кириши мумкин ва шу орқали бошқа матнлар мазмунига қўшилиши, сингиб кетиши, қайсидир бир жихатдан, уларга таъсир этиши, ҳатто ўзгартириши ҳам мумкин. Юқорида келтириб ўтилган фикр ва далилларга асосланган ҳолда, интерматнлик нафақат ҳар қандай матнга хос, балки унинг асосий, яъни ўқувчига таъсир этиш ва маданийлаштириш вазифасига эгаллиги фикри ўз исботини топди, десак тўғри бўлади.

Китобхон қанчалик кўп матнларни тушуниб етса, уларни англаса, у ўзини шунчалик кўп “маданийлаштиради”, деган фикр юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Шу боис, интерматн маданиятнинг асосий тамойили (негизи) сифатида намоён бўлади. Бу ерда маданият атроф муҳитни ўзлаштириш, объектив воқеликни англаш ва инсоннинг унга мослашувидек тушунилади.

Матнни мутолаа қила туриб, китобхон уни ҳазм қилади, ўзлаштиради, ўрганади, қабул қилади, айтиш пайтда хотирасидаги мавжуд ва воқеликнинг акс эттирган матнлар билан таққослайди, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг реал ҳаётини билиб олади. Муайян маданиятни муайян тилнинг татбиқ қилинган, амалга ошган қоидалари асосида ўрганиш, тадқиқ қилиш, тушуниш, ўзлаштириш, қолаверса қабул қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни кўпгина олимлар, хусусан Э. Сепир (*Edward Sapir*, 1884-1939), Д.С.Лихачёв, Ю.С.Степанов ва бошқалар эътироф этишади.

Аргентиналик машҳур адиб Х. Л. Борхес (*Jorge Luis Borges*, 1899-1986): “Тил – бу замонавийликнинг тимсоли, – у абадиёт ва чексизлик хусусида сўз очиш учун асқотмайди”, деб ёзган эди. Бироқ, бу фикр бадий асарнинг жонсиз, ҳаракатсиз, турғун ҳолатдаги, бир чизиқли шаклига тааллуқлидир. Бугунги кунда бадий матн турғун ҳолатни, бир чизиқликни, дейиш мумкинки, бир қолипликни енгиб ўтиб, ўзига хос гиперматнга айланмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, матн маданият билан мутаносиб равишда ривожланмоқда. Маданият ва матн ривожланиш даврларини таққосласак, қуйидаги ҳолатлар келиб чиқади. Маданият азалдан ёзувга эга бўлмаган, маданият ва санъат, жумладан адабий асарлар қасиданавис куйчи шоир, бахши ва бошқалар орқали бизгача етиб келган. Асарлар ўтиб маданият ниҳоят ёзувга

эга бўлди, адабий асарлар матнларни эвристика (назарий тадқиқотларда янгиликлар кашф этиш жараёнида қўлланадиган мантикий усуллар ва методик қоидалар мажмуи ёки унумли ижодий тафаккур жараёнларини ўрганувчи фан) га асосланган ҳолда идрок этиш орқали ўқувчига етказилди. Шунингдек, гипермедиа маданияти ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- матнлар бир чизикдан иборат эмас;

- матннинг айрим унсурларига интерактив ёндашув имконияти, яъни бу семиотика жиҳатдан бир хил бўлмаган маданий маконнинг ҳар бир қисмини қўриб чиқиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш имконияти мавжудлигини англатади.

Семиотика (юнон. *semeion* – белги) – бу энг содда сигнал системаси (одамнинг нутқи) дан тортиб, то табиий тилларгача бўлган белгилар системасини қиёсий ўрганувчи фандир. Белгилар системасининг асосий вазифалари – бу: 1) муайян ахборотни етказиш ёки маъно-мазмунни ифода этиш функцияси; 2) алоқа қилиш, муносабатда бўлиш, муомала қилиш функцияси, яъни тингловчига (ўқувчига) етказилаётган (эшиттирилаётган, ўқиладиган) информацияни тушунишини, англашини таъминлаш, шунингдек ҳаракатга ундаш, эмоционал таъсир ўтказиш ва ҳоказо. Ушбу функцияларнинг бирортасини амалга ошириш белгилар системасининг муайян ички тузилиши, яъни турли белги ва улар бирикмаларининг қонунияти мавжудлигини тақозо этади. Шунга мувофиқ семиотиканинг уч асосий қисмини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) синтактика, ёки белгилар системаси бажараётган функцияларидан қатъий назар, уларнинг ички структурасини ўрганиш фани;

- 2) семантика, ёки белгилар системасини маъно ва мазмунни ифода этиш воситаси сифатида ўрганувчи фан;

- 3) прагматика, ёки белгилар системасининг улардан фойдаланувчига нисбатан муносабатини ўрганувчи фан.

Семиотика асосий тамойил ва тушунчаларининг таърифини илк бор Ч.С. Пирс тузиб чиқди, кейинчалик америкалик файласуф Ч. Моррис (1901-1973)

нинг “Белгилар назарияси асослари” (1938) рисоласида улар кенгроқ тадқиқ қилинди, уларнинг таснифи тузилди ва мустақил фан сифатида ишлаб чиқилди.

Демак, гиперматн концепцияси – бу, биринчи навбатда, матннинг бир чизиқлигини, изчиллигини, қолаверса, тадрижийлигини енгиб чиқишдир. Гиперматн тузилиши энг аввал, муайян билимнинг муайян технология воситасида ёзма ёки электрон шаклда ёзиб олинган ўзаро боғланган фрагментларидан иборат. Тузилишнинг изчил тартиби йўқ тасодифий парчалардан иборат қоришмаси тафаккурнинг аралаш-қуралаш йиғиндисини тақозо этади, бу эса, ўз навбатида, матнларда ўз аксини топади. Тафаккур, шунинг баробарида матн – бу ғояларнинг мураккаб тизимидир. Ҳар бир инсон ўзгача ўйлайди, фикр юритади, шунинг учун ўзгача ўқиш, мутолаа қилиш, тушуниш ва англашга ҳақли.

Шундай қилиб, матннинг тадрижий ривожланиши маданиятнинг тадрижий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Интерматн, ўз структурасини ривожлантириб, такомиллаштириб, гиперматнга айланади. Айни пайтда гиперматнни келажак матни деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Автономова Н.С. Философские проблемы структурного анализа в гуманитарных науках: Критический очерк концепций французского структурализма. М., 1977.
2. Апресян Ю.Д. Коннотации как часть прагматики слова. // Ю.Д.Апресян. Избранные труды, т. 2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1995.
3. Белозерова Н.Н. Интегративная поэтика. Тюмень: ТГУ, 1999.
4. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989.
5. Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М., 1965.
6. Блинников Л. В. Великие философы. М., 1997.
7. Витгенштейн Л. Избранные философские работы / Пер. с нем. и англ. В. Руднева. - М.: Издательский дом “Территория будущего”, 2005.
8. Говердовский В.И. Диалектика коннотации и денотации: (Взаимодействие эмоционального и рационального в лексике) // Вопр. языкознания. 1985. № 2.
9. Ельмслев, Л.Т. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. 1. М., 1960.
10. Ильин И. П. Постмодернизм: словарь терминов. – М.: ИНИОН РАН; INTRADA, 2001.
11. Косиков Г.К. Идеология. Коннотация. Текст (по поводу книги Р. Барта S/Z // Барт Р. S/Z / Перевод Г.К. Косикова и В.П. Мурат. Общая редакция, вступит. статья Г.К. Косикова. – М.: Ad Marginem, 1994.
12. Лейбниц, Г.В. Избранные философские сочинения. – М., 1988.
13. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста / Ю.М. Лотман; М.Л. Гаспаров. – СПб.: Искусство–СПб, 1996.
14. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998.

15. Николаева Т.М. Лингвистика текста. Современное состояние и перспективы. // Новое в зарубежной лингвистике. М., 1978. Вып. VIII.
16. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлар ва йўналишлар. – Тошкент: Таълим, 2009.
17. Петрушенко Л.А. Лейбниц. Его жизнь и судьба. М.: Экономическая газета, 1999.
18. Ревзина О.Г. О понятии коннотации // Языковая система и её развитие во времени и пространстве: Сбор. науч. ст. – М.: Изд-во МГУ, 2001.
19. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986.
20. Тынянов Ю. Н., Якобсон Р. О. «Проблема изучения литературы и язык», М., «Новый Леф», 1928, № 12.
21. Тынянов Ю. Н. Поэтика. История литературы. Кино. М.; Наука, 1977.
22. Ф. де Соссюр. Курс общей лингвистики. М., 1933.
23. Ф. де Соссюр. Труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1977.
24. Фреге Г. Смысл и денотат // Семиотика и информатика. Opera selecta: Сб. науч. статей. – М., 1997. № 35.
25. Шаховский В.И. К типологии коннотации // Аспекты лексического значения. Воронеж, 1982.
26. Ямпольский М. Б. Память Тиресия. Интертекстуальность и кинематограф. М.: РИК «Культура», 1993.
27. Barthes, R. Critique et vérité. Paris: Seuil, 1966.
28. Barthes, R. La Chambre claire. Note sur la photographie. Paris: Seuil, 1980.
29. Barthes, R. La mort de l'auteur // Manteia, 1968. № 5.
30. Barthes, R. Le Degré zéro de l'écriture, suivi de Éléments de sémiologie, Editions du Seuil: Paris, 1965.
31. Barthes, R. Leçon inaugurale de la chaire de sémiologie littéraire du Collège de France, prononcée le 7 janvier 1977. Paris, 1978.
32. Barthes, R. S/Z. Paris: Seuil, 1970.

33. Barthes R. Texte (théorie du) // Barthes R. Œuvres complètes. T. II. – P.: Seuil, 1994.
34. Benveniste, É. Problèmes de linguistique générale. Paris: Seuil, 1966.
35. Coquet, J.-C. Problèmes de l'analyse structurale du récit: l'Étranger d'Albert Camus // Langue française. Vol. 3 N°1. 1969.
36. Christopher Ch. Norris. Deconstruction: Theory and Practice / Publisher: Routledge; 3 edition, 2002.
37. Culler, J. Structuralist Poetics: Structuralism, Linguistics, and the Study of Literature London. Ithaca: Cornell University Press, 1975.
38. Greimas, A. Sémantique structurale: Recherche de méthode. Paris: Larousse, 1966.
39. Greimas, A.J. Sémiotique et sciences sociales. Paris: Seuil, 1976.
40. Greimas, A.J. Du Sens: essais sémiotiques. Paris: Seuil, 1970.
41. Greimas, A.J. Maupassant: la Sémiotique du texte: exercices pratiques. Paris: Seuil, 1976.
42. Greimas, A.J. Pour une théorie du discours poétique // Essais de sémiotique poétique. Paris: Larousse, 1972.
43. Kristeva, J. Sémiotique, sciences critique et critique de science // Théorie d'ensemble. Paris: Seuil, 1968.
44. Kristeva, J. Semeiotike: Recherches pour une sémanalyse. Paris: Seuil, 1969.
45. Kristeva, J. Sémanalyse et production de sens // Essais de sémiotique poétique. Paris, Seuil, 1972.
46. Kristeva, J. Distance et antireprésentation // Tel Quel, 1968, № 32.
47. Kristeva, J. Entretien sur la littérature, sémiotique, marxisme // La Nouvelle critique, 1970, № 38.
48. Ogden, C.K., Richards, I.A. The Meaning of Meaning: A Study of the Influence of Language upon Thought and of the Science of Symbolism. Magdalene College, University of Cambridge, 1923.
49. Prévost, C. Littérature et idéologies. Propositions pour une réflexion théorique // La Nouvelle critique, 1972, № 57.

50. Rastier, F. Systématique des isotopies // Essais de sémiotique poétique. Paris: Seuil, 1972.
51. Serres, M. Hermes. Vol. I. La Communication. Paris: Seuil, 1968;
52. Todorov, Tz. Grammaire du Décameron. The Hague. Paris: Seuil, 1969.
53. Todorov, Tz. Poétique // Qu'est-ce que le structuralisme? Paris: Seuil, 1968.
54. Todorov, Tz. Poétique de la prose. Paris: Seuil, 1971.
55. Лингвистический энциклопедический словарь. / Гл. ред. В.Н. Ярцева. – М.: Советская энциклопедия, 1990.
56. Математический энциклопедический словарь. / Под ред. акад. Прохорова Ю.В. – М.: Советская энциклопедия, 1988.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА	3
I БОБ. СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК: ТАДРИЖ ВА ТАЛҚИН	5
II БОБ. БАДИЙ МАТННИНГ СТРУКТУР-СЕМИОТИК ТАДҚИҚИ.....	25
III БОБ. РОЛАН БАРТНИНГ СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ	46
IV БОБ. АЛГИРДАС ГРЕЙМАСНИНГ СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ	81
V БОБ. МАТН, ИНТЕРМАТН ВА ИНТЕРМАТНЛИК	102
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	131



МУҲАММАДЖОН ХОЛБЕКОВ

1950 йил Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. 1972 йил Самарқанд Давлат университетининг роман-герман филологияси факультетини тамомлаган.

1982 йил “Француз адабиёти ўзбек тилида (таржима тарихи ва амалиёти масалалари)” мавзусида номзодлик, 1991 йил “Ўзбек-француз адабий алоқалари (таржима, талқин ва танқид муаммолари)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, 1993 йил унга профессор илмий унвони берилган.

1992-1998 йиллар Самарқанд Давлат университети хорижий мамлакатлар адабиёти кафедраси мудири, рус филологияси факультети декани; 1998-2004 йиллар Самарқанд тиббиёт институти чет тиллар кафедраси мудири, Самарқанд Давлат чет тиллар институти француз филологияси факультети декани, француз тили назарий фанлар кафедраси мудири, профессор лавозимларида ишлаган. 2004-2006 йиллар Москва Давлат очик университети таржима назарияси ва маданиятлараро мулоқот кафедраси профессори; 2007 йилдан Жиззах Давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири ва профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келаяпти.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков илмий фаолияти давомида икки юздан ортиқ монография, рисола, ўқув қўлланма ва илмий мақолалар эълон қилди. Унинг таржимаси ва муҳаррирлигида Ш.Перро, Вольтер, Мериме, Бальзак, Мопассан, Ж.Верн каби француз адиблари асарлари нашр этилган.

